

*Замира  
РҮЗИЕВА*



*Ҳафратнинг  
сүбҳати*

**“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2016**



ЗАМИРА РЎЗИЕВА

# ҲАЙРАТНИНГ СУВРАТИ

*Танланган шеърлар ва достон*



“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2016

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)

Р – 99

Р – 99 Рўзиева Замира.

Ҳайратнинг суврати: Танланган шеърлар ва дос-  
тонлар. – Т.: “Sharq”, 2016. – 288 б.

Шоира Замира Рўзиева ўзининг “Мунаввар юртим”, “Атиргулга айланаман”, “Сарчаашма”, “Гул ислари”, “Офтобжамол” каби ўнлаб китоблари билан ҳам ўзбек шеъриятида, ҳам ихлосмандлар қалбida ўз ўрнини, хурматини топган ижодкор. Унинг бу галги китоби чин маънода ижод гулдастасидир. Чунки умри давомидаги барча сара шеърлари, эътироф топган достони ушбу китобга файз берган. Китобдан ижодкор ҳақидаги устозлар фикри ҳам жой олган.

ISBN 978-9943-26-496-0

УЎК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)

ISBN 978-9943-26-496-0

© 3.Рўзиева, 2016.

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Баш таҳрияти, 2016.

## *Ватан*

Сен – Сенсан!

Сифат йўқдир бошқа, ташбех йўқ ортиқ,  
Бордир фақат ёниб севмок, соғинмок.  
Фаниминг қўлида яркираса тиғ,  
Жигарпоранг бўлиб курашмок.

## *Ўзбекистон*

Сен тошқин умримга муносиб қисмат,  
Мехрим чанқоғини қондирган чашма.  
Бир кун айри тушсам соғинчинг қийнар,  
Бағрингда юрсам ҳам мен сенга ташна.

Сендаги юраклар осмон, уфқни  
Сигдира олади шаксиз, bemalol.  
Юраклардан томган зангор қўшиқни  
Оlamга мақтаниб ёяди шамол.

Менинг ҳам қўшиғим ўзингсан, ўзинг  
Қўшиқки – самимий, тиниқ ҳислардан.  
Қўхна бу дунёning хушсуврат қизи,  
Сени кизғонаман ёмон кўзлардан.

1975

\* \* \*

Борликнинг эшигин қоқар субҳидам,  
Юлдузлар сўнарлар кўкда жимгина.  
Тонгнинг оқ кўйлаги сулувдир бирам,  
Менинг хаёлларим сулуврот яна.

Нигоҳим тортади шабнамли гуллар,  
Биллур томчиларга лаб босаман жим.  
Умидларим бўлиб чорлайди йўллар,  
Йўлларга айланиб қолар оламим.

Оғушига олар мени ҳаяжон,  
Юзларим тутаман тонг нафасига  
Ва қадам босаман дадил, шодумон,  
Келажакнинг кумуш остонасига.

1975

## *Понии лавҳа*

Куёш ғафлат кўйнида ҳали  
Ухляяпти.

Кўкда

Сўниб улгурмаган юлдузлар ҳорғин.  
Эпкиннинг этаги теккандан чайқалиб  
Сочиб юборади гулзор бўйларин.  
Ҳали тинч уйкуда одамлар,  
Ширин тушдан сармаст кезлари.

Фақат бир,

Фақат бир кенг гулзор ҳовлида одимлар  
Уйкусиз, қизарган кўзлари  
Қайсиdir аламдан киртайган аёл.  
(Ииллар ўғирлаган шодлигин,  
Қаддидир беаёв тақдирга савол).

Кўкламни кўксисда асраран новдалар, ғунчалар,  
Тилкаламоқ бўлар унинг дардини.

Ташна димоғига райҳон бўй урап,  
Жунбушга келтирас кекса қалбини.

Райҳон шоҳларига қўл чўзар аёл,  
Япроқчалар қўлин ўпади.

Азиз бир овозга ўралар хаёл,  
Қаршисида ўғли кулиб туради:  
“Бораётганим олис сафар олдидан,

Хуш кўрганим райҳон узатгин, она.  
Жангда ғолибдирман мададинг билан,  
Мадад бер йиғламай кузатгин, она”.  
Хотиралар бунча, бунчалар аччик,  
Қатида беўлчов туғён яширин.  
Соғинчлар юқидан ғамгин қорачик,  
Тун ғамгин, тонг ғамгин  
Тинглагач фирокли нигоҳлар дардин.  
Нигоҳлар дардини  
Само сатҳидаги ҳорғин юлдузлар  
Ҳам йиғлаб тинглару сўнарлар бенишон.  
Аскар қабри томон тушади излар,  
Аёл борар, титрок қўлида райҳон.  
Тун титраб ўчади жунжикиб чиқармай сасини.  
Тонг титраб ўпади қаноат ва Мехр маъбудасини.

1975

## *Қудрат*

Сўз отилиб никди  
Фароғат билмаган юракнинг  
қаъридан.  
Кўкракни тўлдирган тилакнинг  
Бағридан  
Туйғуларнинг бўронига ўралиб.  
Уялиб пастлади,  
Денгизни кўпорган бўронлар  
Шиддатман деб ҳайқирганидан  
Гўё шиддат сўнди танидан  
ТУЙҒУЛАР бўрони олдида.  
Сўз отилиб чиқди,  
Ютганида ёниб кетди совук ҳаво,  
Ўрлаб-ўрлаб кўтарилиди оташ наво.  
Қўёшнинг кўзида ёнгандай ҳайрат.  
Гўё у узатиб нур қўлларини  
Сўрагандай яна ҳарорат.

Сўз отилиб чиқди,  
Туйни олисларга кузатди диллар  
Тонгнинг қучоғида ором топгали.  
Заминга ёйилди муаттар ислар,  
Хуш бўйни ичади диллар чайқалиб.  
Сўз отилиб чиқди...

1975

### *Зулфија опага*

Айрилиқнинг узун азобин кесиб,  
Улгайиб боради ирода, сабот.  
Кўклам боғларига бўлиб муносиб,  
Гулбаргаклар тақиб одимлар ҳаёт.

Тебраниб кузатар ўрик гуллари,  
Мехр борлигига шукронга айтиб.  
Мұхаббатга ватан юраклар сари  
Оҳанг бўлиб оқар садоқат байти.

1975

\* \* \*

Менинг сендан олган эҳсонларим –  
Юрагимнинг тубига чўккан,  
Одамлардан яширинган  
Беадад ва бетаскин бир дард.  
Мен уларни пинҳон тутаман  
Ва ҳеч кимга килмайман ҳасрат.  
Одамларга эса боқаман  
Юзларимни  
Табассумга оҳиста чайиб.  
Дардлар тўлқинида ғарқ қалбим билан.  
Сўзлайман уларга жилмайиб.  
Чунки мен қўрқаман  
Ошкор этсам туғёнларимни

Кулаб тушар агар тингласа күёш.  
Ёрилиб кетади совуқ тилсим тош.  
Мен  
истамайман  
Күёшнинг кулаб тушишини,  
Совуқ харсангларнинг ёрилишини.  
Одамларни эса жуда севаман,  
Уларга боқаман юзимни  
Табассумга оҳиста чайиб.

1975

### *Мен ўшаман*

Мен ўшаман,  
Юрагингни ёндирган олов,  
Мен ўшаман,  
Висол дея терганинг лола.  
Мен ўшаман,  
Хижрон азоб бериб беаёв  
Қийнаганда  
Сен чеккан оҳ, сен чеккан нола.  
Мен ўшаман,  
Ёлворишинг хуш кўрган қайсар.  
Фурурига•  
Сажда қилган сен севган юлдуз.  
Мен ўшаман,  
Ўзга билан кўргунга қадар,  
Муҳаббатин тан олмаган ўта мағрур қиз.  
Мен ўшаман.

1975

\* \* \*

Ўн етти ёш, қўмсадим сени,  
Қарши олгил, бир лаҳза қайтай.  
Сен ҳақдаги қўшиқни айтай,  
Эслаб ўша баҳор пайтини.

Боғларингда сайр этар қизлар,  
Қўшилайин уларга бир дам.  
Сўзлай сирли туйғулардан ҳам,  
Ёдга тушсин сендаги кезлар.  
Айтай, кимдир этганини банд,  
Илк бор сенда содда ўйларим,  
Қалб қатида нозик куйларим  
Қай қўшиқка бўлганин пайванд.  
Англаб олсин сўзимдан қизлар.  
Айтай, майли адашганим ҳам,  
Ишқли диллар олсинлар сабок.  
Огир экан ахир қоқилмоқ,  
Айтай, майли адашганим ҳам.  
Сўнгра билгай мендек улар ҳам,  
Учратдими эъзозли Мехр,  
Сақлоларми уни бир умр,  
Киприкларга илинмасми нам.  
Ўн етти ёш, қўмсадим сени,  
Қарши олгил, бир лаҳза қайтай,  
Сен ҳақдаги қўшиқни айтай,  
Эслаб ўша баҳор пайтини.  
Ўн етти ёш, қўмсадим сени.

1975

\* \* \*

Пишқириб боради поезд бетиним ·  
Сокин далаларни ортда қолдириб,  
Туннинг зулматини этиб минг тилим!  
Кўзларим кузатар йўлларни ёриб.  
Соатим миллари тун ярмида қоқ,  
Мавжудот бу асно уйқуга асир.  
Фақат анув уйда ўчмабди чироқ;  
Унда ё гўдак бор, ё яшар шоир.

1975

## *Бодомзорим түлиб кетди...*

Бугун менга куйламаслик ярашмас асло,  
Ошик дилим ватан яна шұх оқангларга.  
Хайратимни олам аро ёйсин күй, наво,  
Бодомзорим түлиб кетди пушти рангларга.

Оқ тонг бугун ҳар қунгидан чиройи бошқа,  
Осмон ҳам оқ, бегард... ана бир қаранглар-а.  
Келса керак шафакнинг ҳам боғларга рашки,  
Бодомзорим түлиб кетди пушти рангларга.

Хуш бүй излаб үғирликка тушмоқда еллар,  
Олсин, даво деб улашсинаң сұңг дилтангларга.  
Қайғу нима, бугун баҳор сержаранг кулар,  
Бодомзорим түлиб кетди пушти рангларга.

1976

## *Күзги боғларда*

Маъюсгина кезаман хазон тұла боғларни,  
Рухиятим сокинлик курсовида қийналар.  
Шивирлайди хазонлар эслаб яшил чоғларин,  
Жимликка сұнгги куйин түкиб үтар турналар.

Йүл йүкотган хаёллар қезишади бесамар,  
Нигоҳларим урилар етим қолган бутоққа.  
Энг оғири, оғири – қадамларим қийналар  
Кечаги завқларимни бугун босиб юрмоққа.

1976

\* \* \*

Фасллар айланар тұхтамай бир зум,  
Умрим дафтариға сувратин солиб.  
Кузатдим совғага гоҳ армон олиб,  
Гоҳида-чи, олиб шириң табассум.  
Фасллар айланар, оқ ўйларимга  
Бахтнинг дарбозасин рүбәрү қилиб.  
Ҳали руҳимдаги шўх куйларимга  
Баҳор завқин, ёзниңг тафтини бериб.  
Фасллар айланар ранглар улашиб,  
Ўтли туйғуларга кўмиб қалбимни.  
Умидларим йиллар билан тиллашиб,  
Чарчокқа йўл кўймай етаклар мени.  
Фасллар айланар, мен-ку турмай жим,  
Оляпман улардан суйган нарсамни.  
Баъзан ўз-ўзимдан келар сўрагим:  
Мен ҳам ўша сахий, суюк йилларга  
Атаб бирор нарса қолдиряпманми?

1977

\* \* \*

Нега жимсиз, нега сокинсиз,  
Кўкламнинг завқидан,  
Тириклик шавқидан  
Ёниб кетмайдими юрагингиз.  
Бир қаранг,  
    Кенг,  
Харир кўйлагин  
Ёйиб силкитиб,  
Хушбаҳт қадамларин ноз билан босиб,  
Неки ғам, неки дард барин унутиб,  
Ишқли дилдан ҳайрат сўраб муносиб  
Баҳор келаётир келинчак мисол.  
Кўтариб ялпизнинг бўйини  
Тонгда очилмаган деразангизга  
Авайлаб-авайлаб урмоқда шамол.

Ястанган адирлар күксига  
Санчилган қип-қизил лолалар  
Гулханли орзулар тусида  
Бир сулув чайқалиб,  
Бир сулув чайқалиб  
Сирли чорларлар.

Нега жимсиз, нега сокинсиз,  
Софинчли бинафша рухсор күрсатиб  
Ҳавони күмди-ку муаттарликка.  
Киприкларни айриб, дилни уйғотиб,  
Армонларни солмоқ керак күшикқа.

Баҳордан аяманг күздаги завқни,  
Ёниб бағрингизни тутиңг бу нафас.  
Баҳор сахий...  
У сиз йүқтөтган,  
Сиз унутган ишқни  
Қайта ҳадя қылса ажабмас.

1977

## *Эхтироли*

*(Номаълум аскар ҳайкали ёнида)*

Осмон тиниқ, эгнида күклам кийдирған лиbos,  
Табиат минг бир ҳусн жамлаган танг қолгулик.  
Бош эгдим зиёратга пойингни этиб эъзоз,  
Отамидинг, ё баҳтли қизга ёр арзигулик –  
Наврўз муборак, аскар.

Қара, алвон лолага бурканди қир-адирлар,  
Сергүл ўрик бутоғида қалдирғочлар чуғури.  
Само бўйлаб сузиб қолар оққушмисол абрлар,  
Эшитилар гоҳ таниш турналарнинг “кур-кур”и.  
Юртингда наврўз, аскар.

Анҳор суви лимилдаб, лойқаланиб оқмокда,  
Шўх қизалоқ шоввада оқизоқ ўйнар бу дам.  
Киш бўйи соғинганинг ялпиз ҳиди димоқда,  
Кўқсомса учун бир пайт кўк тергандирсан сен ҳам –  
Юртингда наврўз, аскар.

Сумалак тараддуди. Қазилмокда ерўчок,  
Барра ўсган буғдойни “тўқ-тўқ” туяр онахон.  
Ҳашарчи қўшнилардан ғала-ғовур хонадон...  
Бундай кунларнинг балки гувоҳи эдинг бир чоқ –  
Юртингда наврўз, аскар.

Зангор япроқ қуёшга орзуларидан сўйлар,  
Шамол уни тортқилаб чор тарафга ёймоқчи.  
Юракларнинг завқиу соғинчин дутор куйлар,  
Қай она, қайдир келин қарогида ўт томчи.  
Юртингда наврўз, аскар.

1977

### *Мунни соҳиљ*

Ойдинлиқда дарё мавжланар,  
Ойнинг кумуш ипи бағрида.  
Тўлқинлар “ғазаби” авжланар  
Кумуш ипни узмоқ дардида.  
Кўкда бир тўп канизак-юлдуз  
Имлаб сени ўзининг кучсиз  
Қўлларини узатади.  
Юрагингни тўлдиради  
Канизаклар кулгусидай ҳис.  
Сен қадам босасан  
энтикиб,  
Елканг узра оқиб тушар  
Туннинг майин нигоҳлари.  
Қадам босасан  
Намчил шамолларга бағрингни тутиб.

Сендан қочиб кетади  
шунда  
Юрагингга чўккан ғамларнинг бари.  
Ойдинликда соҳил сайрида...

1978

### *Ўсма*

Нозик кўллар кўзгу тутар сулув юзга,  
Янокларда югурди ним табассум.  
Зангор нилчўп сирғалади кошлар узра,  
Қолдиргали энсизгина, хушбўй изин.

Бир-бирини таранг ипда тортиб қошлар,  
Чанқогини зангор сувда қондиради.  
Нилчўп энди киприкларни ўпа бошлар,  
Ўт нигоҳлар кўзгу бағрин ёндиради.  
Тутаб кетди, тутаб кетди пилик қошлар,  
Ойначадан мўралайди қиз севинчи.  
Тутаб кетган, тутаб кетган зулук қошлар,  
Кимларнингдир ғойиб бўлган ором, тинчи...

Зангор нилчўп сирғалади...

1978

### *Онали ҳати*

Бу нотинч қалбимга дармондир,  
Соғинчларим учун бироз тасалли.  
Сиёҳнинг излари оташ забондир  
Азиз бармоқларнинг тафти туфайли.

Кўзларим ўнгидаги табаррук сиймо,  
Лабларим у зотга тилайди умр.  
Кўксимга босаман минг жоним фидо,  
Кўксимга босганим осмондай меҳр.

1978

## *Күз япроқлари*

Осмонга термилиб ётишар мағур,  
Ризолик акс этар нигоҳларида.  
Уч фасл бекорга ўтмади умр,  
Уч фасл севгиси кучоқларида.

1979

## *Күз*

Ёз килич ўйнатиб, от суриб ўтди,  
Баъзан толдириб ҳам қўйди шовқини.  
Салқин сахарларнинг хумори тутди,  
Қуёш қолдирмади ёздан ҳаққини.

Куттириб ниҳоят келди дилбар куз,  
Сарғиш хаёллари ерда сочилиб.  
Осуда боғларга термилсанг бесўз,  
Юракларнинг қулфи кетар очилиб.

Рухсорин кўрсатар энг тиник ҳислар,  
Тансиқ мукофотга айланар яаш.  
Куз оқшоми куйлар дуторин созлаб,  
“Қўқон ушшоги”га жуда ҳам ўхшаш.

Борлиқни сеҳрлаб қўяди бу куй,  
Сеҳридан туясан ажиб бир ҳикмат.  
Ўйлайсан, энг гўзал кундир ушбу кун,  
Ўйлайсан, боғларга кўчганин жаннат.

Дилкаш дўст, юр ўша жаннатлар бу пайт  
Кутар гилам тўшаб куз зарларидан.  
Юр, ўқиймиз унда “Ушшоқ”қа монанд,  
Бобур, Нодиранинг ғазалларидан.

1979

## *Қалмолот*

Кокиллари кирк ўрим қыз юриб боради,  
Хушнуд қадамлари астагина ўпар тупрокни.  
Жилмаяди, тонгда гуллар жилмайған каби,  
Масрурланар... илк бор кўраётгандай бу боғни.  
Қайдандур гуллаган жийдазор бўйини  
Келтирган сайёра шамоллар, сармаст  
Қизнинг ширин хаёл, куйини  
Ўғирлаб қочарлар шу нафас.  
Муаттар бўй тўла чаманлар  
Тўлиб кетар шу дам  
Аламнинг юзини кўрмаган  
Қалбнинг осмон қадар орзуларига.  
Содда хаёлларга тизгин тутмаган  
Юракнинг тўполон туйғуларига.  
Ҳавас билан тақлид қиласу қуёш,  
Кокилларин аста ёзиб юборар.  
Тонгти олам қизнинг хуркович  
Кўзларига сассиз жойланар.  
Гуллар сулув чайқалиб бу дам,  
Бош эгади унинг қошида.  
Бир мардга баҳт, куйчига оҳанг,  
Шоирга шеър бўлиб боради  
Гулрух нақ ўн етти ёшида.

1979

\* \* \*

Мен дунёга келдим,  
Юрагимни отмоқ учун  
Энг мушқул сирларнинг қаърига.  
Улоктириб ором-ҳаловатимни,  
Учмоқ-чун  
Осилиб умидлар барига.  
Мен дунёга келдим,  
Чексизлик бағрида ястанган

Боғлардан, даладардан  
Излаб қай мўъжиза  
Кафтигга тутгани  
Мен дунёга келдим,  
Ошиқлар охидан яралган ғолиб лолалардан  
Даста-даста териб, кимнидир интизор кутгани.  
Мен дунёга келдим,  
Туннинг эгнидан  
Faфлатни, сукутни беаёв ечгани.  
Мен дунёга келдим,  
Ойдан арқоқ эшиб,  
Ҳислардан тонгга  
Оппоқ-оппоқ кўйлак бичгани.  
Мен дунёга келдим...

1979

\* \* \*

Биласизми, Сиз деганимда,  
Кўкламги боғларга ўралар хаёл.  
Талпинар энг эзгу истаклар сари,  
Кўринмай кетади сахий дунёнинг  
Насибанг деб тутган тоғдек ғамлари.  
Биласизми, Сиз деганимда,  
Юлдузлар шеър ўқиб юборар  
Бахтиёр ошиқлар ҳақида.  
Юрагимни қучар кенг ўрикзорим  
Имиллаган қишини кузатиб  
Оппоқ гуллаб берган дақиқа.  
Биласизми, Сиз деганимда,  
Саратон сийлаган буғдойзорига  
Термилган дехқоннинг қувончи мисол  
Бир қувонч кўзимга қалқиёди.  
Хаёл осмонимда кулару иқбол  
Онамнинг оқ дуо, истакларини,  
Менинг пинҳон ишқим, орзум, барини

Қондиргич қүёшдек балқыйди.  
Биласизми, Сиз деганимда,  
Шеъриятдек азиз қўринар умр.

1980

\* \* \*

Қадамингиз бойчечакнинг устига тушди,  
Боласини қурбон бериб инграб қўйди қор.  
Сал нарида майсаларнинг эти увишди,  
Титроқларин сезмай ўтиб кетдингиз наҳот.  
Ўрик гули япроқларин учирар шамол,  
Кувалайди толбаргаклар таққан қизалоқ.  
Қизалоқни бир зумгина кузатмай, алҳол  
Сиз бепарво ўтдингиз-а... жонимда қийнок...  
Унсиз, дилхун, кўзингизга тикиламан жим  
Мен тасаввур қилган Сизни Сиздан қидириб.  
Қўрқаяпман,  
Йиғламаса эди, баҳор, бойчечак каби  
Сизга боғлиқ умидларим бир кун ўкириб.

1980

\* \* \*

*Дугонам Пўлатойга*

Йўлчилармиз, бораяпмиз, дилда эзгу ҳис,  
Қоқилсак ҳам умидларнинг этагин тутиб.  
Бораяпмиз уфқача солмоқ бўлиб из,  
Лоқайд ҳамроҳларнинг баҳридан ўтиб.

Парча олов ташлаганмиз юрагимизга,  
Рости, қуёш биздан олар ёнишда сабоқ.  
Мухаббатмиз, кимлар қалбин тутмайди бизга,  
Кимларгадир иқболмизу, кимларга фироқ.

1980

\* \* \*

Сиз ҳадя этдингиз, Сиз,  
Туннинг дилбарлигин, тонгнинг Мехрини,  
Юрагимга ўтли ва беором хис,  
Ёниб куйламоқнинг сехрини.  
Сиз ҳадя этдингиз, Сиз,  
Завқланмоқни сўнгсиз яшилликлардан.  
Чайқалиб чорлаган оқ денгиз,  
Субҳидам жарчиси шўх какликлардан.  
Сиз ҳадя этдингиз интиқ кутмоқни  
Сайёр насимларнинг нафасини.  
Сирли ҳаяжонни, ширин титроқни,  
Покиза севгини, ҳамма-ҳаммасини.  
Сиз ҳадя этдингиз, Сиз,  
Орзулар завқини, тоғлар сабрини,  
Зор қилган висолнинг буюк қадрини.  
Бари учун қуллуқ,  
Аммо сиз  
Сўнггида аямай ҳадя этдингиз,  
Айрилиқнинг тоғдай оғир жабрини...  
Умрим қийналади сўнгги тортиқдан.

1980

### *Қишлоқдаги ўйлар*

Нега сув сўрайди чанқаганлар, воҳ,  
Олинг қанча керак – бағрим тўла оҳ,  
Кунлар бурукситиб ўт ёқсан гўлоҳ –  
Исмимнинг шарҳини сўраманг.

Онам деганимнинг қўзлари мунгли,  
Болам деганларим гул, қуроқ тунли,  
Чалкашган ҳаётим еттита ўнли,  
Исмимнинг шарҳини сўраманг.

Мехроб қилдим қарғиши теккан тузумни,  
Отамни унудим, юмдим күзимни,  
Дардга никоҳладим рангпар қизимни,  
Исмимнинг шарҳини сўраманг.

Оловланган хазонрезгилар айтсин.  
Имонга урилган сезгилар айтсин,  
Кўзи кўр ўзбаки севгилар айтсин,  
Ўзимдан сўраманг исмимни.

1980

### *Юртили*

Хусидан оламни лол этган кўклам,  
Армонлардан фориг мангалик фасл.  
Бойчечагинг бўлиб туғилдим мен ҳам,  
Бағрингда улғаймоқ шарафи насиб.

Ўсаман қуёшга интилиб, ёниб,  
Ишқимни пояндоз қилиб тўшайман.  
Мехринг юрагимга қолди айланиб,  
Юрагимга эса содик яшайман.

1980

\* \* \*

Суюк бойчечакнинг изидан  
Хувиллаган боғлар соғинчи бўлиб  
Туғилди маъсума куртаклар.  
Минг айланиб юзу кўзидан  
Гўдагини кучган онадай кулиб  
Куёш қучар уни нурга йўргаклаб.

Табассум тўплайди ғунчалар,  
Ифор хаёллари саралайди ранг.  
Йўқолган кўшиғин топиб анҳорлар,  
Майсаларни сергак тортириар оҳанг.

Ялпиз кулгуларин кўксига қўйиб,  
Бодомзор оралаб қайтган шамоллар  
Бир ширин...  
Тушида оқ ҳарир лиbosлар кийиб  
Энтикиб уйғонган қизнинг тонг саҳар  
Сурган ойдин-ойдин ўйлари каби  
Бир ширин...  
Ютасан чанқогинг қонмай,  
Шунда беихтиёр олов қўксингта  
Сигмаган кичкина жонингни  
Кўкламнинг табаррук пойига  
Бахш этгинг келади қизғонмай.

1980

\* \* \*

Кўй энди, дардларни улоқтири, синглим,  
Кўклам қадамларин кўзига суртиб,  
Ундан бир латифлик ундирганча жим  
Кенгликлар турибди бизларни кутиб.

Бўтана сувларга термилиб қара,  
Кучоғида кўшиқ... яйраб оқмоқда.  
Куёш кокилларин келиндай тараб  
Новдаларга зангор барглар тақмоқда.

Кушларнинг шовқини тутар осмонни,  
Ғойиб қувончларин топади юрак.  
Йўқолган эҳтирос, завқ, ҳаяжонни  
Чуғурлаб келтирап кушлар жонсарак.

Дилда неки ғубор – бари кетади,  
Навбаҳорда бунинг даволари кўп.  
Сен яхшиси,  
Борликнинг ҳуснини осмондай қалбу  
Ҳайратга айланган кўзлар билан ўп.

1980

\* \* \*

Энди тонгни қуюқ-қуюқ туманлармас,  
Қучоқлайди кўз қувончи – яшил Ернинг  
Хуш ҳидини қониб-қониб шимган ҳаво.  
Борлиқ шундай сулув, шундай соз бу нафас,  
Мана мен деб дилга кирар қайсиdir тун  
Хуноб бўлиб топмаганинг дилгир наво.  
Тўлгоқдан сўнг кўкка боқиб ётар замин,  
Дунёга кўз очган гўдак – яшил майса.  
Гўдак юзин ўпаман мен бағрим тўлиб,  
Бўш бағримни тўлдиради ҳамма нарса.  
Ўйларимни ўраб олган истаклар мўл,  
Бири – учсан олис, азиз гўшам сари.  
Соғинганман, эҳ мени ҳам соғингандур  
Андижоннинг кўклам қўнган адирлари.

1980

\* \* \*

Шунчалар оқмиди олча гуллари,  
Шунча зангормиди барглар, майсалар.  
Тотлимиди туннинг бедорликлари,  
Шеърга ўхшармиди ҳамма нарсалар.

Ёраб, тиндирмоқда кўзни гўзаллик,  
Ҳайрат қорачиқни қучоқлайди жим.  
Тил аллали, қад ҳам энди тик,  
Бу бахтни сен бердинг, ГЎДАГИМ!

1980

\* \* \*

Толикқан кўзимни очдим. Туман йўқ,  
Офтоб излаб келар исмимни айтиб,  
Гўшасин бой берган рутубат янглиғ,  
Бир қараб йиқилар. Турмайди қайтиб.

Не тонгларда хунук тушлар оққан сув,  
Бугүн ҳофиз бўлиб узатар қўшиқ.  
Қарайман тўрт тараф сеҳрли ёғду,  
Ҳайратгир кўнглимни этолган ошиқ.  
Офтобга беради сира қизғонмай,  
Майсалар субҳдан олган дурини.  
Худдики сиз менга муҳаббат атаб,  
Бергандай ҳаётнинг завқ-шуурини.  
Ишонмаслар, балки телба ҳам дерлар,  
Олтин пайдо десам хору хаслардан.  
Қаламимдан томиб энг гўзал шеърлар,  
Гул сачрашин айтсам ўт нафаслардан.  
Орзу деворига шамчироқ илиб,  
Кўксимдан ўқ тера бошлар самандар.  
Ҳар бир хужайрамда минг ҳис тирилиб,  
Кўксимдан ватанлик сўрар чаманлар.  
Англадим эртакдан чиқди сеҳргар,  
Самандар қуш бўлиб оҳимга етди.  
Мен ахир дуч келдим улкан меҳрга,  
Кичик кўнглим бирдан улғайиб кетди.  
Сиз ўша сеҳргар, самандар сиз ул,  
Рўшнолик юртининг нодир хатисиз.  
Сиз менга Тангрининг йигирма беш йил  
Куттириб юборган марҳаматисиз.

1981

### *Рахима ҳоланині Кўзлари*

Бу кўзларда қотган армон бор,  
Гашт кўрмаган келинлик ҳаққи,  
Бу кўзларга шахт билан баҳор  
Киролмайди чечаклар тақиб.

Силқиб чиқар қаноат иси  
Куйдиргувчи алам чўғида,

Түғилмаган гўдаклар исми  
Ёзик турар унинг тубида.

Бу кўзларга боққаним маҳал  
Фироклардан бағри хун найман.  
Хаёлларим аралаш, чигал,  
Минг қасосни тишлаб йиғлайман.

Яшаб бўлмас энди бефарқ, жим...  
Кириб келар исён бағримга.  
Дунё, сенға айтар гапларим  
Тиқилади бўғизларимга.

1980

### *Бу юрт*

... Бу юрт осмонининг ёмғири, қори  
Иқболда тенги йўқ қизларнинг  
Сочларини ўпид яйрайди.  
Ташриф буюрсами баҳори  
Куёш майсаларнинг, хуш ялпизларнинг  
Бўйидан маст кокил тарайди.  
Бу юртнинг сувлари шу қадар зилол,  
Жонбахш деб атайди ичган бир ҳовуч.  
Бу юртда дағ-даға солмайди шамол  
Тунлари ўғринча сайр этмас қилич  
Бу юртда...  
Барибир нўноқлик қиляпман ахир  
Тавсиф тополмасдан буюк меҳрга.  
Сўз ўзича, кўнгил ўзича ҳақдир  
Бу Ватан сиғмайди мактубга, шеърга...

1984

## *Ўзлими Бекзодбекка*

Минг ёлғонни ўтга отган бир чин қушим,  
Чин тепага чирой тутган лочин қушим.

Қаҳратонда қақшаб ётган юрагимга  
Кўклам куйин тўккан қалдирғочим – қушим.

Ҳайрон бўлма, атиргуллар ярашар пайт  
Қор парчалар таққан бўлса сочим, қушим.

Куръа ташлаб, йўлнинг фақат чангакларин  
Менга тутди шафқати кам очун, қушим.

Курагимда турфа тошлиар излари кўп,  
Кетавердим, у ҳам ишқقا божим, қушим.

То сенгача талх таънадан куйди ичим,  
Қолди қанча тиканзорда ўчим, қушим.

Кўшиқ айтиб баландлаб уч, ғийбатчилар  
Кўриб қўйсин эзгуликнинг кучин, қушим.

Минг ёлғонни ўтга отган бир чин қушим.  
Чин тепага чирой тутган лочин қушим.

1986

## *Изтироб*

Шунча кўп ном қўйдик биз сенга,  
Марду майдон дедик,  
Олтин қўл дедик.  
Изғирин буғлаган ҳар нафасингга  
Мингта таъриф топиб,  
“Ҳа, бўл, бўл” дедик.

Қалбингни дарё деб қарсаклар чалдик,  
Дарёлар ҳақида қайғурмасдан ҳеч.  
Минбардан сўзлашга навбатлар олдик,  
Далангга тонг кетиб, қайтганингда кеч.

Кетмонинг ғазабин “ғайрат” деб айтдик,  
“Юксак режа” дедик ҳорғин ўй сурсанг.  
“Бахтдан сармаст” дея рост сўздан қайтдик,  
Дорили пайкалда юрганингда ганг.

Кўрдик, ё кўрмадик, жон-жонларингни  
Кеч кузак ёмғири, кори савалар.  
Қадоғинг, ёрилган товонларингни  
Яшириб яшади ҳўл пайтавалар.

Биз ном қўявердик:  
“Ўкта муворий”,  
“Кўкси факат меҳнат дея урган зот”.  
Дедик: “Комати сарв, ойдир рафтори,  
Дунё гўзалларин этгудайин мот”.

Шунча таъриф-ташбех, шунча кўп ёзук,  
Ваъзлар билан босдик дард, сирларингни.  
Сен-чи, сен не дединг?  
Кўзлари очик,  
Ухлаб ёзиб юрган шоирларингни.

1987

\* \* \*

Фасллар айланар, айланар меҳнат,  
Иккисига пайванд айланасан сен.  
Таниганинг дала – мўътабар хилқат,  
Тонгу шоминг билан бойланасан сен.

Яшаш ишламоқдир, ишламоқ яшаш,  
Аямай түкасан манглай терингни.  
Күнглингга урмайди бу содда қараш,  
Шунчалар севасан кетмон, Ерингни.

Севгинг күтаради ҳимматларингни,  
Елкангда вазминлик яшар ҳамиша.  
Тоқ бўлгани қўймас тоқатларингни  
Кўзингта муҳрини босган Андиша.

Сезмадинг, шу буюк феълу атворинг  
Асл ишқ нелигин билмас жонларга  
Хуш ёқди.

Инсофин жарларга отиб,  
Сени кўприк килди сохта шонларга.

Минбарлардан оқди гўзал ёлғонлар,  
Яғир қила борди елкангни юкинг.  
Ишқсиз кўкракларни ўпиди нишонлар,  
Унвонлар йиғлади.  
Эшигдинг,  
Лекин

Жимгина қарадинг, андиша қилдинг,  
Сувлар йиғлаб оқди ютиб сирингни.  
Йўлдош кетмонингга вазмин тикилдинг,  
Вазмин севавердинг яна Ерингни.

Сени яхши танир кузги изғирин,  
Қишлоғи теримда ёнма-ён юрган.  
Билолмай жонингнинг қаттиқлик сирин,  
Ғалати чийиллаб афтини бурган.

Жонингни тинимсиз ўтларда ёқиб,  
Хирмонинг тинимсиз ўсида шу тахлит.  
Эгасиз оромлар сувларда оқиб,  
Захматга эгилди кунларинг яхлит.

Ниҳоят...  
Бир куни этикни ечдинг,  
Ўзингча ясандинг ҳосил тўйингга.  
Яна андишанинг шаробин ичдинг,  
Не казо-казолар келгач ўйингга...

Тўй тўрига чиқмоқ... сенга ёт ҳолат,  
Пойгақдан тингладинг қадаҳ сўзларин.  
Сенинг борлигинги илғамади ҳам  
Қарсакдан маст бўлган меҳмон кўзлари.

Сўнг узун поездлар ютди хирмонни,  
Сенга хайр-хўш ҳам демай жўнади.  
Сен жим қолавердинг, ушатиб нонни,  
Бунга сендан бошқа ким ҳам кўнади.

Андиша... анди... бас шундан қайтаман,  
Юрагимни эзар хокисорлигинг.  
Ахир сен сиғинган отам, онамсан,  
Улар боққан менсан, қандоқ айтаман.  
Ўз олдингда ўзинг гуноҳкорлигинг.  
Эрк истаган эллар ичра борлигинг....

1987

## *Янги йил олди ўйлари*

Тилакларинг айт, опа,  
Остонада янги йил.  
Бор-будини бир тўкиб  
Хуморидан чиқсин дил.

Узун-узун меҳнатнинг  
Кўлингдаги изларин  
Ўпид сўрар янги йил,  
Опагинам, сўзлагин.

Олавермай елкангга  
Юмушнинг бор кийинин.  
Сўра маҳкам боғлашни  
Эркакларнинг қийиғин.

Гўдак қучган қўлингдан  
Бой бермасдан имконни.  
Сўра, олиб берсин йил  
Эгасига кетмонни.

Шу тупроққа меҳримни  
Қирқ йил бердим дегандинг.  
Унинг хаста ингроғин  
Озор, дардим дегандинг.

Озорингга, дардингга  
Жонимни боғлай, опа.  
Тила танти йил берсин  
Ерингга малҳам, шифо.

Кунинг қалай, соғломми,  
Қадрин тиклашни сўра.  
Ўлмай юрган ёлғоннинг  
Изин чеклашни сўра.

Андиша бор, сабр бор,  
Озгина журъат тила.  
Фалсафа бор, тадбир бор,  
Баландларга хат тила.

Шоириңгга ўқтам сўз,  
Она тилга омонлик.  
Тила элга ўғил-қиз  
Эътиқодлик, имонлик.

Юрагингга дўст тила,  
Ўзингдек чин, покиза.  
Ва ишонгин беради,  
Бу янги йил – мўъжиза.

1987

\* \* \*

Раҳм қилгил минг бўлакли азиз жона,  
Кутмоқ гуноҳ тўлгунича то паймона,  
Бебошларнинг ҳасратларин ирғит, она,  
Жўмардларга қийиқ тиккин.

Далаю уй орасида сарсон опам,  
Ўттиз йиллик умри анча арzon опам,  
Қўлларида кетмон опам, нимжон опам,  
Жўмардларга қийиқ тиккин.

Саркаш синглим, хаёлларинг сенинг гулзор,  
Кўз қорангда ҳаяжон бор, пинҳон сир бор,  
Эртакларда Алпомиш бор, алп Тоҳир бор,  
Жўмардларга қийиқ тиккин.

Нафосатни олгай мардлар паноҳига,  
Улкан кафтда толе тутар чин моҳига,  
Гулюзлигим, қолма улар гуноҳига,  
Жўмардларга қийиқ тиккин.

1998

\* \* \*

*Муҳтарам қайнотам, ўттизинчи йиллар  
нахтаюри Мирзамат отага  
1.*

Ота, бу юрт зарга тўла,  
Ғўрга тўла, зўрга тўла.  
Кенг манглайи шўрга тўла,  
Шарҳини умринг айтсин.

Савлатларга молик арбоб,  
Баланд дорлар тўла хитоб,  
• Оловларда ёнган китоб,  
Шарҳини умринг айтсин.

Сукут ўғли далаю туз,  
Кулдиргичсиз, тупрокранг юз,  
Кўз юмиқдир, бекик оғиз,  
Шарҳини умринг айтсин.

Шоирликдир “мақта-мақта”,  
Бошдан баланд ўсар пахта.  
Орзулаш ҳам асли баҳт-да,  
Шарҳини умринг айтсин.

Йилнинг бари ҳамал эмас,  
Шон имондан афзал эмас,  
Шеърим нафис, гўзал эмас,  
Шарҳини умринг айтсин.

1982

2.

Қўлларимни чўздим.  
Бердилар, берди,  
Қизғонмай, етмиш хил товланган меҳнат.  
Манглайим тиланиб олгани тердир,  
Етмиш бор ўргилиб айтдим-ку раҳмат.

Яхшироқ кун учун имкон сўрадим,  
Етмиш қат сабрни зичу соуз терди.  
“Етар, бас” демоқни узоқ ўйладим,  
Ўйловимга етмиш қишу ёз берди.

1982

## Топишмок

Ким у – ери минг турфа кон,  
Чүнтағида тилла йўқ,  
Кўлларида қадоқ бордур,  
Кетмон бордур, хилла йўқ.

Даласида офтоб ўткир,  
Даласида иш ўткир.  
Бунда буғдойрангли юз бор,  
Ё оппок, ё малла йўқ.

Нихоллари улғаяди  
Манглай терга сужниб.  
Бунча ниҳол улғайгунча  
Суёвчида силла йўқ.

Кузак ичра хирмон тўлган,  
Пахта кулгай жаранглаб.  
Кузакдан сўнг карвон кулгай,  
Бунда пахта, пилла йўқ.

Узун-узун карвонларни  
Кузатади кўлу кўз.  
Кўз бор, кўл бор, алар қадрин  
Ўлчагувчи палла йўқ.

Гўзал кўклам, ёз ҳисобда,  
Куз ҳисобда ҳартугул.  
Сўнг қаноат фасли – рўза,  
Тўқсонли қиши, чилла йўқ.

1982

\* \* \*

Сиз келсангиз агар... сиз билан  
Бирга келар ям-яшил ранглар.

Энди фасл исмин сўрамай,  
Алвон атиргуллар жаранглар.

Сиз келсангиз агар... сиз билан  
Бирга келар чиройли офтоб.  
Муродига етганлар ҳакда  
Сўйлаб берар донишманд китоб.

Сиз келсангиз агар... сиз билан  
Хур шамоллар келар изма-из.  
Энди тишин қайраб, соч ёйиб,  
Орзу уйин бузмас ялмоғиз.

Сиз келсангиз... дилда ёниқ ҳис,  
Бизлар энди шодликмиз, завқмиз.  
Ҳижронзада нигоҳ эмасмиз,  
Дийдор топган иқболга ғарқмиз...  
Сиз келсангиз... келинг...

1988

## *Широк ҳақида*

*Мен дунёга келганимда  
У кетган эди...*

Равшан ФАЙЗ

Мен дунёга келганимда у кетган эди,  
Оқил боболар сўйлади у ҳақда, оқила момолар  
сўйлади.

Сўйловлари охирламай,  
Ёраб, чап кўксимда бир олов ёнди,  
Тилимда муборак сўзлар уйғонди:  
“Ватан, мен сени севаман”.

Мен дунёга келганимда у кетган эди,  
Оқил боболар сўйлади,

Оқила момолар сүйлади.  
Тингларканман,  
Сиру сехрда қолган  
Вужуд билан сездим –  
Томиримда қудрат оқди дафъатан.  
Юрагим тоғ менинг,  
Кұксим қалқондир,  
Шу муқаддас тупроқ,  
Шу азиз Ватан –  
Мени тирик туттан шарбати жондир.

Жонин асрамаган ким бор дунёда,  
Вужудимда айланар зёр куч...  
Кенгая бошлайди қорачиқларим,  
Улкан нафрат топгум ёғийлар күйгіч.  
Қиличга айланар жон санчиқларим...

Мен дунёга келганимда у кетган эди,  
...Ватан, хаёлларинг баъзан талотүп,  
Күкингда йиғлаган булатми, ғамми?  
Нега сотқин учтар,  
Нега құрқоқ күп,  
Ё оқил боболар, момолар камми?!

1988

\* \* \*

Қандай тушунтирай ўзимни, баҳор,  
Юрагим – гулларга күмилган дунё.  
Рұхим ёруғ осмон – қушлари бисёр,  
Хизр назар қилган одамман гүё.

Хаяжоннинг хушрүй боласи энди  
Оҳангта йүғрилган ўйлар оқими.  
Кечаги ситамкор ғамлар чекинди,  
Турфа гул узатган боғлар яқиним.

Гуд каби титрадим, гул каби ёндим,  
Бир юракка бўлдим ёп-ёруғ хаёл.  
Йўқотиб йигловдим, топиб қувондим,  
Мен улкан севгига дуч келган Аёл.

Нигоҳимни боғлаб олланар уфқ,  
Сармаст чайқалади кузатиб дараҳт.  
Бўм-бўш кунларимни тўлдирап қўшиқ,  
Бўм-бўш кунларимга кириб келар баҳт.

Шунгача мен қандай яшадим, билмам,  
Сен азизлик бердинг умримга нондай.  
Ташаккурим етмас, раҳматларим кам,  
Муҳаббат дунёсин шархлайнин қандай.

Қандай тушунтирай ўзимни, баҳор?

1990

\* \* \*

Бошқачароқ ўйла, бошқача яша,  
Ўқий бир юз йиллик соғинч сатрини.  
Бўй-бастинг кўринсин кунга яраша,  
Кўтар кўксингдаги ҳурлик қадрини.

Алданиш гумроҳлик, адашиш гуноҳ,  
Йўл изла ўгитлар ўчмаган хатдан.  
Ана майса гувоҳ, ана гул гувоҳ,  
Суянгиси келиб жилмайди Ватан.

Юрагинг химоя ҳаддин ушласин,  
Келиб етди ҳушёр яшаш хонаси.  
Мудрама, кафтингдан қулаб тушмасин  
Равзай жаннатнинг таклифномаси.

Үз ризқингни ўзинг шукур қилиб е,  
Гунг турмагин баҳтдан баҳс бошланган пайт.  
Юрт, элим ҳеч кимга қарам эмас, де,  
Қарам бўлмайди де, мен борман деб айт.

2005

\* \* \*

Япроқлар бандидан узилмай туриб,  
Адашган изғирин бояларни қучди.  
Кузнинг кексайгани сезилмай туриб,  
Турналар шошилинч жанубга учди.

Қиров босиб қолган кўсакларига  
Бардошлар тирабми инграр ғўзалар,  
Туман илаштириб этакларига  
Тонглар айбордек секин бўзарар.

Ҳар зарби туманлар бағрини ёриб,  
Дала томон тушар излар бу нафас.  
Аёздан кетса ҳам кўллар кўкариб,  
Кўсак узар бунда қизлар қасдма-қасд.

Ғўзалар кўз ёшин артар этаклар,  
Хижолат хўрсинар рангпар кунчикиш.  
Шалаббо этакка тўлар кўсаклар,  
Ёқа ушлаб қолар бевақт келган қиши.

1987

\* \* \*

Юрак, севасанми, бу маъсум қизни,  
Ишлар у офтобга елкасин тираб.  
Узун эгатларда қолдирган изин  
Ўпа биласанми япроқдек титраб.

Яктағини қуёш ўпіб сарғайтган  
Деҳқон ғұзасига әгилди, ана.  
Киприги намланиб қолди. Шу пайтда  
Йиғлай биласанми сен ҳам жимгина.

Чопиб келар бола – құzlари олов,  
Құлидаги таёқ табаррук, азиз.  
Унга рангин қувонч шу яшил яйлов,  
Сен рангин қувончни қиласанми ҳис.

Теракзор күчалар, лойсувоқ уйлар,  
Айвонга ин қүйіб вижирлаган қуш.  
Кеч кузак бағрини иситган түйлар,  
Сехрини соғиниб күрасанми туш.

Күксимдасан, үзни англат, жавоб бер,  
Ха деёлсанг, сенга яшашга шафқат.  
Унда түкканларинг ҳаммаси рост шеър,  
Унда сиғинганинг ростдан Ҳақиқат.

1988

### *Ұтқирбек оғылан тунда*

Айт, қанча бож керак, мендан ол, мендан,  
Боламнинг бүғзини тинч қўйгин, ингрок.  
Бу маъюс қўзларни соғингин, шодлик,  
Бу кичик кўнгилни ёритгин, чироқ.

Ҳақиқат, қаддингни ростлагин, бор бўл,  
Бу қора қайғудан сен ҳимоя қил.  
Үлмаса қарзини узиб яшайди,  
Бунга ишонавер, имоним кафил.

1988

## *"Қағансиз құлилар"ни үқиб*

Кимнинг боласисан, Қаноат,  
Айт, сени ким тукқан, Ирода?  
Елкангдаги кунлар шунча зах,  
Елкангдаги кунлар Фамбода.

Тиканли, чириган арқон йүлингми?!  
Қонталаш товонинг изларин күрдим.  
Сенга құлларини чүзган ўлимми?!  
У арқонга бунча ёнма-ён юрди.

Бугун кенг дунё лол.  
Бағрин қаричлаб  
Минг бор ўлчаб йиғлар ўз оёқ-бошин.  
Қаерга қүяди энди...  
Жой тор-ку  
Ярадор юраклар күтарған тошин.

1990

## *Ўзбек*

Жон-жонида муруват яшар,  
Жон-жонида яшар мезбонлик.  
Гоҳо гўдак, гоҳо минг яшар  
Чол сингари эртак-достонлик.

Манглайини сахий осмон денг,  
Кетмон тутиб ёғдирап ёмғир.  
Елкалари унинг шунча кенг,  
Улкан юкни демайди оғир.

Тингламоқни ўрганган кўпроқ,  
Йўлин ювган ишончнинг сели,  
Андишани хуш кўрар. Бироқ  
Қийнаб кўяр доим шу феъли.

1990

*1937 йил*

**1**

Туннинг кучоғидан хиёнат оқди,  
Оқимга қорилди субҳидам йўли.  
Гуноҳнинг рангига бўялиб бокди  
Чорасизлик ичра куннинг ўнг-сўли.

Офтобнинг исми бор, ўзи йўқ энди,  
Ўлжа бўлиб кетди у ҳам қотилга.  
Офтоб деганларнинг овози тинди,  
Тинмаган овозлар бари сотилган...

**2**

Армонлар ёғади ҳар тонг, ҳар кечдан,  
Ўйловлар бешафқат кемирар ичдан.  
Шунча кеч ажратдим сарани пучдан,  
Бағрим уволларга тўлган бағирдир.

Бор бисоти хазон бир дараҳт йиғлар,  
Панжаси қон қасам, вайрон аҳд йиғлар,  
Ўз эгаси сургун қилган баҳт йиғлар,  
Бағрим уволларга тўлган бағирдир.

*1990*

*Oйбек*

Онам қадар, севгилим қадар  
Ардоқлигим сенсан, сўз.  
Дунёнинг дардига қўнглимни бердим,  
Муҳаббат зарбига қўнглимни бердим,  
Сен эса қўнглимга тенгсан, сўз.  
Умримни ўлчасам капалак умри,  
Интилиб учганим чаман сен,  
Дунё ичра Ватансиз камми,  
Юрак қалбидаги Ватан сен.

Япроққа йиғладим,  
Гулга йиғладим,  
Ёнган шабнамларда севгим титради.  
Сен исроф сочилган йўлга йиғладим  
Бойлигин асраган хасислар каби.  
Улуғ муҳаббатга тутдим ҳар дамни,  
Тўлиб кетди тунларим “оҳ” га.  
Дард кучоқлаб ўтдим. Ҳатто лаҳзамни  
Бериб кўймай дея маддохга.  
Илоҳийлик жонга ёйилган ҳузур,  
Айтсан гард юқардек беркитдим.  
Чақнади кўзимда қиёси йўқ нур,  
Мен энди кўз билан сўзлашга ўтдим.  
Жарангладинг томирларимда,  
Faflatни жарларга отди кўз.  
Муҳаббатли қасрларимда  
Тож ярашган ардоқлигим – СЎЗ.

1990

### *Ўзини унумтсан яқинишига*

Мансаб деганлари сизни зўр қилди,  
Оддийлик сўзини ҳатто хотирлаб  
Кўймоқ малол бўлди.  
Қалбни кўр қилди,  
Кўтариб юрдилар сизни шотирлар.

Сехргар эканми, во ажаб, мансаб,  
Сиз энди озғинмас, анча семирган.  
Чириган фирибдан милтиқлар ясаб,  
Элининг ризқига ўқ отган мерган.

Эли алқамаса учиб юрмакнинг  
Шарҳи қуламоқдир. Қавмга қайтинг.  
Зўр нотик эдингиз,  
Манов гўдакнинг  
Кўзларига қараб бирор сўз айтинг...

1990

\* \* \*

Бир дилча тўлдириб дунё камини  
Яшарман гоҳ мағлуб, гоҳида ғолиб.  
Бу қўхна заминнинг ташвиш, ғамини  
“Менингсан, менинг” деб елкамга олиб.

Ҳамроҳ бўласанми, келақолгин, дўст,  
Кўнглимга кўз ташла, қўлимни ол, ма.  
Фақат алдамагин, муҳаббатинг суст,  
Жонинг ширин бўлса, йўлингдан қолма.

1990

\* \* \*

Чор тарафга қараб кўрганим қувонч,  
Кўрганим, кунларнинг садоқат, сехри.  
Оғир хасталикни ирғитган ишонч,  
Қизиллик югурга бошлаган чехра.

Тўлиққан, айтари бир дунё дала,  
Кушларини чорлаб шовуллаган тол.  
Хасу чўпакларни  
Битта-битталаб  
Супуриб ишидан яйраган шамол.

Юрагим энтикар,  
Урар бетоқат,  
Овозим, сўзимга айланади чўғ.  
Айт, қандай сифинай  
Сенга, ҳақиқат,  
Айт, қандай сифинай  
Сенга, озод рух.

1991

# *Широк*

## 1.

Бугун менға қиличдир сахро,  
 Ўқ-ёйимдир учган күмшамол.  
 Нафратимни күзга қилиб жо,  
 Ёгийга жим очаяпман фол.

Қароғимга чўкди булоқлар,  
 Иигламасман, сизиб чикмас, йўқ.  
 Лашкар сувсиз қирилган чоғлар,  
 Булоқ тўла кўзим тургай шўх.  
 Шум Раносбат тақдири қаро,  
 Бўлмагайдир саклар унга кул.  
 Мен голибман, қиличим сахро,  
 Гармселлар ўқим – ёйимдир.

## 2.

Ён, сахро, ён, бўл чақин,  
 Озорларинг тилагим.  
 Юрагимга бўл яқин,  
 Яқин сенга юрагим.  
 Ёнсанг ёвуз ва баттол  
 Босқинчилар йўли берк.  
 Ўлсам бўлар bemalol,  
 Элим билан қолар эрк.

1992

\* \* \*

Бугун дала-ҳовлида гул, этакда гул,  
 Токчада гул, қатор нақшин тувакда гул,  
 Чолбобода, болакайда, гўдакда гул,  
 Бўз йигитда, хуллас жами эркақда гул.  
 Сездингми, дўст, бу кун файзи, сехри надир?  
 Бу кун байрам. Гулларимиз аёлгадир.

Аёл келар, байрамингиз қутлуғ дегин,  
Дунёда йүк сиздек оташ, ўтлуғ дегин.  
Эркак бағри сиз билан-ку тұлық дегин,  
Гул пояндоз түшаб қўйгин йўлларига,  
Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.

Ўсма сизга ярашар де, қўйиб юрсин,  
Фақат ёрин, фарзандинмас,  
Ўзини ҳам суюб юрсин.  
Суянсангиз биз бормиз де,  
Борлигингни туйиб юрсин.  
Ўт бағрини тўлдир баҳор гулларига,  
Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.

Аёл зотин қалби нафис, аммо улкан,  
Кулиб туриб йиғлаб қўяр, йиғлаб кулгай.  
Осмон дили баъзан дардга тошиб-тўлгай,  
Малҳам тутиб пешвоз чиққин йўлларига,  
Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.

Ўксиманг де, кўнглингизни топайлик де,  
Армонингиз, камингизни ёпайлик де,  
Ошиқ бўлиб изингизни ұпайлик де,  
Хушбўй райхон экиб қўйгин йўлларига,  
Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.

Онадир ул, опадир ул, сингиллир ул,  
Ёрдир гўзал, муҳаббатли кўнгиллир ул.  
Кашф этолган жонга сирдир, сеҳрдир ул,  
Сеҳрлангин, бош эгиб чиқ йўлларига,  
Бир жон нима, минг жонни тут қўлларига.

1992

\* \* \*

Боғларини ҳур шамоллар излайдиган,  
Бешикдаги гўдакни ҳам сизлайдиган,  
Айро қўнгил Бобур янглиғ бўзлайдиган  
Андижоннинг тупроғида дардим менинг.

Сочпопугим оқиб кетган катта ариқ  
Билар, яшил куним нега бўлган сарик,  
Бир бепарво нигоҳлари тутантириқ,  
Андижоннинг тупроғида дардим менинг.

Дунё қизик, ким қувнаб, ким ранжиб кетар,  
Гоҳ бир ёлгон ўнта ростни янчиб кетар,  
Гар инграсам, чап кўкрагим санчиб кетар,  
Андижоннинг тупроғида дардим менинг.

Олис кетдим кўзга суртиб чанг, гардини,  
Бесадоқат қилди ахир бир мардини,  
Тинглаб ўтгай энди суйгич дил зарбини,  
Андижоннинг тупроғида дардим менинг.

1992

\* \* \*

Сим-сим ёмғир ёғар, эрир ғубор, кир,  
Тонгнинг қат-қатидан тўкилади сир,  
Сеҳргардир бу он, бу кун, бу фасл,  
Унга айтари бор қўнглим ярашар.

Ҳар фикр, ҳар ўйдан айланар офтоб,  
Камёблик тахтидан тушади савоб,  
Омонлашар бобом қолдирган китоб,  
Ассалом демоққа тилим ярашар.

Яхшида яроғ йўқ, ёмондан ҳазар,  
Диёнат билмас беймондан ҳазар,

Ҳамон ўлмай юрган ёлғондан ҳазар,  
Ҳақиқатга менинг йўлим ярашар.

Каъба тиляяпти кўнглим бу фурсат,  
Отажон, бобомнинг сувратин кўрсат,  
Она, рўмолингни бошимга ўрат,  
Сифиниб кўймоққа гулим ярашар.

Тонгти ёмғир бўлиб сим-симни айтиб,  
Эътиқодга молик ҳиссими айтиб,  
Яшасам яшарман исмими айтиб,  
Ўзликсиз умрга ўлим ярашар.

1992

## *Ҳурлиқ түйғулари*

Ўзбекистон ҳурдир.  
Кечмишингни кир  
Этган оғриқларга босгин бу сўзни,  
Шивирлаб айтсанг-да тафти баланддир.  
Эритар ҳар қандай қақшатқич музни,  
Ўзбекистон ҳурдир.  
Ўпсанг байроғин,  
Сени излаб келар минг йиллик ғурур,  
Ажабланма тўлиб кетса қароғинг,  
Сизиб чиқкан томчи эриган дилдур.  
Ўзбекистон ҳурдир, бу жаранг, сасдан  
Вужудингга кирап илоҳий бир куч,  
Улуғлангандайсан ўша нафасдан.  
Шууингни бoggлар муқаддас бир бурч,  
Ўзинг фидойироқ, қалб, рухинг бойроқ.  
Ловуллай бошлайди кўксингдаги чўғ,  
Софинч кўрғонига қадалар байроқ.  
Унга фидо жоннинг зоелиги йўқ.  
Ўзбекистон ҳурдир –  
Жами оғриқларга босгин бу сўзни.

1993

\* \* \*

Ўзимни ўзимга танитар бу кун,  
Воҳқим дардлар ширин, гўзалдир ситам,  
“Болам” деб кўнглини очади секин  
Қаддини эътиқод суяган Ватан.

Зах кўчалар бўйлаб юргиси келар  
Кўпдан кўринмаган иссиқ офтоблар.  
Софиниб сухбатлар қургиси келар  
Боболарим сўзи қолган китоблар.

Борлик-йўқлигимни сўраб келади  
Армонли нигоҳи Мирзо Бобурнинг.  
“Ҳар кимни алқасин юрти, элати”  
Бу овозсиз оҳи Усмон Носирнинг.

Қидира бошлайман кўнгил уйимнинг  
Кун ботар Мехробин, саждагоҳин жим.  
Чархидা айланар фикру ўйимнинг  
Йўқловсиз мунгая бошлаган тилим.

Сесканаман... Ватан, суянгин менга,  
Дардингни олайн, мунғайма тилим.  
Мен энди яшайман. Киарман мингга,  
Топсан ҳам топаман мукаддас ўлим.

1994

### *Ўйонган мисллам*

Боғ ичра кўкламлар юз очмиш қат-қат,  
Баргларига ёмғир ёзиб ўйнар хат,  
Улгайиб кетади кўнгил, руҳият,  
Ошиги сарафroz бу сирли хилқат  
Сенсан, ВАТАН.

Кун-тун ичга томган күз ёш ариди,  
Тил-жаби бойланган бардош қариди,  
Нурға талпинганнинг қуёш ёридир.  
Офтобга суюниб тиклаётган қад  
Сенсан, ВАТАН.

Қадим битикларнинг синоатидан,  
Сұнмаган эътиқод ибодатидан,  
Аршга етган дуо ижобатидан,  
Юзин райхон еллиб уйғонган миллат  
Сенсан, ВАТАН.

Дарахтзорда, гулда, түк магизда сүз,  
Қизча лабин ўпган чанқовузда сүз,  
Қайтган мұхожирнинг жон бүғзида сүз,  
Буюк мұхаббатлар яратган жаннат  
Сенсан, ВАТАН.

Ҳар үғли Алпомиш, ҳар қизи Барчин,  
Жондан қиммат билган фарзандлик бурчин,  
Шу бурч омон бўлса топган эрки чин,  
Туркистон аталган буюк мамлакат  
Сенсан, ВАТАН.

1994

\* \* \*

Дил кашф этган, дил яратган  
Оlam бордир, билсангиз.  
Кўзларимда ишқ эритган  
Жолам бордир, билсангиз.  
Учган хаёл оққуш эмас,  
Жонми-ишқдан сархуш эмас.  
Менинг дилим бўм-бўш эмас,  
Нолам бордир, билсангиз.  
Аввалимда, охиримда,  
Хеч ким билмас бир сиримда.

Улуғлардан томиримда  
Толам бордир, билсангиз.  
Кафтдан уруғ тўкилади,  
Баъзан оқ ранг кўк келади.  
Софинтирсам ўпкалади,  
Далам бордир, билсангиз.  
Сайёд отган хаста оҳу,  
Менга кўнгил ёзар ёҳу.  
Таскинимда малҳам гулу  
Лолам бордир, билсангиз.  
Куним битиб етса ғурбат,  
Аттангим йўқ дилда қат-қат.  
Ёртимни тўлдирап албат  
Болам бордир, билсангиз.

1995

\* \* \*

Недир дегим келар сен ҳақда, Ватан,  
Мендан аввал сўзлаб кўяди ажаб  
Забони қирқилган сахарлар  
Вужудига мингта мунг қамаб.

Недир дегим келар. Сўзлаб кўяди  
Чувак елкаларнинг яғири.  
Хурлик деганида қон бўлган уфқа  
Бош қўйган кунларнинг сағири.

Сўзлаб кўяр мендан аввалроқ  
Сувга оқиб кетган эътиқод,  
Ҳаққига тиловат пичирлаган лаб.  
Нафратлари офтоб кўрмасдан  
Мозорга қатнаган хунталаб.

Мендан аввал сўзлаб кўяди  
Ёлғонни болам деб қучган кўкракда

Кун-бакун оғриғи ортган яралар.  
Бу кимнинг ҳаққи деб сўрамай,  
Нонин бераверган далалар.

Сен ҳақда...  
Юракни ўртайди истак,  
Чизгиси келади янгича бир тарҳ.  
Ин онгил, эрта тонг, нур эмган гўдак  
Тилидан жаранглар офтобжамол шарҳ.  
Сен ҳақда, Ватан!

1998

\* \* \*

Кеча тугаб борар.  
Яқиндир кундуз,  
Мудрама, жонингни ғафлатлардан уз,  
Рухиятнинг тилсим сандигини буз,  
Қўлдан чиқармагил бундай имконни.

Огоҳлигинг ортсин қадим сирлардан,  
Бир қайрилиш сўра азиз пирлардан,  
Қонинг мерос ахир Асотирлардан,  
Қўзғат томирингда оқкан туғённи.

Улуғвор ҳисларга туташган парвоз,  
Мозийдан келадир синмаган овоз,  
“Биз ким мулки Турон” айлагил эъзоз,  
Сен-да баланд кўтар минг йиллик шонни.

Тизи титрамаснинг қадди тик келгай,  
Рух тўла муқаддас буюк юқ келгай,  
Куймиши, топмиши бўлиб эрк келгай,  
Изи қўзламагай сира осонни.

Тугаб бораётган туннинг тифида,  
Жонингни ёндириб ишқнинг чўғида,  
Нур узатиб икки қорачигида  
Суйган Чўлпондай суй Ўзбекистонни.

2000

### *Она мисан сен*

Юрагимнинг сара гулин сенга тутай,  
Гардларингни кипригимда артиб ўтай,  
Исминг айтсам рухим баланд – аршга етай,  
Жоним Ватан, онамсан сен, болангман мен.

Бу масканнинг рафтори хуш, ифори хуш,  
Олис кетсанг дарвеш қилган хумори хуш,  
Авалиёлар босган тупроқ тумори хуш,  
Жоним Ватан, онамсан сен, болангман мен.

Варақласам шажарамда пирлар кўпдир,  
Калити ишқ бўлган сехр, сирлар кўпдир,  
Ёғийга тиз букмаган ботирлар кўпдир,  
Жоним Ватан, онамсан сен, болангман мен.

Насабимни сўрадилар, ўзбек дедим,  
Ардоқлаган мулк, бойлигим чин эрк дедим,  
Навоийдан чехрамдаги нур, кўрк дедим,  
Жоним Ватан, онамсан сен, болангман мен.

Дилимсан-ку, сен оҳ десанг teng айтайнин,  
Малҳам бўлай Ҳазрат ёзган хуш байтдайин,  
Кутлуғ, қадим боғларингни кенгайтайин,  
Жоним Ватан, онамсан сен, болангман мен.

2000

\* \* \*

Изтироблар қийнар куйган юрагимни,  
Дунё, сенинг тарозингни қийшик қўрдим.  
Билмай қолдим қайси йўлдан юрмагимни,  
Ўнгда риё, чапда ёлғон-яшиқ қўрдим.

Дасти узун, макри минг туски, айёрлар,  
Содда дилни масхаралар этиб яшар.  
Муҳаббати арzon гаров ёлғон ёрлар,  
Тунларини хиёнатга бериб яшар.

Ишқ деганлар наҳот фақат дардга эга,  
Кесақдиллар хиринглашиб ичарлар май.  
Нафиса дил тошбағирни севди... нега?  
Сўраб, эзгин оҳангларда йиглади най.

Донишфикр хокисорга пойгак тегиб,  
Уй тўрида ўтиради маддоҳлар хуш.  
Кирпанжада ҳақиқатнинг бошин эгиб,  
Кимдир “осмон қўлимда” деб қўради туш.

Дунё бир кам деб айтдилар. Ростмиди ё,  
Борми сенинг бу камлиқдан эзилганинг.  
Берармисан саволимга жавоб, дунё,  
Билармисан тарозингнинг бузилганин.

\* \* \*

Эрк келганда эрксиз кунларнинг  
Сарҳисоби ойдинлашар жим.  
Битта қўрқув минг хатога teng,  
Ўқсиб йиғлаб юборар қўнглим.

Ёнган сари фикр чироғи,  
Ўйловларим тошдийда жаллод.

Куя бошлар кўзим қароғи,  
Мен алдовда улғайган авлод.

Шу қадар кўп йўқотишларим,  
Гуноҳлардан қўш елкам ягир.  
Умр йўлим бўлганин ярим  
Эсламоқлик ундан-да оғир.

Ҳар йўқотиш вазни армоннинг,  
Ҳар топмишдан гуллайди орзу.  
Осон бериб бўлмайди жонни,  
То узилмай қўш елкам қарзи.

Алданган кун, синган фаслнинг  
Рухни ғариб этган оғриғи.  
Тўтиқушга ўхшаш наслнинг  
Тарихига битилган йифи.

Ҳақки, мемас армон ўлади,  
Үйғонган қалб ўзин чоғласа.  
Йўқотишсиз авлод бўлади  
Фарзандларим, худо хоҳласа.

2000

\* \* \*

Бинафшажон, сен кўкламнинг сулув қизи,  
Софинганман, соғиндингми мени ўзи.

Бу соғинчни изҳор этсин энг хуш атири,  
Дилга оқсин унутилган шеърий сатр.

Сирлашайлик сенга шунча айтарим кўп,  
Кўзга сурай, сен ҳам секин қўлимни ўп.

Ҳайрон бўлма кипригимнинг намлигига,  
Йўйгин буни дунёнинг бир камлигига.

Бу дунёдан дўст сўрандим ағёр чиқди,  
Фурсат пойлабоёғимдан чалиб йиқди.

Ишқ сўрандим туйғулардан тўлиқдим мен,  
Не тонг, тошдил чарс феълларга йўлиқдим мен.

Кўп қийнади ишқнинг ўнқир-чўнқир йўли,  
Тошлар отди маломатнинг узун қўли.

Кўнгли эмас, иродаси тош бўлдим мен,  
Ёмонларга эгилмаган бош бўлдим мен.

Англадим ҳам алдоқ эмас дунё бари,  
Сен келдинг-ку етказай деб кўклам сари.

Бинафшажон, кел сирлаши-иб ўтирамиз,  
Икковлашиб кўнглимизни кўтарамиз.

Суҳбатимиз тушунса ким яхши бўлар,  
Ошиқ бўлар, шоир бўлар, баҳши бўлар.

2001

\* \* \*

“Яхши ўғил қанақа бўлади?”  
Ўғлимининг сўровидан.

Жонимни садоға олсин сўроринг,  
Зориққанга ялпиз тутсин баҳоринг.  
Шу тупроқ латига эм бўлсин боринг,  
Олай шукроналик тахтини, болам.

Кўнглинг кўйи билан дала-даштни кез,  
Минг йиллар наридан келган тафтни сез.  
Инграган чорловга етиб боргин тез,  
Офтобга тут гуллар аҳдини, болам.

Англагил қат-қатин очиб мозийнинг,  
Сенга хешлиги йўқ дилсиз осийнинг.

Соҳибқирон сенинг, Бобуршоҳ сенинг,  
Янгила қудратлар вақтини, болам.

Бу юрт кечмишида қарам кунлар бор,  
Бўғизларда қотган исён унлар бор.  
Тиз чўкмай тўланган қанча хунлар бор,  
Қонингдан топ улар шахтини, болам.

Эркингни асрагин ҳар он, сония,  
Жонинга бойлансан туғро, мадхия.  
Ватан, суяновер ўғлимга дея,  
Кўрай оналиknинг баҳтини, болам.

2002

### *Сароймулқхонилига*

Бибим, Бибихоним, Сароймулхоним,  
Исмингизни айтсам йўқлаб келади  
Номдор минорларнинг мағрурлик ҳисси,  
Юрак-юрагимни чўғлаб келади  
Самарқанддай азим шаҳарнинг ўзи.

Бибим, исмингизни айтсам гар, Бибим,  
Бир санам келади қирқ ўрим сочли,  
Ою қуёш билан хусн талашган.  
Юрса изларидан гул қалдиғочли  
Кўклам ғазал айтиб эргашган.

Кўкламга урилиб англай бошлайман,  
Мұхаббат сехридан Соҳибқирон лол,  
Ўзи сезмай қолар эгилганини.  
Тан олар қиличлар, қалқонлар алҳол  
Оқил гўзаликдан енгилганини.

Бибим, исмингизни айтсам гар, Бибим,  
Ненидир шивирлар қулоқларимга  
Эзгулик онаси, поклик онаси.

Хаёлимни боғлар чироқларига  
Улутбекнинг шаффоф расадхонаси.

Бибим, исмингизни айтсам гар, Бибим,  
Ҳиндистон тарафдан хўрсиниқ келар,  
Армон гултикандир, соғинч гултикан.  
Гултикан юракни аямай тилар,  
Ватандан буюк дард йўқ экан.

Бибим, исмингизни айтсам гар Бибим,  
Томир-томиримда жаранглар овоз,  
Дилимга тўлгани шу лаҳза аҳддур.  
Онаман, Темурий авлодларга хос  
Ўглонлар тарбия килишим шартдур.

Бибим, Бибихоним, Сароймулкхоним...

2002

\* \* \*

Бибим десам кўздан тўлин бир ой ўтди,  
Кавсар суви янглиғ тиниқ чирой ўтди.  
Синоати, файзи улуғ сарой ўтди,  
Тиллақошлар қучоқлаган ҳумой ўтди.  
Тиллақошга хос манглайи ҳилол бўлай,  
Бегойим дeng, бибим, сиздек аёл бўлай.

Сўз айтасиз, чигал арқон ечим топар,  
Ҳайрон нурлар тонгин, юлдуз кечин топар,  
Жангда ҳорган Соҳибқирон кучин топар,  
Ҳақ йўлинда сўзин топар, бурчин топар,  
Мен-да бир мард манглайига камол бўлай,  
Бегойим дeng, бибим, сиздек аёл бўлай.

Бир чеҳраки тўкилгани бўйи гулоб,  
Шарққа молик, Туркка молик ою офтоб,

Улугбекка фалак сирин очган китоб,  
Кўрагоний жадвалларин этар тавоб,  
Гулоб бўйи масти айлаган шамол бўлай,  
Бегойим денг, бибим, сиздек аёл бўлай.

Дунё билар Турку Турон аталган юрт,  
Ки аёли оқил, уйи барака, қут.  
Соҳибларин кўкрагида эркакча ўт,  
Улғайтирган қизлари гул, ўғли бургут.  
Валфажрли субҳда ёруғ хаёл бўлай,  
Туркайим денг, бибим, сиздек аёл бўлай.

Қўлланг, Бибим, файзингизни олсин юзим,  
Шажаранинг хос йўлида қолсин изим.  
Ўзлигини англаб ўссин ўғлим, қизим,  
Кўнгилга гул, мева тутсин кўклам, кузим,  
Сизнинг каби кечмиш умри зилол бўлай  
Туркайим денг, бибим, сиздек аёл бўлай.

2002

\* \* \*

Не сиру синоат бул,  
Тавозеда турди гул,  
Сув бўлди эриб қўнгил,  
Алла айтдим боламга.

Чархи кажрафтор ёдим,  
Хотиралар бир одим,  
Бувимдан қолган қадим  
Алла айтдим боламга.

Хуш бўлди бор нохушлар,  
Оҳанг тиланди қушлар,  
Синди таънали тошлар,  
Алла айтдим боламга.

Очилди дил дафтарим,  
Алқади пайғамбарим,  
Тириклик ўпди барим,  
Алла айтдим боламга.

Күт кирди буғдойимга,  
Иzzат ёғди жойимга,  
Жаннат келди пойимга,  
Алла айтдим боламга.

2002

\* \* \*

Сен аршдаги фариштага, хурларга хеш,  
Соддачирой, аммо сехри зўрларга хеш,  
Атрофингда бир айланган шамол дарвеш,  
Сочлари қирқ ўрим қизойим.

Атиргуллар кўкламгамас, сенга хумор,  
Рашки баланд седоналар бўлган тумор,  
Хуркаклик ҳам ярашган қиз қайларда бор,  
Сочлари қирқ ўрим қизойим.

Ўсмали қош қўриқлаган кўзларинг чўғ,  
Бир нигоҳинг минг оромни қулатган ўқ,  
Сен тикилган кўзгуларнинг армони йўқ,  
Сочлари қирқ ўрим қизойим.

Чеҳранг ўти ёндиради, ҳуркак қушим,  
Изҳорга сўз тополмасам, мени тушун,  
Вале тунлар ажралолмас сендан тушим,  
Сочлари қирқ ўрим қизойим.

Тонг бағрида учган оппоқ қаптармисан,  
Мен ҳақимда бир яхши сўз айтармисан,  
Отанг маним совчиларим қайтармасин,  
Сочлари қирқ ўрим қизойим.

2003

## *Шавқат Раҳмон хотирасига*

Изтироб оҳ туғар. Оҳ кўкка ўрлар,  
Ҳавони ғижимлар қуюқлашган дард.  
Жунжикар ишқ айтиб кўнгил берганга  
Мардлик қилолмаган дунёйи номард.

Босиб келаверар кўкимтири булут,  
Сунбуладан юзин яширап қуёш.  
Осмон кўздир.  
Кўриб bemavrid тобут  
Йиглар, йиглайверар гуллагунча тош.

1997

\* \* \*

Хотирага сиғинмоқдан тўлмас кўнглим,  
Оёгимга тошлар ботар, унмас йўлим,  
Айрилиқнинг ёқасида қолди қўлим,  
Ёнаётган гулхан эмас, жоним менинг.  
Ўтмаётган сизсиз куним, оним менинг.

Хат ёзаман, кабутарлар олиб учмас,  
Магрурликнинг тахтига кўз солиб, учмас,  
Қиёматми, минг дардга бир нолиб, учмас,  
Омонмисиз мендан хатлар кутмаганим,  
Хаёл отлиғ кошонамдан кетмаганим.

Кўз корамни ватан қилди мунглар ахир,  
Изим топмай қувонч сафир, ишонч сафир,  
Хиёнатни сиғдирмагай илло бағир,  
Сизнинг бағир шунча ювош, шунча кенгми,  
Ишқнинг қадри, айтинг, хору хасга тенгми?

Қаранг, йиглар гўё сарик кузда гуноҳ.  
Кўнгил мулкин кўрдим деган кўзда гуноҳ,

Асли сизни шунча суйган ўзда гуноҳ.  
Гуноҳйини маҳкам қучиб, ёниб тани,  
Кетаётган мен ўзимман, дўзах қани?

Кўрдим ишқнинг йўли кимга кенг, кимга тор.  
Ўртансам-да кипригим нам кўрмас зинҳор,  
Кўз ёш тўксам... (аччиқ ёшнинг уволи бор),  
Сизни тутса... Бу ҳам менга адогсиз дард.  
Суйганига озор тутган ахир номард.

2001

\* \* \*

*Падари бузрукворим Мадаминҳожи  
Рўзи бобо ўғли хотирасига*

I

Дада, ёмғир эзгин ёғди, осмон йиглар,  
Сиз эккан гул, Сиз қурган уй, айвон йиглар,  
Сўритокка сиғмай узум ёмон йиглар,  
Кетдингиз-а, кетмас бўлиб йифи қолди.

Бўғзимда тош, кўзларимда ўт ёш, дада,  
Топарманми, бу аламга бардош, дада,  
Дардим тўксам дарё бўлгай сирдош, дада,  
Кетдингиз-а, дилда армон тифи қолди.

Мадаминжон каби камтар, хокисорлар  
Минг йилда бир келар деди дўсту ёрлар,  
“Сиздек яшаш насиб этсин” учди зорлар,  
Кетдингиз-а, меҳрингизнинг чўғи қолди.

Сизни суйган жон кўп экан, бари ёдлар,  
Армон тўла шеър бўлади менда додлар,  
Рухингизни излаб учар тиловатлар,  
Кетдингиз-а, дунёнинг бор-йўғи қолди.

Дада, ёмғир эзгин ёғар, осмон йиғлар,  
Чоғроқ гулзор, чокқина уй, айвон йиғлар,  
Қадоқли кафт излаб узум ёмон йиғлар,  
Кетдингиз-а, кетмас бўлиб йиғи қолди.

2000

## II

Йўклаб тушимга кўп кирасиз, дада,  
Истайман тушларим келса эди ўнг.  
Дунёда яхшилар сероб бўлса-да,  
Сиздек бўлолмади ҳеч ким сиздан сўнг.  
Фийбатлар кўнглимни айлади зада,  
Кимдир чоҳлар қазиб, ботади терга,  
Шунда сизни баттар соғиниб, дада,  
Йиғлаб тўкиламан оловдай шеърга.  
Сиздан сўраганим каби бир пайтлар,  
Ўғлим, қизим сўрар дунё феълини.  
Сиздек Навоидан ўқисам байтлар,  
Қарогим ёғдира бошлар селини.  
Сиз англатган дунё оқ эди, оппоқ,  
Ҳаммани teng сизлаб севиш шарт эди.  
Сиз англатган дунё эмасди кўрқоқ,  
Кунлар ботир эди, кунлар мард эди.  
Иғво не, чоҳ нима – баридан ғолиб,  
Шеърларни кучоқлаб ичарман қасам.  
Дунёнинг чиройи кетмас йўқолиб,  
Мен билан юради Сиздек яшасам.  
Дада, дадагинам...

2001

## III

Дадалар баланд тоғ бўлар экан-да,  
Кўксин ҳар балога қалқон этган жим.  
Бошимга дайдиган тошлар текканда,  
Кўксимни довуллар ўйганда билдим.

Дадалар зүр дарё бүлар экан-да,  
Тұксам, дардларимни ютиб оққан жим.  
Бугун турфа кайғу, ғамлардан зада  
Түкилолмай жоним қийналиб, билдим.

Дадалар далахт ҳам бүларкан сершох  
Күйдиргич үт, селдан паноҳ этган жим.  
Бугун жалаларда қолиб баногох,  
Офтоблар күйдириб үтганда билдим.

Зарурда тоғ булиш, зарурда дарё,  
Далахт бұла билиш зарур пайтида  
Менинг ҳам күлимдан келарми илло  
Улкан юмуш ташлаб кетибсиз, дада.

2001

### *Оналия*

Китоб варактайды саксонингиз ҳам,  
Сасингиз сөхрини суюб келар Ҳақ.  
Авалиё дегани Сиздурсиз, онам,  
Сиздайлар жамланса яралади халқ.

Чехрангиз не сабаб бунча хокисор,  
Токчада чархингиз беради айтиб.  
Тил топса бир дунё ҳикояси бор,  
Айтар ангишвона, айтар игна, ип.

Ҳасрати етимлик күтарған талх жом  
Лабингиз күйдириб, жонингиз ёққан.  
Құвғинда соғинчга жон берган бобом,  
Тақдир күксингизга оғриқлар таққан.

Оч дунёни сабр билан түқлаш не,  
Исмингизга бойлаб синчли уй айтар.  
Карбало даштидан дарвеш йүқлаш не,  
Чүли Ироқ ичра бўзлайди байтлар.

Бир эдим еттига қўпайдим, шукур,  
Суясиз исмимиз чалкаш айтиб гоҳ.  
Хокисор бу юзга тутиб тоза нур,  
Ҳар бир лаҳзангизни безайди Оллоҳ.

Авлиё дегани Сиздурсиз, онам,  
Пастак уйингизни йўқотмади Ҳақ.  
Китоб варактайди саксонинг ҳам,  
Сиздайлар жамланса яралади халқ.

2005

\* \* \*

Онажоним энди йўклар, йиғи бор,  
Йиғлама деб алдаб кетди, қайтмади.  
Юрагимга тўлган дарднинг тифи бор,  
Минг заҳматдан бирон ҳасрат айтмади.  
Шамолда дув тўкилган оқ тутдайман,  
Дили чок-чок сўкилган ношуддайман.

Софияпман қўлларининг меҳрини,  
Кийнар мени ечими йўқ тугунлар.  
Қайдан топай болам деган меҳрини,  
Мени эрта улгайтирди бу кунлар.  
Шамолда дув тўкилган оқ тутдайман,  
Дили чок-чок сўкилган ношуддайман.

Қаҳратоннинг дўлу қори бунча кўп,  
Бош кўзимдан ёғаверди, совқотдим.  
Аёзларда йиғлајапман дил куйиб,  
Она деган оромимни йўқотдим.  
Шамолда дув тўкилган оқ тутдайман,  
Дили чок-чок сўкилган ношуддайман.

2008

\* \* \*

Жон нисор айлаб умр этган тақдим, онажон,  
Борлигингиз бор мулким, ганжу нақдим, онажон.

Меҳрингизга не қиёс, тўлқинли денгизми хос,  
Мискингина чехрангиз улуг бахтим, онажон.

Сиз каби мунаvvар феъл аёлга бой бўлса эл,  
Оlam гўзал – бу ҳикмат мағзин чақдим, онажон.

Севги келди серсафо, кўнглим олди бир зебо,  
Гурлаган гулхан бўлиб анга боқдим, онажон.

Ўту оташман ўзим, ҳайрат ичрадир кўзим,  
Кўнғироқдай зулфига мен гул тақдим, онажон.

Ҳуснида кўрдим ибо, сизга ўхшамиш илло,  
Сездим иқбол кўшкида шудир таҳтим, онажон.

Шоирлар сўз саралар, созимдан куй таралар,  
Замирадай таъзимда куйлаш аҳдим, онажон.

\* \* \*

Кўнглингизда кўпdir ҳиммат, онажон,  
Тилингизда йўқdir миннат, онажон.  
Оlam хуснин файзингизда кўрдим мен,  
Пойингизда экан жаннат, онажон.  
Менинг меҳри беминнатим, онажон,  
Кичик кўнгил, серҳимматим, онажон.

Ўтаверар айланиб ою йил ҳам,  
Тенг чеккансиз чекканимда дарду ғам.  
Тунларингиз бедорликка бахшида,  
Кунингизда ғурбат кўпу ором кам.  
Менинг меҳри беминнатим, онажон,  
Кичик кўнгил, серҳимматим, онажон.

Юзингизда ажин ортса – сабабман,  
Билсам сизни на аяб, на асрабман,  
Орзу дея юксакларга күз тикиб,  
Баландладим дея асли пастлабман.  
Менинг меҳри беминнатим, онажон,  
Кичик күнгил, серхимматим, онажон.

Сизнинг панду ўгит билан омонман,  
Баъзан меъёр адаштирган ёмонман.  
Иғволардан ўқсиб келган кезимда,  
Кўксингизга бош қўйиб мисли хонман.  
Менинг меҳри беминнатим, онажон,  
Кичик күнгил, серхимматим, онажон.

Шукур қилиб ўргангансиз борига,  
Зам-зам сувдек оқиб дил ғуборига.  
Ишларимда ютуқ топсам шодонсиз,  
Ярагин деб, болам, элнинг корига.  
Менинг меҳри беминнатим, онажон,  
Кичик күнгил, серхимматим, онажон.

\* \* \*

Кўзингдаги ёлқин ишқми, сингилжон,  
Қирқ кокилинг қирқ қўшиқми, сингилжон.  
Танирмисан чин ошиқни, сингилжон,  
Мен сени очофат кўздан қизғондим.

Чехрангга сингиган андиша, одоб –  
Сароймулхонимдан тараплан офтоб.  
Овозинг Қодирий қолдирган китоб,  
Сенинг пешонангни туздан қизғондим.

Биламан орзунгда Алпомиш яшар,  
Ойбарчин ҳислари кўнглингда тошар.  
Хушёр юр, тегмасин дайдиган тошлар,  
Маконингни нопок издан қизғондим.

Бу юртнинг ўзлиги, урфи сендиран,  
Адашма, адашган кўзни тиндир сен.  
Аъмоллар қамалган тошни синтир сен,  
Гулзорларни “тўза-тўз”дан қизғондим.

Ошиқлик Ватанни яшартган ҳавас,  
Содиклик ўзликка ўлчов бу нафас.  
Асотирлар фақат эртакда эмас,  
Мен сени ёлғончи сўздан қизғондим.

2002

\* \* \*

Баҳорларни бошлаб келган бойчечагим,  
Чеҳраларга чирой берган ой чечагим,  
Сенинг каби йўқлаб келди кўнглимни ишқ,  
Саболарга суюнчила, ёй, чечагим.

Нигоҳ осдим турналарнинг арқонига,  
Нима дейсан дилимнинг ўт-вулқонига,  
Ажаб, ул ёр сену мени сезмай ўтар,  
Оловингдан бермадингми қон-қонига.

Бойчечагим, гулбаргингда шабнам кўрдим,  
Шабнам ичра қуёш кўрдим, бекам кўрдим,  
Қуёшли ишқ кимга насиб, ким бенасиб,  
Воҳким, бизнинг ёрни ишқсиз, бегам кўрдим.

Дардкашимсан сени ёниб кафтга олай,  
Муз нигоҳлар қақшатмасин, тафтга олай,  
Дунё хусни асли куйган ошиқларда,  
Сени ёниб турган муҳаббатга олай.

Ишқсизлардан ўксинма, сен ифор тарат  
Софинч тарат, кулиб турган баҳор тарат,  
Дарди йўқлар, ишқи йўқлар пинҳон қолсин,  
Бойчечагим, сен кўнглингни ошкор тарат.

Бу дунёга ишқ деб келдик, фарзимиз шул,  
Худо ишқдан айирмасин, арзимиз шул,  
Севган күнгил бедард эмас, бегард бўлар,  
Дардманд дилмиз, бизнинг яшаш тарзимиз шул.

Бойчечагим, сени муҳаббатга олай.

2002

## *Навоий дарсҳонасида*

1.

Ҳазрат Навоийни англаган күнгил,  
Ўзига ишқ йўлини танлаган күнгил.  
Баланд байтлар ичра куйдинг, чўғландинг,  
Сенга ҳавас қилисин занглаган күнгил.

2.

Сизни ўқиб ўзда мўъжиза туйдим,  
Дилим зангларига гул сувин куйдим,  
Ажаб гулхан ичра ҳузурбахш куйдим,  
Бир сирни англатди беш юз йиллик хат,  
Дилингиз Каъбадан келмишdir ҳазрат.

Мехрига меҳрибон топмаган ошиқ,  
Манглайига висол ёпмаган ошиқ,  
Чимилдиқда гул юз ўпмаган ошиқ,  
Ки сизга ошиқdir дунёи хилқат  
Бири ўзим бўлдим Навоий ҳазрат.

Аямайин ишқقا жон нисор этдим,  
Мушкми бу, ўтми бу, хушимдан кетдим,  
Кўнгил отли ноёб жаннатга етдим,  
Мен аршга баландлаб пойингиз топдим,  
Ҳазрат, ичдим чоғи Кавсари обдин.

Байтларнинг синоат, сехридурсиз сиз,  
Ёниб тафт улашган баҳрадурсиз сиз,  
Худойимга ёқкан чехрадурсиз сиз,  
Ҳар кўнгил ҳар кун бир покланмоғи шарт,  
Навоий менинг деб айтиш-чун, ҳазрат.

3.

Танигани bemisл бир муҳаббатни,  
Беш юз йилни кўтаролган баланд қадни.  
Ўпмоқ учун ўзбекона хуш дастхатни,  
Навоийни ўқийлик биз, Навоийни.

Дунёмизга ёғиб тургай тоза нурлар,  
Ёғиб тургай олий мақом тафаккурлар,  
Улуғликка этиб таъзим, ташаккурлар,  
Навоийни ўқийлик биз, Навоийни.

Кўнглимизга кавсар тутиб бир хур келар,  
Илоҳий бир оҳанг келар, сеҳр келар,  
Ўзни англаб ўзбекликка фахр келар,  
Навоийни ўқийлик биз, Навоийни.

4.

Муҳаббатдан ёнурмиз биз  
Навоийни ўқий билсак.  
Faflatдан уйғонурмиз биз  
Навоийни ўқий билсак.

Ёрни шоҳ, шаҳзода дермиз,  
Васли ёрни бода дермиз.  
Бу кайфдин кўнгли нурмиз биз,  
Навоийни ўқий билсак.

Илкимиз лиқ яхшилиқдир,  
Куну тун teng нақшлиқдир.

Савоб ҳисдин қонурмиз биз,  
Навоийни ўқий билсак.

Саркаш хаёл юриб боғда,  
Ташна баргни кўрган чоғда.  
Шабнам янглиғ инурмиз биз,  
Навоийни ўқий билсак.

Шифо сўзмиз аҳли мунгга,  
Фидо измиз росту чинга.  
Кибр, кекдан тонурмиз биз,  
Навоийни ўқий билсак.

Ололмас ҳеч лайн дилни,  
Янгратурмиз она тилни.  
На тўзиб, на синурмиз биз,  
Навоийни ўқий билсак.

Қирқ ёурмиз гаҳи қилни,  
Фарқлагаймиз алаф, гулни.  
Адолатни танурмиз биз,  
Навоийни ўқий билсак.

## 5.

Бу дунёда меҳр айланиб юрар,  
Бу дунёнинг синчи, ғишти муҳаббат.  
Томирларда қонмас, ҳайрат югурад,  
Дунё Навоийни атайди Ҳазрат.

Узун киприкларда қалқиб турган юк,  
Сен ўтсан, оловсан тафтинг синоат.  
Муҳаббат дегани шу қадар буюк,  
Шу қадар буюkdir дард билан ҳазрат.

Мансабни сикимлаб чўнг панжасида  
Виждондан бенасиб ғўдайган бағир.

Мен сенга тараҳхум деразасидан  
Қарайман – дард, шеърни билмайсан ахир.

Бойишнинг минг битта хилидан воқиф,  
Манглайи тер кўрмай яшаётган жон.  
Шеърнинг чўғи билан кўксингни ёкиб,  
Бир бор йиғламаган бу умринг ёлғон.

Хиёнат йўлида тентираган кўз,  
Сенинг нигоҳларинг бетуғён, бечўғ.  
Илтимос, севгидан очакўрма сўз,  
Қаллобларга унинг алоқаси йўқ.

Ошиқлари билан сирли бу дунё.  
Ошиқлари билан қудратли бу Ер.  
Оқиб келаверар кунларга зиё,  
Оқиб келаверар юракларга шеър.

Ошиқ дўст, хақиқат, севгидан йироқ  
Кечган умрлардан сўйламайлик, кел.  
Ҳазрат Навоийдан ўқиймиз бу чоқ.  
Юрак-юрагимиз бўлганича сел.

Ҳазрат Навоийдан ўқиймиз...

## 6.

*Қаро кўзим, кел эй мардумлиғ...*  
**Навоий**

Рўпарамга қўйиб кўйди ким  
Кизил гулга айланган ўтни.  
Қаро кўзим, бағрингга олгин  
Сел-сел бўлиб оққан вужудни.

Бу дунёning исми илтижо,  
Бу дунёning исми севгидир.  
“Қаро кўзим” бўлайин фидо,  
Жоним асир, забоним асир.

Хижрон бу гул умримга ўқдир,  
Шафкат қилгин кел-эй тирагим.  
Бу дам жисмим, вужудим йўқдир,  
Рўпарангда титрар юрагим.  
Қаро кўзим, бағрингга олгин...

1990–2010

7.

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулруй келмади...*

**Навоий**

Азиз қадамларни соғиниб, қўмсаб,  
Ёлгизоёқ bog йўллари хўрсинади.  
Қайсар соғинч кани юпанчга кўнса,  
Умидлар сочилиб синади.

Саҳрого айланар яшил боғ бағри  
Ва чўқар гуссали ҳажр сасига.  
Қайгу эса ёяр қора рўмолин  
Паришон кўзларнинг рўпарасига.

1980

\* \* \*

Саратон зар тожини кийди.  
Ёвқур боқар қуёшнинг кўзи.  
Шамолларнинг кўйлаги куйди,  
Далаларда кўринмас изи.

Дараҳт ости, сувларнинг бўйи  
Роҳатланган жонларга маскан.  
Қадам боссанг оловнинг бўйи  
Урилади сира тинмасдан.

Далалар жим. Fўзалар беҳол.  
Гўё огир тебранмоқлик ҳам.

Чит кўйлаклар елпигани – бол,  
Манглайлардан томган тер – малҳам.

Чопик эса тинмайди бир дам,  
Ўйламай кун узунлигини.  
Ҳамма сезар саратонлардан  
Ўт меҳрлар устунлигини.

2002

### *Зайнаб нидоси*

Бир тун охим чақин этди,  
Бир тонг ёлғонни чин этди,  
Мени Сизга яқин этди  
Бегим, Бегим.

Қароғимга бир қаранг, нам,  
Бу дунёнинг бирими кам,  
Ҳаққим борми Сизни десам,  
Бегим, Бегим?

Ёлғиз тунлар бардош талаб,  
Куйдим ўзим ўтлар қалаб,  
Айтдим сиздек “ёр битта”лаб  
Бегим, Бегим.

Жонга кўп золим турди ишқ,  
Дийдамни тош қотирди ишқ,  
Гуноҳларга ботирди ишқ,  
Бегим, Бегим.

Эшийтмайсиз, дунё шовқин,  
Йиглар Қодирийдек оқин,  
Шўр манглайман, лаънат тақинг,  
Бегим, Бегим.

Кимлар қилган хато бўлдим,  
Фам юртидан садо бўлдим.  
Сизни суйдим... адо бўлдим,  
Бегим, Бегим.

### *Яссавий дарсҳонасида*

Дилим, садоға бўл Ҳақ ҳатлариға,  
Бошлар ул улуғлик хилқатлариға.

Субҳи чоғ насими беҳиштдан элчи,  
Сингсин ул шуурнинг қат-қатлариға.

Гул янглиғ суюмли, нур янглиғ тоза  
Рух кирар эзгулик хизматлариға.

Бир сўз де  
Битилсин деганинг ул сўз  
Англанган ўзликнинг сарҳадлариға.

Муборак калиманг ўтлар қўядур  
Кўру кар дунёнинг ғафлатлариға.

Аршнинг йўлларида йўлчи ҳушёр дил  
Ки йўлиққай Хизр ҳимматлариға.

Ич чашми зиёдин, Набиуллоҳким  
Мерос килган ани умматлариға.

Саҳардин мурувват, сендин иштиёқ,  
Суянгин Яссавий ҳикматлариға.

Дилим, садоға бўл Ҳақ ҳатлариға.  
Бошлар ул улуғлик хилқатлариға.

2002

## *Ҳайратнинің сұвраты*

*Ўзбекистон ҳалқ артисти Малоҳат Исҳоқованинг  
етмииш ииллик таваллуд кунида*

Бир сир бор, бир сеҳр бор, тошлар гулга айланар,  
Алвон гулхан бағрида дардлар қулга айланар,  
Айрилиқдан гунг бўлган тил булбулга айланар,  
Гўзаллик дунёсидан оқкуш олиб келар хат,  
Ўқий олса агар дил, бу хат нафиса санъат.

Ойдай тўлган малакни боғламиш бу нафислик,  
Кўнглида гул ундириши тоза, муаттар ислик,  
Эътиқодин шарҳлаган ишоралар минг туслик,  
Машаққатта юкинган сабрдир, тоқатдир ул,  
Манглайдан улуглик ўпган Малоҳатдир ул.

Муножот ғамгин-ғамгин пардаларда сўзлайди,  
Хиёнатлар ўлдирган мардларидан сўзлайди,  
Навоийдек Ҳазратнинг дардларидан сўзлайди,  
Нигоҳлар ёниб борар саҳна чўғми, маликам,  
Ҳар бир хиром битта ох, битта ўқми, маликам?!

Ўқ бўлса кўксим тутай, хиромингиз ўлдирсин,  
Тановор ичра берган саломингиз ўлдирсин,  
Саҳнадур Каъбам деган қаломингиз ўлдирсин,  
Осонми етмишгача сўнмай ҳайрат, хаваси,  
Чарх урмок Андижоннинг бўлиб Мукаррамаси.

Қирқ кокилли қирқта қиз ёниб-ёниб келадур,  
Юрагида санъатга ишқ уйғониб келадур,  
Болам деган УСТОЗ – СИЗ, дил қувониб келадур,  
Бу қизларга термулиб ўй сурар Андижоним,  
Зора чикса деб яна битта Малоҳатхоним.

Ана саҳна, ана чўғ, ана гулдурос олқиши,  
Ҳали юз қиз ўрганар қандоқ бўлар дил ёқиши,

Узун йиллар бошингиз узра учгай хумо қуш,  
Кузга навбат йўқ ҳали, баҳорингиз чиққан йўқ,  
Малоҳат хиром билан тақрорингиз чиққан йўқ.

Бу лаҳзалар ноёбдир, юрак, кўзга айлангин,  
Шарҳолмай қалам титрар, ҳайрат, сўзга айлангин,  
Гўзаллик қўшиқ бўлса, дил ҳофизга айлангин,  
Бош эттил, муҳаббатга таъзимдир, тоатдир ул,  
Манглайидан улуғлиқ ўпган Малоҳатдир ул.

1995

## *Ҳашида*

*(Шоира Турсуной Содиковага)*

Тошдан тошга урилиб оққан тиник сувлардан,  
Ўн тўрт ёшли кўнгилга бўйлаган туйғулардан,  
Зулумотни синдирган музaffer ёғдулардан,  
Сўз тиландим, Юракни улғайтгим келди, опа,  
Улғайтолсам, Сиз ҳақда сўз айтгим келди, опа.

Ярим тун. Шамол эсар, жонларга ором тилаб,  
Ой нур тўкар дарчадан “ухла, гулим, гулим”лаб,  
Ором билмас жон эса юрагини тилимлаб  
Шеър битар “Анжон деган садо”ларга маст бўлиб,  
Атиргулдан сулувроқ, хушбўйроқ нафас бўлиб.

Бедор кўз қархисига Бобур Мирзо келадур,  
Нодира бунда ёниб-ёниб сұхбат қурадур.  
Қоғозга “Бўлакланмай улгуржа” дард тўладур,  
Томоқларга тиқилган тошлар сўзлайди энди,  
Қароқларни куйдирган ёшлар сўзлайди энди.

Бир жонни минг бўлакка бўлолмаган шоирмас,  
Эл учун минг тўкилиб тўлолмаган шоирмас,  
Бир кам дунё сирларин билолмаган шоирмас,  
Ўйласам, жонингизнинг бутун куни йўқ, опа,  
Эл деган кўксингизга ботган нечта ўқ, опа?!

Не сирдур, сўзласангиз тошлар ҳам эриб кетмиш,  
Сармаст қўнгил бир яйраб қизгалдок териб кетмиш,  
Момоълар алқаб суйиб оқ рўмол бериб кетмиш,  
Мехрингизга жон тутгай қўшиқقا орзумандлар,  
Қиз бокқан Андижоннинг бўйи яна баландлар.

Бу муборак тупроққа муборак Мехр тутиб,  
Кузу аёзига ҳам кўкламий сеҳр тутиб,  
Дардни англаганларга дардли дилдан шеър тутиб,  
Кўнгилларнинг қўкида ой янглиф тўлгим келар,  
Пок ҳавас бу, опажон, Турсуной бўлгим келар.

2004

\* \* \*

Бағрим пора-порадур адашган бир сўздан-ей,  
Толдим олов тиланиб юрагимга муздан-ей.

Девонавор қўнгилнинг ифор-ифор ҳислари  
Тошдеворга урилиб айро тушди ўздан-ей.

Ой дедим, ойлар дедим, соғинганим тола нур,  
Ажабким бир жавоб бор на баҳор, на куздан-ей.

Гулсифат истакларнинг кўкси ўқдан қонталаш,  
Рух қочолмай қийналар бу дам ишқсиз кўздан-ей.

Асли, Худо шу тахлит яратганми, билмадим,  
Суйганинг жонин сабр, манглайини туздан-ей.

\* \* \*

Кўз адашди, сўз адашди, адашди ул он, бегим,  
Бир сўкир севги буни этди кўп осон, бегим.

Нур тиланган майсадек неча туйғу, неча ҳис  
Бир хато шамширига бўлди воҳ қурбон, бегим.

Бераҳмлиқда сизу сабру қаноатда ўзим  
Пөдшоҳ бўлдик, муҳаббат ёзди минг фармон, бегим.

Дилга озор ёмғири ёғди на куз, на ёз демай,  
Ориятга бош эгиб бу жон балогардон, бегим.

Ишкнинг минг жабрини бир айтмадимким, йилларим  
Тўрт атиргулга эгалик айлади эҳсон, бегим.

Кулмасун эл беғуур ишқли дил сайлаб мени,  
Ўртада тўрт гул яшарким тўрт чайир арқон, бегим.

2004

\* \* \*

Қуш каби учганда тулпор сиз билан, ёвқур йигит,  
Исмингизни зикр этиб бунда бир қиз ҳур, йигит.

Дардларин шарҳлаб анинг сочилар ой нурлари,  
Бўлса минг битта ҳаким сизсиз даво йўқтур, йигит.

Уфққа лаб босган дала қизни қучгай тонг билан,  
Англагач ишқли юракнинг ҳар изи дур, дур йигит.

Офтобдин қизғонар қирқ ўрим сочин рўмол,  
Оғганин сезмас қуёш ўпсам дея бир қур, йигит.

Сердарахт йўл шодланар райҳон ила қайтар санам,  
Телвагай ўйнар шамол мушкидан масрур, йигит.

Кўнглида ғужғон хаёл чўғлари тунни қучар,  
Баслашиб ёнса магар юлдуз хира, бенур, йигит.

Ишқидан сўз очмангиз сўзларин ютгай ҳаё,  
Розини нозик қадалган дастрўмол айтур, йигит.

\* \* \*

*Кора сочим ўсив қошимга тушди.  
Кўшиқдан.*

Кора сочим ўсив қошга тушибди,  
Далли кўнглим бағритошга тушибди.

Бағритошнинг излари қай кўчада,  
Мажнунтоллар йўл қарошга тушибди.

Шамол эмас, оҳим тегди булатга,  
Ёмғир мендан ҳол сўрошга тушибди.

Ховучимга шабнам тўқди гулбарглар,  
Ҳайронлиги титрак ёшга тушибди.

Кўнгил бермоқ гуноҳмиди, водариғ,  
Дарду алам жон талошга тушибди.

Битиктошлар айтди кўхна савдодан,  
Нетонг, бугун бизнинг бошга тушибди.

Дардларимга айландилар оҳанглар,  
Эй Замира, сирим фошга тушибди.

2004

\* \* \*

Эй кўнгил, баҳт деганга баҳор бўлсанг, менингсан,  
Мухаббатга ҳар лаҳза хумор бўлсанг, менингсан.

Қай қароқнинг талҳ ёши, дарди сенга тўкилса,  
Охи оҳанг яратган дутор бўлсанг, менингсан.

Мулк сўрсалар кафтдаги диёнатни шарҳ айлаб,  
Бир сўздан ё йўқ бўлсанг, ё бор бўлсанг, менингсан.

Имонни арzon этса нокас нафснинг кўйида,  
Жонга тиғдек санчилган озор бўлсанг, менингсан.

Йигласанг шу тупроқ деб, шу тупроқ деб яйрасанг,  
Ватан бағрин бутлаган бир ор бўлсанг, менингсан.

2004

\* \* \*

Бўлмадингиз Сиз менинг, дарду ғам менинг бўлди,  
Умидлари берёб бир олам менинг бўлди.

Умримнинг на кўклами, на ёзи ризо, воҳким,  
Фурсати келиб етмай, куз ҳамдам менинг бўлди.

Изтироб тутар тинмай титраган сариқ япроқ,  
Изтиробга на тоқат, на малҳам менинг бўлди.

Тун шу қадар узундир, олисдир тонг шу қадар,  
Уйқусиз кўзлар мунгли, киприк нам менинг бўлди.

Сиз томон қадамларни кесгай ғурур ханжари,  
Нетсин Замира охир, шеъру шаъм менинг бўлди.

2005

\* \* \*

Товонимга тош ботиб борурман, йўлларим тикдур,  
Далли дарвешман, елкамни босган муборак юқдур.

Ишқ десам, оҳ ишқ десам, чирсиллагай сўнгакларим,  
Изтироблар қасрига девона кўнглим бекдур.

Сандувочга айланурман тонгга маҳзун шеър тутиб,  
Субҳидам рангин оқартган кўксимдаги санчиқдур.

Сочларимга қор бўлиб ёғмиш рақиб найранглари,  
Кўкламим гулғунчасин ютган адоват, кекдур.

Минг уқубат кўрса не дил қайтмагай ўз йўлидан,  
Мен ўща қайсар Замира, шарифим Андижонликдур.

2005

\* \* \*

Қақшаган жонларга исминг тафт берар чўғдай, Ватан,  
Таърифинг айтарга хос ташбехга сўз йўқдай, Ватан.

Севгидан сўзлаш нима: борми ишқнинг ўлчови,  
Қизғонур жон бир чағир тошингнида сукдай, Ватан.

Сенга етган эрку ҳурлиқда бобомнинг қони бор,  
Мустақиллик менга иззат, бошима туғдай, Ватан.

Нотаниш тупроқда кетса бойлигу ганждан гурунг,  
Қорачигда сен – туарман тўрда энг тўқдай, Ватан.

Сенга ёпишса зарра гард, отсалар хас ё чўпак,  
Ул маним бағримни тешгай найзавон ўқдай, Ватан.

Чорласанг “лаббай” дея асқатмасам корингга мен,  
Айтгани янглиғ Замира умрим ортиқдай, Ватан.

2005

\* \* \*

Ватан, топгай мукаррамлиғ санда жон,  
Сенингсиз афсусу армон пандда жон.

Сен бобомдан қолганим – чўнг бойлигим,  
Ўғлим, қизимга ўтгай чиққанда жон.

Севмоқ, соғинмоқдин улуғ не бор яна,  
Бул буюк хисларни этмас канда жон.

Ўзбаки лаҳжамда янграр мадҳиянг,  
Куч олар, ҳайрат олар ҳар бандда жон.

Сувратингу сийратинг ишқ бердиким,  
Худди шул ишқ ёндирап – гулханда жон.

Бадниятнинг бад кўзи тушса сенга,  
Асрагайман мушт туғиб то танда жон.

Бир йироқ кетдим Замира, англадим,  
Бобур нечукким айтганин Андажон.

2005

\* \* \*

Кўнглим маним Машраб бўлди ишқи ҳур,  
Хуржунининг қўш кўзида оташ, нур.

Насим дема мудроқларни уйғотган  
Васл ифорин соғинган кўнглим эрур.

Иzlай-islai топгани тош остона,  
Бошин қўйгач бўлди тилло, бўлди дур.

Ватан этди муҳаббатнинг аршин ул.  
Малоиклар тебраниб топди ҳузур.

Аввал булат, сўнг ёмғирга айланди,  
Ҳар гиёҳ, ҳар япроққа кўчди сурур.

Бу даҳри дун севги деди, ишқ деди,  
Янграб кетди шу асно шеъру шуур.

Кўнглим маним Машраб бўлди, тўкилди,  
Уни ошиқ этган зотга минг шукур.

2005

## *Наврӯз өасфи*

Қўшиқсиз дунёларнинг топилдиқ сози Наврӯз,  
Онларнинг сарафрози, ишқнинг овози Наврӯз.

Ёруғликнинг ҳаққини зулумотлар ютмағай,  
Ташрифи адолатлиғ барҳақ торози Наврӯз.

Увада қорлар юки нигоҳларга зулм эрса,  
Яшил хуснин соғинган йўллар пардози Наврӯз.

Тўлғоқдаги боғларни излар бўлди Гўзаллик,  
Қадамига тўшалган ок пояндоzi Наврӯз.

Қирлар ошиқ оҳига етган висол гўшаси.  
Малоҳат касб айлаган атиргул нози Наврӯз.

Ҳар қалб шоирдур энди ҳайрати корачиғда,  
Тўкилмиш ашъорларнинг тоза қоғози Наврӯз.

Ризқ оягин тиловат айламиш фаришталар,  
Сумалак тоти янглиғ севган дил рози Наврӯз.

2001

## *Мувашшаҳ*

Сен Наврӯзнинг ноёбу муқаддас таомисан,  
Урфу одатимизнинг энг олий макомисан.

Малоқалар эрур сенинг асли пазанданг,  
Аларнинг бизга берган мурувват инъомисан.

Лаззат оладир жони кимки тановул килса,  
Абу Али Синонинг шифойи пайғомисан.

Кўнглимдан тўкилгани сенга мувашшаҳ бўлди,  
Кўкламнинг муждасию шоирнинг илҳомисан.

2005

\* \* \*

Нихон ишқим азобидур юракнинг,  
Кун-туним бахшидаси бир тилакнинг.

Азиз дийдор яшайди қорачиғда,  
Лек йўлин тўсгай ғуур сўзламакнинг.

Мени Лайли демишdir неча Мажнун,  
Фақат парвоси йўқ тошдил керакнинг.

Ишқ аталган йўлми шунча тор, чигал,  
Макрими бу билмадим ё фалакнинг.

Ёз, Замира, бу дардни сўнги йўқ деб,  
Вафоси бож эрур дардга малакнинг.

2006

\* \* \*

Кўнглим, дардинг мени овора қилди.  
Тошбағир ҳажрида бечора қилди.

На васл берди у ва на тараҳҳум,  
Сароб йўлларинда садпора қилди.

Ёрнинг қирқ кокили сени бойлади,  
Қирқ кокилин тош дил қирқ дора қилди.

Кунингни безади гурлаган гулхан,  
Ёндиригич даштларда сайёра қилди.

Сен каби ошиқни кўрганми дунё,  
Вафони вафосиз бир ёра қилди.

Саргардон чарчадим кўчангда, кўнглим,  
Тилим бу ҳасратни кўп бора қилди.

Замира бас деди, унугтин деди,  
Овозингىшк дея минг зора қилди.

\* \* \*

Дилимга ифор бүй бүстон керакдур.  
Бүстон яратгувчи имон керакдур.

У бир хилкат эрур, у бир күшк эрур,  
Зар тожин кийгани султон керакдур.

Покланиб борадир ишқдан кун сари,  
Софинчи таборак ғилмон керакдур.

Васл ичра қүшиқقا, куйга эврилгай,  
Киёсига бегард осмон керакдур.

Унинг бир ардоғи, эъзози Ватан,  
Эъзозига фидо бир жон керакдур.

\* \* \*

Бетараҳхум бўлдингиз, ёр,  
Дийдангиз кўп қаттиқ бўлди.

Висолингиз бизга душвор,  
Видоингиз тортиқ бўлди.

Кўринмайди сомон йўли,  
Савалайди соғинч дўли.

Пайдо бўлар Қуббон қўли,  
Дардкашим ҳўл ёстиқ бўлди.

Бу дунёси зўр сирмиди,  
Ошиқ маҳри сабрмиди.

Булут бизни танирмиди,  
Ёмғирлари нотик бўлди.

Сизни бизча сўймаганлар,  
Видо ютиб куймаганлар,

Ишқ деб жондан тўймаганлар  
Бизларданам ортиқ бўлди.

Бетараҳхум бўлдингиз, ёр...

2006

\* \* \*

Кишининг қаҳрлари – кўнгилнинг зори,  
Юпун руҳни чирмар таъналар қори.

Адашган битта сўз, адашган бир кун  
Дардлар дунёсининг рангсиз тумори.

Мұҳаббат ёмғири тошларга ёғди,  
Борми тошдан унган дунё гулзори.

Изтироб кафтида музлагай вужуд,  
Киприкдан думалар ишқнинг озори.

Таскин сўзи йўқдир, юпанч сўзи йўқ,  
Тўкилган муқаддас сўзнинг охори.

Тилдан гуноҳ ўтди, дилдан оҳ ўтди,  
Замиранинг энди ёлғизлик ёри.

\* \* \*

Кўнглимни ишқ асир этган кезлардан,  
Бир сўз қиммат бўлди ҳамма сўзлардан.

Хаёлларим чаманларга бойланди,  
Хат йўлладим атиргул, наргислардан.

Кўзларимни ўқиб йиглар юлдузлар,  
Куёш шабнам терар дала-тузлардан.

Субҳидамги тушларимни уққан сув  
Тўхтамайди ёруғ таъбир излардан.

Лайлиларнинг, Ширинларнинг дарди не,  
Битта оҳим ортиқ минг-минг бўзлардан.

Ёлвораман кўнгил оғриқларига  
Малҳам тилаб дутор, чанқовузлардан.

Тумор бўлсин соғинчи Замиранинг,  
Қизғонаман ёрни ёмон кўзлардан.

2006

\* \* \*

Нигоҳимга санчилар тун,  
Дардга ташлаб ўзини.  
Саркаш шамол излаб кетар  
Изтироблар изини.  
Толим-толим ой нурлари  
Бир ўқинчни илгайди,  
Сирларимга бошин қўйиб  
Дакиқалар йиғлайди.  
Сен билмайсан, хаёлингга  
Йўлолмаган ёрингман.  
Ўн уч кеча, ўн тўрт кеча

Түлөлмаган ойингман,  
Пайғамбарнинг қизи янглиғ  
Бўлолмаган ёрингман.  
Шоҳи белбоғ тикдим, тиккан  
Каби юртнинг моҳлари.  
Изтиробим алвон ипак  
Қат-қатида охларим.  
Барчин бўлдим Алпомиш деб  
Йўлларингга тикилдим.  
Ё раб, шоҳи белбоғимнинг  
Бузилмади тахлари.  
Куюн учган сахро йўли  
Насибамдир кетдим, ёр,  
Фирокингни кўксим узра  
Тифли тумор этдим, ёр.  
Қаро кўзим ҳасратидан  
Тунлар умри узайди,  
Оқармаған тонглар учун  
Жонни нисор этдим, ёр.  
Эртакларга айланайин  
Кутса мурод-мақсадим,  
Ўйларимнинг зар тахтида  
Ёр, исмингни асрадим.  
Минг тилагим тўзиса-да,  
Бир қасамим тўзмагай,  
Буюк ишқин қабрига ҳам  
Олиб кетгай жасадим.  
Ўн тўрт кеча тўлса ҳамки  
Тўлмаган бир ойингман.  
Сен тикилган кўзгулардан  
Боқмаган чиройингман.  
Билармисан, хаёлингга  
Йўлолмаган ёрингман,  
Пайғамбарнинг қизи янглиғ  
Бўлолмаган ёрингман.

2006

## *Бир сўз айт*

Бир сўз айт –  
минг йиллик изтироблари  
Сувга оқиб кетган бесавоб осий  
каби караҳт қотган менинг жонимга  
кирсин яшамоқнинг ҳаваси.

Бир сўз айт –  
Ёмғир бера-бера дил осмонидан,  
Кўкартган гулидан бенасиб, ожиз  
ҳаётимнинг гирибонидан  
қўлларини олсин ялмоғиз.

Бир сўз айт –  
Тупроқка қоришиб кетган ҳисларнинг  
уволини терсин тавба қушлари.  
Ёзилсин бир бошни қоплагудай кенг  
бахтсизликнинг метин муштлари.

Бир сўз айт –  
Умидлари майиб танни тарқ этсин  
Адашган лаҳзадан туғилган кулфат.  
Тумансиз субҳидам мурувват тутсин,  
Рӯёб дунёсидан олиб келсин хат.

Бир сўз айт –  
Ёлғизлик кишанбанд айлаган кўнгил  
Ўзин бир рафиқقا ҳамдам атасин.  
Даричамга Хизр қўйиб кетган гул  
тилидан таралсин сурайи Ёсин.

Бир сўз айт...

2002

\* \* \*

Бу дунёning кўчаси кўп, бари кенгмас,  
Баҳтнинг бўйи баланд, унга ҳар бўй тенгмас,  
Ишончлари ногоҳ синган фақат менмас,  
Бардош, ташлаб кетма мени.

Кулгуларим аразчи қуш – ҳайё ҳу-в, йўқ,  
Кўкрагимда дарддан бўлак бир туйғу йўқ,  
Тушларимни айтай десам оқар сув йўқ,  
Бардош, ташлаб кетма мени.

Ёринг мен деб ҳижрон аврар, ўкинаман,  
Хур ёдларнинг этагига тўкиламан,  
Бир исмни айтиб сенга юкинаман,  
Бардош, ташлаб кетма мени.

Тунлар соқов, кунлар кўзи юмуқ кечар,  
Фасл йиглар, менға ғамдан тўнлар бичар.  
Фурур эса синмайман, деб қасам ичар,  
Бардош, ташлаб кетма мени.

Бир сўқмоққа тикиламан қоқмай мижжа,  
Истакларим майса ўқир ҳижжа-ҳижжа,  
Ул истаклар рўёблари келгунича  
Бардош, ташлаб кетма мени.

2006

## *Ҳолат*

Юзингта беибо ишшайиб қарап  
Манглайнингни уриб олганинг харсанг.  
Нозанин ёдларни булғайди кадар,  
Ишончлари шаҳид кетган ишқ сарсон,  
Йигла, йиглай олсанг, баҳт – ўша.

Чинқираб, bemavrid ҳазон тўқади  
Ялмоғиз сехрлаб кетган дарахтлар.

Хаёллар он сайин жарга чүкади,  
Рұхингга санчилған тиғлар яраклар –  
Йиғла, йиғлай олсанг, баҳт – ўша.

Заминда йўл йўқдир, самога нарвон,  
Рутубатин сочиб улгурди кўрлик.  
Атроф тўла... Мехр ваъда қилган жон –  
Узатган хиёнат, узатган хўрлик –  
Йиғла, йиғлай олсанг, баҳт – ўша.

2007

\* \* \*

Муҳаббат ҳайрондир, садоқат ҳайрон,  
Ниғоҳлари оғрир савол юкидан.  
Вужуд қутулмоққа йўл излар гирён  
Дарду сабр тушган чекидан.

Бу ёғини энди сўрамаёк қўй,  
Минғ турфа башорат селиға ғарқман.  
Ҳайрон муҳаббатни кўксига қамаб,  
Туғига андиша бойлаган халқман.

1987

### *Раҳми иўқ ҳижрон*

Шамол сочган алвидолар  
Ишқ шаробин тўқди, ёр.  
Сиздан айро дил қайғунинг  
Дарёсига чўқди, ёр.

Тонглар – ҳижрон раҳми иўқдир,  
Шомлар – ҳижрон қаҳри зўр.  
Билмам қайси ялмоғиздан,  
Қайси девдан юқди, ёр.

Ишқ бехабар томоқларга  
Ёр-ёр тўлди, нетармиз.

Бир оҳанги минг тилакни  
Чок-чокидан сўқди, ёр.

Юлдузлар хун, ой ғамзада,  
Кўз ёшлари қумуш ип.

Тун бечора нигоҳларнинг  
Зардобига бўқди, ёр.

Олд умрга сабрдан тўн,  
Қаноатдан қийик шарт.  
Энди ғамгин-ғамгин байтдан  
Яқинроқ дўст йўқдир, ёр.

\* \* \*

Юлдузлардан ёғилди шеър,  
Оҳангига гул тутди ер.  
Бир нозига жонингни бер  
Қирқ ўрим соч шу қизнинг.

Қадамлари эркин-эркин,  
Табассуми гўзал лекин.  
Тушларига ким киаркин  
Қирқ кокилли шу қизнинг.

Юзи тўлин ой чамаси,  
Сехрлайди шивир, саси.  
Ёндиради хон атласи  
Қирқ ўрим соч шу қизнинг.

Мағрур юрадир доим,  
Севса қиёмат қойим.  
Оҳ... исми ўзбегойим  
Қирқ кокилли шу қизнинг.

Номардларни, очиғи,  
Суймас, чиқар аччиғи.  
Биз ҳам бир мард ошиғи  
Қирқ ўрим соч шу қизнинг.

\* \* \*

Мен кетяпман қадр топмаган  
Мұхаббатни күксимга босиб,  
Манглайини иқбол ўпмаган  
Санамликка бўлиб муносиб.

Кўзларимни ялпиз ўқиган,  
Уққан кўнглим каби тиник сув,  
Бу матални кимлар тўқиган –  
Сабр таги зар чиқмади-ку.

Юрағимни айланмайди кин,  
Тақдирга ҳеч қилмасман аччик.  
Мени энди кўрмассиз, лекин  
Кўзингизда яшашим аниқ.

2005

\* \* \*

Сизни сўйдим. Тонгу шомдан оғриқ топдим,  
Гул умримни азобларга боғлиқ топдим.  
Ишқ қучоқлаб кенг дунёни кезди ўйим,  
Ўзимдайин на ғариб, на доғлиқ топдим.

Бахор ичра кўнгил ёзар байтларим йўқ,  
Атиргулга қорган хушбўй қайдларим йўқ.  
Кўзингизга қараб бирор сўз айтмасман,  
Сиз тушунар тилда ахир айтарим йўқ.

Худо қилди. Севгимни ҳур, сағир қилди,  
Яrim дилга ортган юкин оғир қилди.  
Қизғалдоқлар экиб ўтдим тикан йўлдан,  
Кўш елкамни миннатли баҳт яғир қилди.

Бир умрни бир хатога бож айладим,  
Тошбағирни манглайимга тож айладим.

Моҳир бўлдим ўз кўнглимни алдагани,  
Орзу уйин бир кашфи меърож айладим.

Кашф этганим, топган дунём бунча номард,  
Кўз очирмас кипригимга осилган гард,  
Мен биламан Сиздан кетсам ишқ ўлдирад,  
Кетмасам гар ўлдиради Ёри бедард.

Сизни сўйдим. Тонгу шомдан оғриқ топдим,  
Гул умримни азобларга bogлиқ топдим.  
Ишқ қучоқлаб кенг дунёни кезди ўйим,  
Ўзимдайин на ғариб, на доғлиқ топдим.

2005

\* \* \*

Сиз баланд севгилар кутасиз мендан,  
Саболар ҳамиша сиз томон эсган.  
Менинг орзуларим яшар ичимда,  
Сизнинг чарс феълингиз тилимни кесган.  
Кўз ёшлар юзимни ювади бесас,  
Қаҳрингизга артиб оламан секин.  
Мени маломатлар севади, сизмас,  
Орият айтгани қўймайди лекин.  
Ҳамма истагимни кўмади дилим,  
Эгним бут, қорним тўқ яна ҳузур.  
Менинг қаҳри қаттиқ, чарс феъл севгилим,  
Ношукурга ўхшаб кетяпман, узр.

2006

\* \* \*

Ёр, дилдаги ишқимни,  
Қароримни билмассан.  
Хар кун йўқлаб хаёлан  
Бороримни билмассан.

Ниҳон тутган ҳасратим  
Билмам кимга асрадим.  
Исмингни хуш сасда жим  
Айторимни билмассан.

Қаландарман аслида,  
Тиланганим васлинг-да.  
Йўлнинг баланд-пастинда  
Йўқ-боримни билмассан.

Кўклам кутганим қайтди,  
Лолалар қўшиқ айтди.  
Ҳамма куйлар бу пайтда,  
Зор-зоримни билмассан.

Япроқмидим тўкилган,  
Унут хасдай ўкинган.  
Мунгли шеърга юкинган  
Чилторимни билмассан.

Ор чилвирдир изимда,  
Армон йўқдай юзимда.  
Нетай ўзим-ўзимдан  
Безоримни билмассан.

Ёр, дилдаги ишқимни,  
Қароримни билмассан.  
Ҳар кун йўқлаб хаёлан  
Бороримни билмассан.

\* \* \*

Баланд тоғнинг қори кетмас,  
Ялт-юлтларни писанд этмас,  
Сизни мендан айиргани  
Сулувларнинг ишқи етмас.

Гулман дея нозланган ким,  
Рангларда пардозланган ким,  
Гулзорларим ифорига  
Анинг анбар мушки етмас.

Хоҳ гулшан, хоҳ даштлардамиз,  
Орзу ичра аршлардамиз,  
Ҳумо қушдир самодиллар,  
Каккуларнинг рашки етмас.

Хокисормиз бунда гарчанд,  
Қўнглилизнинг қасри баланд.  
Алдамчи ҳис-туйғуларнинг  
Солган сароб қўшки етмас.

Муҳаббатнинг йўли душвор,  
Саналмагай ҳар ким чин ёр,  
Ғубор қўнса гар ювгани  
Қорачиғлар ашки етмас.

Баланд тоғнинг қори кетмас,  
Шамолларни писанд этмас,  
Сизни мендан айиргани  
Сулувларнинг ишқи етмас.

\* \* \*

Содда кўнгил англомаган сир бўлдингиз,  
Икки дунё бир, ўзингиз бир бўлдингиз.  
Сизни дея жаҳонидан кечган қиздан  
Осонгина кеча олган пир бўлдингиз.

Дил ёзмасман, соқийим йўқ, майим йўқдир,  
Бўгзимга дард тиқилади, найим йўқдир.  
Сиз сармастсиз дилдорларнинг нозларидан,  
Нозланмасман ўткинчим-сиздайим йўқдир.

Сизга ҳам йўқ менинг қаби куяр бир жон,  
Куйиб янга девонаваш суяр бир жон.  
Рухсорингиз хаёлларин адаштиrsa  
Сиздан эмас, ўз жонидан тўяр бир жон.

Сиз кетдингиз, саволингиз менда қолди,  
Зулматларда ҳилолингиз менда қолди.  
Сиз-ку пирсиз, башоратни мен айтайин –  
Ишқقا боғлиқ иқболингиз менда қолди.

Икки дунё бир, ўзингиз бир бўлдингиз,  
Ишқдан осон кечиб кетган пир бўлдингиз...

\* \* \*

Куннинг-да, туннинг-да раҳми йўқ, илло  
Мени тушунмайди, шафқатни билмас.  
Сизни соғинмоқлик ўзи бир жазо,  
Соғинмаслик эса қўлимдан келмас.

Ёдларим жонимни тилкалаган ўқ,  
Нетарди Сиз каби ўзимни севсам.  
Бошимни қўйишга оstonангиз йўқ,  
Шоҳ Машраб сингари йиглайнин десам.

\* \* \*

Келмадингиз, боғлар кутиб сарғайди,  
Кунлар тумор қилиб тақдилар оҳни.  
Умиди тўкилган кунлар қарғайди –  
Қандоқ қўтарамиз бунча гуноҳни?!

Келмадингиз, дилга қулади озор,  
Сўкир рух қийнайди қучмасдан моҳни.  
Юракдан ватанлик сўрайди мозор,  
Қандоқ қўтарамиз бундай гуноҳни?!

Мұхаббат етим қиз сингари йиғлар,  
Күрганда бешафқат қазилган чоҳни.  
Қуриган дарёда тош – қорачиғлар,  
Қандок күтарамиз бундай гуноҳни?!

Келмадингиз.  
Келиш айланар тушга,  
Ўзга бир ишқ билан кесиб “оҳ-воҳ”ни.  
Тил қани ўзгани “сиз ёр” дейишга,  
Қандок күтарамиз бундай гуноҳни?!

\* \* \*

Бир-бировни таниб бўлдик биз,  
Тушунксиз ҳислар қолмади.  
Гоҳ қўрс йигит, гоҳ аразчи қиз,  
Мұхаббат кечириб толмади.

Қароклардан ёмғирлар ёғди,  
Дилда унди сабр гиёҳи,  
Мингта орзу қадалган тоғдир  
Севганларнинг бор-йўқ гуноҳи.

Кўкка боқсак ҳилол бизники,  
Майсаларга энг яқин дўстмиз,  
Қорачиғлар ичида лекин  
Бир-бировни асраган кўзмиз.

Гоҳ бадавлат, гоҳида ғариб  
Ишқимизнинг умри зиёда,  
Ўксимасмиз қолдик деб қариб,  
Яхшиси йўқ биздан дунёда,  
Бир-бировни таниб бўлдик биз.

2007

## *Ёр бўлдингми, ёлизлиқ*

Дайдиган бу довул юзлари бужур,  
Тўзитган гул баргин армонлар ғажир,  
Кунларни никоҳлаб олди сур ҳажр,  
Менга ёр бўлдингми, ЁЛФИЗЛИК.

Таъкиб этар майса титроғи, ана,  
Юлдузлар кўз ёши шабнамда таъна,  
Дақиқамас, кунмас, йилларни сана,  
Менга ёр бўлдингми, ЁЛФИЗЛИК.

Қалдирғоч – севаман деганинг сози,  
Ранг бўлиб тўкилиб ётар овози,  
Ишқизларга увол кўнгилнинг рози,  
Менга ёр бўлдингми, ЁЛФИЗЛИК.

Мағрурлик мулкига қараганча тик,  
Қалбига қулф солиб қўйган рух кемтиқ,  
Жаннат хурларидан ёгилар битик –  
Менга ёр бўлдингми, ЁЛФИЗЛИК.

Тилаклар бир қушдир қанотлари шол,  
Кўксимда ётади учолмай беҳол,  
Тошибагир дийдорга ўралар хаёл,  
Менга ёр бўлдингми, ЁЛФИЗЛИК.

Кўзлар дардин кутиб гуллар маъюсдир,  
Келмас мардин кутиб йўллар маъюсдир,  
Фамга никоҳланган кунлар маъюсдир,  
Менга ёр бўлдингми, ЁЛФИЗЛИК.

2007

\* \* \*

Андижонда ўтлар ёнди, Шошда тутун,  
Ишқ битилган мактубларим бўлди ўтин.  
Тутун ўрлаб дарчангизни излаб борса,  
Аччиғига бардош топинг, ичга ютинг.

Унутилган исмин топиб йиғласа қалб,  
Сизиб чиқса қароқлардан ўт томчи – дард.  
Ёнингизда турган сулув кокилига  
Артиб олинг, оромингиз кўрмасин гард.

Ўт томчида ёнса агар, хотир ёнсин,  
Вафо деган дунёлари мотдир, ёнсин,  
Мухаббатни етим қилган кўнгилларга  
Мухаббат ҳам бегонадир, ётдир, ёнсин.

Янгаларнинг ўлани авж, ўрлар тутун,  
Қат-қатига сир яширган гуллар ўтин.  
Гул дардлари дарчангизни излаб борса,  
Бир гўдакка чўпчак айтинг, ичга ютинг.

\* \* \*

Эй, Алномишкелбат, кўкси тоғ йигит,  
Кўш ўғил, кўш қизли вақти чоғ йигит,  
Малак ҳайратидан уйи боғ йигит,  
Ҳар куни байрамми аёлингизнинг.

Орзулари гуллар ўчоқ бошида,  
Кўз ёши ялтирап тақдир тошида,  
Сочига қор ёғмиш ўттиз ёшида,  
Ҳар куни байрамми аёлингизнинг.

Гул эмас кетмонсон ўпса кафтини,  
Куз шамоли суйса яноқ тафтини,  
Бу маъюс гўзаллик сизга ёқдими,  
Ҳар куни байрамми аёлингизнинг.

Унинг ҳасрати йўқ, муҳаббати бор,  
Мингчукур дейдиган бир одати бор,  
Сизга хур-жаннатлар сўров хати бор,  
Ҳар куни байрамми аёлингизнинг.

Паришон сочиға гул тақиб сўранг,  
Умридан ризоми, мард боқиб сўранг,  
Яратган эгамга бир ёқиб сўранг,  
Ҳар куни байрамми аёлингизнинг.

2008

\* \* \*

Сизга айтарим йўқ, айтарларимни  
Ўзимга ўхшаган хазонга айтдим.  
Мендек ишқи бутун, кўнгли яrimни  
Тушунмаган Сиздек улуғдан қайтдим.

Кўнглимга ҳасратдош қилиб танладим  
Майда курт қулатган улкан дарахтни.  
Маломат менинг-да ҳолим танглади,  
Кўтара олмадим миннатли баҳтни.

Боқсам булутларни қайғум эритгай,  
Ёғаётган ёмғир жудаям дардчил.  
Таскинчи ялпизлар дардим аритгай,  
Бўтана сувларда оқади кўнгил.

Оқсин, оқаверсин ишқи кўндирган  
Сабр лаҳзаларин тешиб ўтди ўқ.  
Мағзи пуч таъналар эзган, синдирган  
Бу кўнгилнинг Сизга айтлари йўқ.

2002

\* \* \*

Эй дил, бунча қайсар бўлдинг,  
Жонима дардисар бўлдинг,  
Қаёқданам шу бедилни  
Севдинг-а, хокисор бўлдинг.  
Айтаринг хуш самандардан,  
Хуржунинг мулк қаландардан,  
Ор қилмадинг шом-саҳардан,  
Эй дил, бунча қайсар бўлдинг.  
Вужудимга ўт ташлабсен,  
Демак Мажнун ё Машрабсен,  
Қайтгил дедимки, ёраб сен,  
Эй дил, бунча қайсар бўлдинг.  
Йўлинг сахро жон куйдиргич,  
Чанқасанг кўз ёшимни ич,  
Кўп эди-ку сени суйгич,  
Эй дил, бунча қайсар бўлдинг.

Эй дил, бунча қайсар бўлдинг,  
Жонима дардисар бўлдинг.

2002

\* \* \*

Кўнгилнинг дўсти йўқ оғриқдан ўзга,  
Содик қайғуларнинг бошин силадим.  
Бемажол суюниб хазонрез кузга,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Андуҳли барглар ишқ, ишқдир изғирин,  
Эскирган ташбеҳми гуллар... эсладим.  
Англаб руҳи ўпган совуқнинг сирин,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Хазонлар авраган ариқ шеър ўқир,  
Маҳзунлиги менинг каби... тингладим.

Дунёга ишқ дея келганман ахир,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Кўкламнинг шавқи не, ифори қандай,  
Қачон ўғирлатдим уни – ўйладим.  
Сочимга бемаврид қорлар ёққанда,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Бир хато тортиғи бўлди минг азоб,  
Унга жон ипимни ўзим уладим.  
Истаклар қучоғи кин эмас, офтоб,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

2002

\* \* \*

Янграб қолди офтобжамол алёрлари,  
Куюқ тортди шафтолизор ифорлари,  
Ювилади аразчи дил ғуборлари,  
Софина бошладим Сизни мен.

Эрка шамол вараклар ишқ эртагимни,  
Бойчечаклар ўқиб бўлди истагимни,  
Хотиралар фақат оқ... оқ тусдагина  
Софина бошладим Сизни мен.

Ҳайрат қўргонига шаҳаншоҳdir дил,  
Шу кунни жаннатдан тилаб олди йил,  
Бунга фақат ишқ ярашар – ўзим кафил.  
Софина бошладим Сизни мен.

Самандардир учеб юрган гулпарчалар,  
Ялпизларнинг қулогига бир куй чалар,  
Ёпа туриб тандир тўла мой кулчалар,  
Софина бошладим Сизни мен.

## *Мұхаббат ҳақида ёзаверамиз*

Күпдир күнгил хотирларга тобе пайтлар,  
Жон риштаси – ўн саккиздан қолган байтлар,  
Сочингизда оқ күрдик деб ким ҳам айттар,  
Мұхаббат ҳақида ёзаверамиз.

Қадри баланд бўлар қишида кулган қуёш,  
Бу жон илиқ туйғуларга, ҳисга талош,  
Рух боғида гуркираган райҳонлар ёш,  
Мұхаббат ҳақида ёзаверамиз.

Мўъжизалар топиб ҳар шом, ҳар сахардан,  
Баланд қўйдик бу топмишни тилло, зардан,  
Ошиқ дилга малҳам тилаб шу дафтардан,  
Мұхаббат ҳақида ёзаверамиз.

Ўтгани рост хуш кўкламу ўт ёз фасли,  
Тинглай билдик кузакда ҳам сирли сасни,  
Жон бахшида этсак унга арзимасми,  
Мұхаббат ҳақида ёзаверамиз.

Чап кўкракнинг санчиғига қўйиб ташхис,  
Англаб билдик бу дунёда нима азиз,  
Ўлгунича қаримаган кўнгилмиз биз,  
Мұхаббат ҳақида ёзаверамиз.

2000

## *Кўнгилмиз бок*

Излама ишқнинг рангини,  
Кирларда гул оҳангини,  
Тўлғоқли тунлар зангини  
Кўрмоқ эсанг, кўнглимга бок.

Қандоқ дема ҳобсиз сахар,  
Дашти фанода дарбадар,

Юрган малак – күз ёши зар  
Күрмөк эсанг, күнглигма боқ.

Бир дийдорга боғлаб ёдин,  
Ибодатлар қилгани чин –  
Дарвеш қанисен демагин,  
Күрмөк эсанг, күнглигма боқ.

Келгунча то рўзи маҳшар,  
Ошиқдир ул – фидо яшар,  
Гоҳ титроқ, гоҳ нурга ўхшар,  
Күрмөк эсанг, күнглигма боқ.

2000

\* \* \*

Гулга сирдошдирсан, кушларга ҳамроҳ,  
Руҳингда бойлик кўп, мискинлик камроқ,  
Кўзларинг ҳайратли, кипригинг намроқ,  
Севган кўнгил, севган кўнгил-а.

Дўст бўларсан йўлчи ҳамсуҳбатга ҳам,  
Мард қарайсан баҳтга, укубатга ҳам,  
Оқ ёрлиқ излайсан рутубатга ҳам,  
Севган кўнгил, севган кўнгил-а.

Дарё бўларсан-у тиндим демайсан,  
Минг бир синовларда синдим демайсан,  
Ишқиз фаслларга кўндим демайсан,  
Севган кўнгил, севган кўнгил-а.

Кўкламни кафтида тутган ялпизим,  
Армонга эгизим, дардга эгизим,  
Шоириңг ўзимман, ҳофизинг ўзим,  
Севган кўнгил, севган кўнгил-а.

\* \* \*

Тиниклашиб оқар ирмоқлар,  
Куриган чўп-хаслардан қизғон.  
Гулга тўлиб бормоқда боғлар,  
Мұҳаббатсиз каслардан қизғон.

Онажонинг рўмоли оққуш,  
Атак-чечак боланг юрар хуш,  
Ўнгдан келди неча ёруғ туш,  
Мұҳаббатсиз каслардан қизғон.

Қизғалдоқлар ёққан гулханни,  
Битиктошлар асраган шаънни,  
Сенга қўнглин очган Ватани  
Мұҳаббатсиз каслардан қизғон.

Эрк деб ёзган забарни, зерни,  
Эзгулик деб тўкилган терни,  
Онам десанг тўлиққан Ери  
Мұҳаббатсиз каслардан қизғон.

Мұҳаббатдан яшнагай Ватан,  
Унинг гарди хоки сенга тан,  
Бори билан мақтансанг мақтан,  
Мұҳаббатсиз каслардан қизғон.

2005

\* \* \*

Сизсиз кунлар соати йил,  
Михланганга ўхшайди.  
Чангалзордан тикон ортган  
Софинч бунда яшайди.

Хаёлларнинг шафқати йўқ,  
Тунни чаққан замбидир,

Хотиралар вароғида  
Изларингиз жамбилдир.

Қорачиғлар узра яшар  
Сувратингиз бежирим.  
Айрилиқдан толиққан дил  
Кўз ёшлари – кечирим.

2006

### *Эй муҳаббат*

Гул қучоқлаб келган баҳор ҳайрон кетди,  
Лолалари ёқа йиртиб вайрон кетди,  
Нокас сайёд ўқларидан жайрон кетди,  
Юрагимда айтилмаган сўзим қолди.

Эслаганда энтиkkаним пайтлар сағир,  
Тўлган дилдан тўкилганим – байтлар сагир,  
Софинганин излаб кетиб қайтар – сагир,  
Юрагимда айтилмаган сўзим қолди.

Айланади ою кунлар, хуш фасл йўқ,  
Умид узмай кутдим узоқ муттасил, йўқ,  
Ишқ заҳри бор, талх ҳажри бор, бир васл йўқ,  
Юрагимда айтилмаган сўзим қолди.

Тунлар ёзиб тонглар майдаланган зор хат,  
Куйган дилга малҳам тутай деган хилқат,  
Сен – муҳаббат, эй муҳаббат, кел муҳаббат,  
Юрагимда айтилмаган сўзим қолди.

Чехралар – ёдларим титиб кетган ўқ,  
Йигилар – жонимга дўзах тутган чўғ.  
Менга оллоҳнинг ҳам кечирими йўқ,  
Юрагимда айтилмаган сўзим қолди.

\* \* \*

Кўшмачи тун қўллари  
Ишончларни бўғади.  
Алданган дил йўллари  
Хиёнатга оғади.

Гули тўзган куюк тож  
Куз бағрини муштлайди.  
Тили кесик сандувоч  
Чап кўкрагин ушлайди.

Шамол ялаб улгурмас  
Майсаларнинг кўз ёшин.  
Намозшомгул кун кўрмас,  
Ўлдириб кетди яшин.

Бу туннинг мулки фириб,  
Исми сотқин, бўйи бад.  
Уволингни қолдириб  
Кет, кет энди, муҳаббат.

\* \* \*

Кўзим ҳасратидан сарғаяр майса,  
Сизиб чиқолмайди қароқдан йиги,  
Умидларни тирнаб санчилган нарса –  
Тош теккан ишончлар синифи.

Кўзлари кўр ишқнинг ҳассаси ҳам йўқ,  
Кўнгилнинг тубига қулайди шўрлик.  
Сўзларим куяди, тилим лахча чўғ,  
Хаёллар ялмоғиз – макри минг турлик.

Мен сабо сўрадим, ёприлди самум,  
Очиқ деразамдан ёгилар азоб.  
Қайсар гўлах мендир, куйган дил маним,  
Уйгон, уйфонақол, деразани ёп.

\* \* \*

Гулларга ишонса бўлади,  
Шундоқ юрагимни турибди сезиб.  
Хонамга муаттар бўйлар тўлади,  
Қатидан сувратинг чиқади сизиб.

Шамоллар ҳам ҳамдард, бу аник,  
Юзлаб таскини бор бир нафасининг.  
Шивирлаб келади дарчамни таниб,  
Тўкилган шивирлар исмингдир сенинг.

Гуллар унутмади сира уйимни,  
Шамол-ку шивирга тўлдирди тоза.  
Фақат йўл... тушунмас нега ўйимни,  
Нега тушунмайди бу гунг дарвоза?..

### *Пискарёв қабристонида*

Бунда сўз йўқ, бор армон, алам,  
Бу ерда тиллардан сўз унутилар.  
Азадор қайнилар боши ҳам,  
Қайғудан қорайган булатлар.

Замин жим... осмон жим... жим...  
Хаёллар савтида Ватан бор буюк.  
Айланган покиза руҳлар чироғин  
Ёқмоқ кўкракдаги энг муқаддас юк.

Аҳдингни англатар жуфт қорачиглар,  
Кўз ёш деганлари ўтдир бу нафас.  
Зиёратга келган кўнгилки йиғлар,  
Нигоҳлар қабрни ўпади бесас.

Ўпади сездирмай пастлаган куёш,  
Ифорини тутиб ўпар чаманлар.

Ахир бунда ётар мұқаддас умрин  
Күёш деб, чаман деб бағишилғанлар.

2006. Санкт-Петербург.

\* \* \*

Сиз келасиз,  
Чирой очиб  
Истакларим гул бўлар.  
Кўклам қучар қалдиғочин,  
Боғларига ранг тўлар.  
Энди кунлар қўшиқ тўла  
Қадаҳларга босар лаб.  
Рўпарада туарар толе  
Армонларни тилкалаб...

2006

\* \* \*

Мехр кўрсатасиз менга.  
Бекиёс меҳр.  
Оромингиз чок-чокидан сўкилиб  
Елиб-югурасиз.  
Меники бўлсин-чун энг гўзал умр.  
Мен эса... мен эса...  
Йиглағим келади ўкириб...

2007

\* \* \*

Йигит минар тулпорға чаққон,  
Тизгин тутиб Алномиш келбат.  
Вужудида қизиёттир қон,  
Қорачигда ёнар муҳаббат.

От тизгинин бўшатди бир қур,  
Қамчи урди беҳадик, ўқтам.

Юз-күзига ёйилди бир нур  
Елқадаги муқаддас юқдан.

Кенгликларда қарс синар сукут,  
От кишинаши борлықни қучар.  
Тулпорига ярашган йигит  
Шамол билан басма-бас учар.

Кузаттан күз ҳаваслари чин,  
Уни кутар қайси ойбарчин.

\* \* \*

Кўкламларни кўксида авайлаган куртакдай  
Умидларим кўз очади оппоқ-оппоқ йўргакдай,  
Вужудимни тарк этар осуда ором, тинчим,  
Улканлашар орзудаги бир иқболга соғинчим.

Юрагимга қулоқ тутиб йўлга чиқаман тонгда,  
Ҳамроҳ бўлар менга қўшиқ асл ишқий жарангда.  
Йўлларимдаchoхлар учарар, ғовлар учарар баланд,  
Гоҳ ииқилиб, гоҳ урилиб илдамлайман қасдма-қасд. past,

Ҳаёт сабру саботимни чархлаб боради бир-бир,  
Юрагимни уфқларга тенг қилиб қўяр тақдир.  
Бу уфқда бўй таратар алвонланган бир чаман,  
Мардим. Сизга шу чаманинг беклигини тутаман.

\* \* \*

Бу ҳовлида туннинг узоқ тўхташи малол,  
Бу ҳовлига қуёш аввал кўзин тикади.  
Одмигина кўйлак кийган мўмин бир аёл  
Баракасин тонгдан сўраб экин экади.

Кўклам билан сирлашибми пичирлар лаби,  
Нозиккина билагида нурлар яйрайди.

Бу аёлнинг соғинчларин англаған каби,  
Бир туп бодом девор оша йўлга қарайди.

Аёл шошиб хамир қорар, ўт гурлар кейин,  
Нон ҳидидан маст югурап эрка шамоллар.  
Йўл пойлаган бодом тўкиб юборар гулин,  
Ховли бўйлаб сочилади пушти хаёллар.

Сигир соғар, куви пишар, макка тужди,  
Гурунчни сал кўпроқ солиб дамлаб қўяр ош.  
Товуққа дон, молларга ўт ташлаб қўяди,  
Бу тинмаган аёл шунча меҳнаткаш, ювош.

Далачилар қайтар. Аёл мулойим, секин  
“Дадажони, ҳорманг” дея ҳол-аҳвол сўрар.  
Бу ҳовлида меҳнат, меҳр шунчалар тўкин,  
Тўртта фасл ўз хуснини шу ерда қўраган.

Бу ҳовлида барвакт синар тун юлдузлари,  
Куёш аввал шу ҳовлини нурга ўрайди.  
Мўмингина бу аёлнинг ўйчан кўзлари  
Янги кундан олис шаҳар ҳақда сўрайди...

...Ўша аёл, ўша ҳовли, мўътабар хилқат,  
Соғинаман, тушларимни безайди ҳар дам.  
Гоҳо йиглаб, гоҳо ёниб ёзадирман хат  
Аёл сўраб-суриштирган гавжум шаҳардан.

2007

\* \* \*

Рўй бермади бирон мўъжиза,  
Соат мили айланар беғам.  
Фақат озор қолди йўл узра,  
Озор қолди дарвозада ҳам.

Кўшқафтиминг чангалида бош,  
Қотиб қолган нигоҳим оғир.  
Ерда гуллар, самода қуёш,  
Нимагадир чап кўксим оғрир.

\* \* \*

Ёшм каби улғайиб борар  
Кујдан-кунга орзу истаклар.  
Юрагимда бир олов ёнар,  
Ортда кола бошлар эртаклар.

Шархи бўлиб нурнинг, зиёнинг,  
Из соламан манзиллар сари.  
Изларимда энди дунёning  
Ечилади сир, тугуллари.

### *Ватанга севаман дейиш...*

Осон эмас, йўқ жуда мушкул  
Севаман деб айтиш дафъатан.  
Жойлашолса икки кўзингга буткул  
Бўйи-эни билан бу Ватан.

Узоқ ҳозирлик кўр, тайёрла ўзни,  
Бойчибор тизгинин тополсин кўлинг.  
Қизарган қароқлар ювганда юзни,  
Япроқлардан шабнам теролсин кўнглинг.

Боқий қасрларга нигоҳинг етса,  
Кўра бил ботирлар хешиングми сенинг.  
Ҳақиқат йўлида курашлар кетса,  
Ҳақ тараф тутарми пешингни сенинг.

Чуқур илдизлардан олдингми сабоқ,  
Рухингга ёрми бил Навоийдан байт.  
Зулумотни қандай енгишин чироқ  
Ўзлик дафтaringга этиб кўйгин қайд.

Қулоғингга чорлов саси етган дам,  
“Лаббай”дан кучланиш топсанг дафъатан.  
Кўкрагингга уриб бақирмасанг ҳам,  
Севишиңгни англар бу дониш Ватан.

Шунчаки гап эмас... жудаям мушкул  
Севаман деб айтиш Ватанга...

\* \* \*

Минг йиллик савдодан аёндир бу ҳол,  
Икки турфа таъриф топган тирик жон.  
Бири яхшилардир – сифатлари бол,  
Бирининг таърифи битта сўз – ёмон.

Ҳар феълнинг ўзига лойиқ мукофот,  
Сийловлар буюрган улуғ зот – ҳақдир.  
Яхшиларга берган бўлса саодат,  
Ёмонларга теккан аттангли тақдир.

Шуни ўйлаб илло шукронам айтай,  
Мен ҳам олгандайман яхши отини.  
Ҳақ менга берибдир Ўзбекистондай  
Ватанга фарзандлик мукофотини.

2007

\* \* \*

Ўзбекистон, шодлик, маъюслигинг ҳам,  
Ҳаммаси меники – ғамингни ерман.  
Менинг кўзимга сен энг тўқис, бекам,  
Чагир тошингни ҳам меники дерман.

Ёмғирми, қорми, дўл...  
Ёзликми, қишлиқ...  
Ризқимдир – бағрингдан терсам кифоя.  
Икки вазифам бор – бири севишилик,  
Бири жонни тикиб этиш ҳимоя.

Юртим, сенинг шабнам қўнган,  
Капалаклар учиб юрган,  
Отам янглиғ тўлиб турган  
Ўтлоқларингни сўйдим.  
Еру осмон оралиғини  
Нур билан туташтирган,  
Зулматларнинг қаролигини  
Ёруғликка алмаштирган  
Чироқларингни сўйдим.  
Орзуландим,  
Ўтлоғингга жуда ўхшагим келди,  
Ёғдуландим,  
Чироғингдай ял-ял яшнагим келди.  
Сездим булар шунчаки истак,  
Ё шунчаки хаёл эмасдир.  
Оғриқ ичра чийралиб юрак  
Рухсор тутса мўъжизаю сир.  
Гулга шабнам,  
Капалакка гул  
Тутар балки реза терларим.  
Йўлсиз қолганида бир мунгли одам,  
Зулматдан безганда қайсиdir кўнгил  
Ҳамдард бўлар,  
Битта шамдек ёнар шеърларим.  
Қанийди...

2009

### *Севдими*

Ватан, сен ой, офтобим,  
Зиёларингни севдим.  
Кутлут хоки туробим,  
Гиёҳларингни севдим.  
Ичсам таъми гулобим,  
Дарёларингни севдим.

Шашмақомли рубобим,  
Наволарингни севдим.

Сен алп бобом қолдирган  
Хосиятли “тузуг”им.  
Баланд-баланд дараҳтлар  
Илдизида озиғим,  
Минг шукур, пешонамга  
Худо берган ёзигим,  
Кафтга олиб юргоним  
Хиноларингни севдим.

Кечмишингни вараклаб  
Гоҳо сел-сел тўкилгум,  
Оҳинг кўрсам бўғзимга  
Тошлилар тўлар – тиқилгум.  
Ватан дея жон берган  
Улуғларга йиқилгум,  
Ёт гулшанни на қилгум,  
Саҳроларингни севдим.

Ишқ оҳангга эврулса –  
Мен найга айланурман,  
Икки қарогим соқий –  
Хуш майга айланурман.  
Сен аршим, сен меърожим,  
Бағрингдаги бир хурман,  
Замирам деб чорлаган  
Садоларингни севдим.

## *Мен мардни қўргим келар*

Офтоблар орзуланиб пешонасин силаган,  
Гуллар гувраниб ёрлик нишонасин тилаган,  
Овозига урилиб жаранглаб кетса тоғлар,  
Мевазорлар йўлига гулсочқилар элаган –  
Мард учун соchlаримни қирқ қилиб ўргим келар,  
Орзумда яшаб турган йигитни кўргим келар,

Эртакларнинг ичида узоқ қолиб кетдим деб,  
Номардларни қўришдан чарчаб-толиб кетдим деб,  
Келса, далаю даштлар соғинчини сезгандай,  
Гурсо-гурс қадамлари дунёларга бериб зеб.  
“Сиз ўшами?” деб Кумуш сингари сўргим келар,  
Йигитликка ярашган жўмардни кўргим келар.

Калтача шимда юрган эркак одамдан тўйиб,  
Кундан кун майда гапу майда қадамдан тўйиб,  
Кўксимда кўклаб кетган афсус, аламдан тўйиб,  
Ўзимни бир лаҳзага Барчинбикага йўйиб –  
Севгиси хур санамдай сочимни ўргим келар,  
Эрйигитлик ярашган жўмардни кўргим келар.

Йигитман деганларга ёвқурлик ярашмасми?  
Унга белбоғ тикишни сулувлар талашмасми?  
Бир энтикиб, ийманиб нигоҳин қадашмасми?  
Исмини адаштирса лаб буриб қарашмасми?  
“Мен бунда, сиз қайда?” деб сўроқлаб юргим келар,  
Алларнинг авлодини давримда кўргим келар.

### *Файзиёб ватанга ярашикли бўл*

Олча оқ гул топди, сен оқ кўнгил топ,  
Дилгир наволи бўл, жон қўшиқли бўл.  
Ҳасад тўлган ковул-ковракларни ёп,  
Дустга зор, оламга талашиқли бўл.

Умр учар қушдир, қанотлари бор,  
Учсанг севги сари, поклик сари бор.  
Яхшининг ҳар ерда интизори бор,  
Ошиқ бўла билгин, ҳам ошиқли бўл.

Бу дунёси бозор, гавжум тижорат,  
Танла, ана фириб, ана диёнат,  
Ана ишқу вафо, ана хиёнат,  
Танлашда имонга қоришиқли бўл.

Лаинга лақиллаб изни йўқотма,  
Бешигингда сингган ҳисни йўқотма,  
Исмингни йўқотма, ўзни йўқотма,  
Хуш ахлоқли бўлгин, хуш қилиқли бўл.

Еру осмон синчи ишқ, садоқатдан,  
Дилнурлик меҳробга битилган хатдан,  
Фарзандликнинг файзи, борлиги Ватан,  
Файзиёб Ватанга ярашиқли бўл.

\* \* \*

Мен мұхаббат истадим, жонга султоним ўша,  
Йўқса зулматда дилим, моҳи тобоним ўша.

Куйласам ошиқлигимни ўт бўлур ҳар битта байт,  
Зийнатин топган сатр шеъру достоним ўша.

Дил чиройи севгидир-севгидир руҳ поклиги,  
Мушку анбар анқиган гул-гулистоним ўша.

Бемуҳаббат не билур уй-ошиённинг қадрини,  
Нари кетсам чорлаган синчли айвоним ўша.

Пахта унган ер ўша, ўшадир манглайдада тер,  
Англади кўнгил демак, Ўзбекистоним ўша.

### *Севгим сўрагин элим*

Севгим сўрагин, элим, сўзонларга айланай,  
Ухлоқ дилни уйғотар аzonларга айланай.

Яшинасанг сабо бўлиб ўпай қулгичларингдан,  
Йиғласанг юрак-бағри тўзонларга айланай.

Рангингни зар тус кўрсам, кўзингни маъюс кўрсам,  
Ҳолинг сўраб чирмашган мезонларга айланай.

Отам қолдирган меҳр, онам қолдирган ишқ – сен,  
Ишқу меҳр күйида кезгонларга айланай.

Катта дилсен панохим, соддадиллигинг оҳим,  
Алдаб-аврай дегандан безгонларга айланай.

Панд бермасин андиша, пайконингман ҳамиша,  
Дўст-душманни кўзидан сезгонларга айланай.

Хурлигингни тож билай, асрайн қўрғон қиласай,  
Йўқса ҳақдан умидин узгонларга айланай.

Замира битиб берсин, кўнгил дуридай терсин,  
Туйғулари томчилаб сизғонларга айланай.

### *Эй Кўнгил, ўзни топ*

Эй кўнгил, ўзни бор топ,  
Суянчга ғуур, ор топ,  
Дардингни айтмасингдан  
Билгувчи дўсту ёр топ.  
Рух дегани тоза қил,  
Нафс дегани рўза қил,  
Ойи, офтоби тўкин –  
Ҳайитларга учрагин.

Бу дунё кўҳна, қадим,  
Умр бори бир одим.  
Хуш амал аритгайдир  
Сени жабру жафодин.  
Не фозил – шажарангдур,  
Ич, зилол шаршарангдур.  
Тавоб этгин мадраса,  
Масжидларга учрагин.

Сен-да боғ бер – ифор ис,  
Бағри райҳону ялпиз.

Хушрүй – гүё соchlари  
Қирқ қилиб ўрилган қиз.  
О... бу лаҳза ҳайратгир,  
Лаҳзаки мўъжиза, сир.  
Кашфиёт десанг – тилло  
Калитларга учрагин.

Ҳайратлар келар қайдан,  
Севги битилган хатдан.  
Энг баланд муҳаббат – бу  
Жонга бойланган Ватан.  
Ватан... эътиқод, имон...  
Кафолатдир ер, осмон.  
Сўра, лола ёпинган  
Шаҳидларга учрагин.

Айланар олам чархи,  
Чизилгай кунлар тарҳи.  
Асли фарқлай олганга  
Суврату сийрат шарҳи.  
Буни на зўру на зар,  
Ошиғу шоир чизар.  
Мушоирали мажлис,  
Мавридларга учрагин.

2011

\* \* \*

“Ватан, сени севаман” деб,  
Сўзинг айтмади, ота.  
Кўзинг айтди,  
Севгинг сўзга  
Сигмас байтмиди, ота.  
Кўзларингнинг айтганларин  
Ер англади, ел англади,  
Куёш англади тахтда.  
Англагани ёзда ғўза,  
Кузда бўлди оқ пахта.

“Ватан сени севаман” деб  
Күксингга урганинг йўқ.  
Қоғоз битиб, минбар сўраб,  
Навбатда турганинг йўқ.  
Кўкрагингга урмадинг-у  
Кетмон урдинг энгашиб,  
Яктагингнинг ёқа-енги  
Тенг сарғайди тер ташиб.

Тер тўkkанинг ёз англади,  
Куз англади бегумон.  
Осмонларга теккизди лаб  
Бир тонг баланд бўй хирмон  
“Ватан сени севаман” деб  
Айтмадинг сен хижжалаб.

\* \* \*

Мен хасис эмасман,  
Дунёмни берай.  
Мана шеърим – мол-мулким  
Тугённи берай.  
Зўр лаҳзалар, хур лаҳзалар,  
Зиёфатларни.  
Олинг, майли берай  
Сайру саёҳатларни.  
Сизга бўлсин юлдуз тўккан  
Малоҳатлар,  
Сизга бўлсин ғунча туккан  
Тароватлар.  
Керак бўлса берай ҳатто  
Жону танни,  
Бермам фақат,  
Сўрамангиз бир Ватани.  
Шу туфайли хасис бўлсан  
Бўлақолай – Ватан маним,  
Уни мендан ким олмоқчи,  
Бари ғаним.

Яроғим – ишқ,  
Кучим – севги,  
Олишгайман.  
Ёв күксига қадалган тиғ,  
Ё нишдайман.  
Ким күрибди, Ватан деган  
Ишкли күнгил құрқоғини.  
Ұлсам ҳатто ўлигим ҳам  
Күриб ётар тупрогини.

2011

\* \* \*

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,  
Софинглар келади юракларимга.  
Сира кетмайдиган озодлик, ҳурлық,  
Бутунлик келади тилакларимга.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,  
Шаҳд топиб томирда оққан қонимдан  
Бирдан қудратланиб юлиб отаман  
Заифлик деганин тану жонимдан.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,  
Севги барқ уради ҳосилларимда.  
Худо, ҳазар қылмоқ баҳтин бер дейман,  
Мұхаббатсиз кечган фаслларимдан.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,  
Оғриғи муборак дард күргим келар.  
Қизимни чаманда эңг тоза гулюз,  
Үғлимни сафларда мард күргим келар.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам...

2010

## *Ватан вафодорлар билан гўзалдир*

Ҳалоллаб топилган бир бурда ноннинг  
Лабингдаги тоти қанду асалдир.  
Шажараси узун биз билган шоннинг,  
Ватан буюклиги азал-азалдир.

Элни эл қилишлик фикри оқилдан,  
Қўшилиб қирқ бўлса қўрқулик қилдан,  
Ёғийга ён берган қўрқоқ ўғилдан  
Сарҳадда ўрнашган бир тош афзалидир.

Садоқат йўллари дилдандир бино,  
Тароват йўллари гулдандир бино,  
Адашма танимиз гилдандир бино,  
Ўқий олсанг замин Зарбулмасалдир.

Ўлмай юрса агар кимда диёнат,  
Авраб уддалабди қачон хиёнат,  
Демак ҳали узоқ қойим қиёмат,  
Ватан вафодорлар билан гўзалдир.

## *Фарзандларилия*

Яшангиз энг аввал ўзликни англаб,  
Тўқ мағизи бўлинг юрт деган жоннинг.  
Аъмолингиз айтиб сўйсинлар алқаб,  
Гул, ялпизи бўлинг Ўзбекистоннинг.

Мардлари кўп юртга ёғийлар келмас,  
Майдони, марди йўқ эл асли элмас,  
Ҳақ йўлда титрамас, ёвга эгилмас,  
Тикка тизи бўлинг Ўзбекистоннинг.

Дунё холи эмас ғаламислардан,  
Нафсига қул бўлган турфа туслардан,

Тиллони фарқламоқ учун мислардан,  
Хушёр кези бўлинг Ўзбекистоннинг.

Хар кимда уй бўлсин кетсанг кутгани,  
Ўз тупроғи бўлсин кўзга суртгани,  
Ватан мангулигин куйлаб ўтгани  
Чанқовузи бўлинг Ўзбекистоннинг.

Айланар оламнинг қўклами, ёзи,  
Кимнинг кимлигини ўлчар тарози,  
Шоир онам бўлсин десангиз рози,  
Ёруғ юзи бўлинг Ўзбекистоннинг.

\* \* \*

Онажон, кўнглимдир – алла байтингиз,  
Сочим ўриб қирқ бир тилак айтдингиз,  
Кўрмадим соғинчдан айро пайтингиз,  
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

Кўнглимни кўзимга қараб билган ёр,  
Феълларига Хизр назар қилган ёр,  
Мулкингиз диёнат, давлатингиз ор,  
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

Умримнинг безаги тўрт гулим – болам,  
Дардим, кушойишим, умидим, жолам,  
Сўйсам тўрт минг сеҳрин кўрсатар олам,  
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

Элим соддалигу андишанг улкан,  
Андишадан сендек панд еган эл кам.  
Болам де, юкингни кўтарсин елкам,  
Сизни муҳаббатга ўраб асрайман.

\* \* \*

Күнглим, сенга гул ярашар, нур ярашар,  
Ярашади сенга ахир күклам ҳисси.  
Бугун нега қат-қатингда қайғу яшар,  
Хайрат ҳадя қилмаётир Наврӯз ҳусни.

Ишқингни хор этса битта номард этди,  
Чечак тутиб ишқ сүрайди қара дунё.  
Қайси ошиқ қачон рўшноликка етди,  
Сахро Қайсадан, Тоҳиридан айтсин дарё.

Асл ошиқ муҳаббатни ташлаб кетмас,  
На гадолик, на шоҳликни талашмайди.  
Күнглим, сени ошиқ дедим, ошиқсан бас,  
Ошиқларга мағлублик ҳеч ярашмайди.

Ожизман деб айтма сира, ишққа суян,  
Зарра бўлса ўпид асра яшил ҳисни.  
Сенга олов ўт ярашар, гуриллаб ён,  
Сенга жуда ярашади Наврӯз ҳусни.

\* \* \*

Осмон ҳою ҳавасдир, шу заминга дўстмиз биз.  
Душманликка ҳоҳиш йўқ, сон минг-мингга  
дўстмиз биз.

Кўнгилда кўрап кўз бор, тилда оловдай сўз бор,  
Аёзда қақшаган жон – кўзи мунгта дўстмиз биз.

Зар тўн кийган ёлғонлар, қўл чўзганча қолганлар,  
Пойгакдаги хокисор росту чинга дўстмиз биз.

Дилдошга жон садоға, ишқдай хоқон садоға,  
Дегаймиз айт: кемтигу ҳар камингга дўстмиз биз.

Сўз сўраса кайвони, меҳробдир юрт айвони,  
Ватан саждагоҳ ўзинг, гил хокингга дўстмиз биз.

## *Мұхаббатдан яралғандир...*

Хокинг ўпіб нозик ниҳол күкка етди,  
Кам бұлмагай севганки дил тупроғингни.  
Даргоҳингнинг таърифи тұрт томон кетди,  
Сөхри баланд құллардаги қадоғингнинг.  
Манглайингни мубораклаб силар мезон,  
Мұхаббатдан яралғандир Үзбекистон.

Меҳмон кутиб яйраб кетар дастурхонинг,  
Олов күрса гуриллайди үчоқларинг.  
Кимга ҳавас, кимга ҳасад гулқұрғонинг,  
Гоҳо мұлжал ғийбатхұрга қучоқларинг.  
Асл гавқар лой, балчиқдан құрқан қачон,  
Мұхаббатдан яралғандир Үзбекистон.

Овоз берар авлиёлар үтган йүллар,  
Тош битикили қадамжолар сүзлагайдыр.  
Үйғоқ дилни яратғаннинг үзи құллар,  
Озодлигин асраган эл түзмагайдыр.  
Синовларда синмайдиган сара султон,  
Мұхаббатдан яралғандир Үзбекистон.

\* \* \*

Ватан дедим – юрагимга боғлар үрнашди,  
Иzlаримдан эркаланиб баҳор эргашди.  
Хуш күринди жүмард үғлон сингари дашти,  
Хайратгир күз ила қучарман.

Абру найсон үпган кокилларим хўл.  
Зангор далаларга тутащди ҳар йўл,  
Насибангмиз дея гувранди ўнг-сўл,  
Гул косада шабнам ичарман.

Баъзан нимжон ялпиз, баъзан улкан тоф,  
Баъзан онам бўлиб меҳрли қучоқ,

Сидирасан кўнгил руҳимдан чарчоқ,  
Яланѓоёқ тупроқ кечарман.

Отамдан қолганим таборагимсан,  
Боламга топширар мулк-керагимсан,  
Хурлиги ярашган муборагимсан,  
Севгимдан сарполар бичарман.

### *Ўзбекистон, бугун янисан*

Тонгларингга чулғанди хос ҳурлик оҳанги,  
Юзларингдан ювилди рост тобелик чанги,  
Дунё сени таниб лолдир, эй Ўзбекистон,  
Бугун янги, сарвдай қадду коматинг янги.

Дўст бўлай деб меҳмон келар эшигингдан,  
Бу яхшилик, эзгуликка эшлигингдан,  
Ўргилайн улуғларга хешлигингдан,  
Ўзбекистон, қўлга келган омадинг янги.

Эгасиздай мунгли ётган обидалар  
Қад ростлади, бугун обрў тоғидалар,  
Авлодларинг илму ҳунар чоғидалар,  
Қайта топган, тикланган шавкатинг янги.

Она тилинг янграб баланд минбарлардан,  
Ҳуснихатинг янги зеру забарлардан,  
Қўшиқларинг қаноти оқ укпарлардан,  
Парвоз этар – Ўзбекистон, санъатинг янги.

Жаҳон айвонида моҳ тальятинг янги,  
Қайта топган, тикланган шавкатинг янги,  
Ўзбекистон, қўлга қўнган омадинг янги,  
Бугун янги, сарвдай қадду коматинг янги.

## *Она тилим*

Қанча түзон, чанғ-тупроқни ютдим, тилем,  
Соқовланиб күқдан нима кутдим, тилем?  
Юксалиш деб мухожирча чулдираб мен,  
Тик қаддингни мунғайтириб ўтдим, тилем.

Кошғарийнинг девонида шамс, ой эдинг,  
“Хамса” ичра дунё кезган чирой эдинг,  
Тахлам-тахлам луғатларда энг бой эдинг,  
Нотавондай тотинг билмай кетдим, тилем.

Сенга содиқ бобом қувғин бўлган йиллар,  
Кесак бўлди қўрқув қучган неча диллар,  
Сен янграган китобларни кўмди кимлар,  
Инграсанг сен, ўзни гаранг этдим, тилем.

Улканликдан кун-кун бўла бордим майда,  
Сенсиз ахир иззат қайда, ҳурмат қайда,  
Исмим йўқдир ё “издраст”, ё “гудбай”да,  
Боши бекик бир кўчага етдим, тилем.

Мустабидлик не, Ҳурлик не мендан сўра,  
Бугун ҳурман, ўзим беку ўзим тўра.  
Энди ғурур гулшанимни босмас шўра,  
Онамсан-ку, бўлмагайман етим, тилем.

Дунё кезиб юрар, лаҳжам маним гўзал,  
Лол қоларлар Навоийдан айтсам ғазал,  
Бу малоҳат, бу чирой-ку азал-азал,  
Бир шукронам мен аслимга қайтдим, тилем.

Хуррият деб айтма күп,  
 Асрагин күпроқ уни.  
 Этмасин арzon гаров  
 Нокасу олчоқ уни.  
 Келмаган осонга эрк,  
 Қанча жон бўлган фидо.  
 Ким элим, эрким деган  
 Кўркитмаган сиртмоқ уни.  
 Сен-да юрт, юртим десанг  
 Айла ўзни жонсарак.  
 Хобу гафлат илкига  
 Бермагин ҳар чоқ уни.  
 Яkkадир кўкда худо,  
 Яkkадир ерда Ватан.  
 Жуфти йўқдир иккисин –  
 Англа албат тоқ уни.  
 Мустақиллик бил Ватаннинг  
 Кўркию хушрўйлиги,  
 Қолдириб севмаслара  
 Этмагин чўлтоқ уни.  
 Хуррият кетса агар  
 Ўрнига қуллик келур,  
 Қулни ким иззатлагай,  
 Ким дегай ўртоқ уни.  
 Ўзбек жаҳон айвонида  
 Борлиги хурлик сабаб –  
 Ким танир туғ тутмаса,  
 Тутмаса байроқ уни.

### *Соҳибқирон Амир Телумурга*

Авлиёлар босган тупроқ азиз дерлар,  
 Қат-қатидан чиқаверар экан сирлар,  
 Ҳар тупроқдан ҳар кун ўтмас ахир пирлар,  
 Кўкрагимни ҳайрат тиклар, Темур бобо.

Менинг сизни танимаган даврим юм-юм  
Йиғлар, сездим күзларига тұлғандек кум,  
Унда үзим үзимга ҳам ёт, номаълум,  
Танимадим кимман, отим недур, бобо.

Қарам йиллар қақшамадик десам ёлғон,  
Кунлар бўлди ер қаттиғу йироқ осмон,  
Қора терлар тўка-тўка ичдик ёвғон,  
Бу аламлар дилга тиғдек ботур, бобо.

Қодирийни үшал алам йиғлатди-да,  
Үшал алам Чўлпонларни чўғлатди-да,  
Эл таниди сийратни-да, сувратни-да,  
Туёқлари қон тулпорлар мағрур, бобо.

Туркий тупроқ сиздан ўтган туркий элга,  
Бойлангандир сиздан қолган қийик белга,  
Эрким деган қанча эрлар кетди селга,  
Кўкраклардан кетмади лек бир нур, бобо.

Дунё билар, меҳнатсиз бир дамимиз йўқ,  
Эркинликдан баландроқ бир ғамимиз йўқ,  
Эшитсинлар, ҳеч кимсадан камимиз йўқ,  
Сиздан қолган зурёдмиз мард, ёвқур, бобо.

Сиз тузган ул тузукларни ўқиб кун-кун,  
Тикланармиз, ечимларин топгай тугун,  
Бўлмагаймиз ҳеч кимсага қарам, забун,  
Ўзбек бугун ўз-ўзини танур, бобо.

Авлиёлар алқаган Эл эмиш аъло,  
Сўзи бутун, тиззаси тик, кўкси само,  
Музafferлик кўриб ўтган бир авлиё –  
Ўзингизсиз Соҳибқирон Темур бобо.

Ҳар тупроқдан ўтавермас ҳар кун пирлар...

## Жүръатинідан бер, бойчечак

Музни ёриб,  
корни суреб  
каттиқ ерни туртди бойчечак,  
Faflatларга қарши юриб  
Уйғоққа құз тутди бойчечак.  
Журъатингга тан берди-ёв,  
митти гулим,  
Иложсиз қиши үйғамсираб  
кетди, гулим.  
Чапак чалди қалдирғочлар,  
Гул ёпинди қок оғочлар,  
Олисдаги турналарга  
бу хушхабар етди, гулим.  
Ү... журъати зулматларга  
чироқ, гулим,  
Сенчамасман ишқ берганда  
фироқ, гулим,  
Баъзан ношуд, нотавонман,  
ҳасраткашман,  
Топгандайман сенга боқиб  
сабоқ, гулим.  
Тириклик бу, ҳақ тарозу бузилгай гоҳ  
Дил эзилиб ноҳақлиқдан  
панд ҳам ейман,  
Менинг каби нотавонлар чекканда ох,  
Бойчечагим,  
журъатингдан берсанг дейман.

## *Пасқин*

Келган дарду ғамга синмасман,  
Үтар, бари үтади ҳали.  
Мағлубман дейишига күнмасман,  
Хуш кунларим кутади ҳали.

Тиғлар ботар юрагимга goх,  
Дўст тош отар курагимга goх.  
Ранги рўйи олинди деманг,  
Лолаланиб кетади ҳали.

Маломатлар ёғди – чидадим,  
Сабр гулин узок ҳидладим.  
Титроқларни тиздан қувишга  
Бардошларим етади ҳали.

Лабларимни қимтирман қаттиқ,  
Киприкларим нам кўрмас ортиқ.  
Ёлғонларнинг қийшиқ қўллари  
Ҳайрон ёқа тутади ҳали.

Суянганман ягона Ҳакқа,  
Шеър айтаман онамдай халқقا.  
Дунё шатранж. Дили улуғлар  
Бедилларни ютади ҳали.

Кимdir терлаб қазиган чоҳни  
Кўмдим тортиб тоза тупроқни.  
Гуллар экдим тўрт туп, оламни  
Ифорлари тутади ҳали.

2011

\* \* \*

Хабар кутиб толган нигоҳларимдан  
Тўкилмасдан туриб охор, севгилим.  
Бутунлик қизғонмай қўнгли яrimдан  
Баҳор бўлиб келинг, баҳор, севгилим.

Биттагина дилга минг оғриқ нечун?  
Мунгли кўравериб зерикди очун.  
Кун кўришим эмас, яшашим учун  
Баҳор бўлиб келинг, баҳор, севгилим.

Муз күмган бойчечак янглиғ йўқ эдим,  
Ғийбат милтиғлари отди, ўқ едим,  
Қақшатқич тунларда эртак тўқидим,  
Баҳор бўлиб келинг, баҳор, севгилим.

Гулимсан, музлардан қизғонаман, денг,  
Дилимсан, ишқингда уйғонаман денг,  
Ҳайратлардан дунё бўлиб кетсин кенг,  
Баҳор бўлиб келинг, баҳор, севгилим.

Кўқдан тушсин гўё илоҳий тилсим,  
Субҳимни шамоллар эркалаб елсин,  
Тангрим борлигини рақиблар билсин,  
Баҳор бўлиб келинг, баҳор, севгилим.

2012

### *Кўнглингизда бир не борлиди....*

Кўнглингизда бир не бормиди  
Мен умримни беришга лойиқ.  
Хаёлдаги атиргул ҳиди,  
Орзудаги чироқдай ёник.

Дилизорим дея атасам,  
Борми тоза ишққа зорингиз.  
Изингизга жоним қадасам  
Кўтарарми эътиборингиз.

Сезармисиз, мен бир гул, майса,  
Шабнамимда кулган қуёш бор.  
Кўнглингизда борми бир нарса,  
Мен умримни айласам нисор.

## *Пиляқ*

Күзларимдан кетмас сувратинг,  
Савол сачтар киприкларингдан.  
Бунча кийнаб нени сўрадинг,  
Қолдим азоб кўприкларида.

Сен сўрайвер, айтаман бошдан –  
То тирноғим қадар ишқ эди.  
Ёндим ўзим ёқсан оташда,  
Кунларимни армонлар еди.

Барглар ҳижжа-ҳижжа ўқиган  
Ёмгир бўлди ҳар битта оҳим.  
Ўз-ўзига эртак тўқиган  
Девонага айландим чоғи.

“Бир бор экан, бир йўқ экан”лаб,  
Йўқликларга отдим боримни.  
Сенсиз келган баҳтларни ҳайдаб,  
Тумор қилиб тақдим оримни.

Худойимдан йиглаб сўрадим,  
Фолиб чиқсин ёлғондан чинлар.  
Менинг ишқдан бино сувратим  
Кўзларингдан макон топсинлар.

\* \* \*

Осмон яқин.  
Етиш мумкин арши аълога.  
Ер қаттиқмас,  
Ўпиш мумкин илдизларни ҳам.  
Шукур қилиб Тангри таолога,  
Санаш мумкин ўзингни бегам.

Ўзингни ишонтири,  
Ишонсанг бўлди.  
Кучлиман де тушкун қунларга.  
Изтироб лашкари бир-бир ўлади,  
Ўзни англатолсанг қаро тунларга.

Ҳали ишқ бор. Ҳали ишонч бор,  
Яшаса бўлади, қушдай қанотлан.  
Йўлакларнинг бари эмас тор,  
Кентлик излаб курашга отлан.

Бас, йиғлама, осмон йироқмас,  
Бас, чидагин, қаттиқмас замин.  
Сен ўзингни ишонтиранг бас,  
Тўлдирасан дунёниг камин.

\* \* \*

Ҳувиллаган боғлар чирой топарлар,  
Орзудан тикланган сарой топарлар,  
Чечаклар суюнчи сўраб чопарлар,  
Сўзимиз муҳаббат садоси бўлсин.

Ой тўлар, юлдузлар милтиллаб ёнар,  
Ғафлатлар чекинар, ҳислар уйғонар,  
Ҳайрат ҳадя бўлар, туйғу тўлғонар,  
Куйимиз муҳаббат навоси бўлсин.

Чорласак шеър ўқиб келади Машраб,  
Суҳбатлар куармиз кўзимиз ёшлаб,  
Бизни олам танир бир нигоҳ ташлаб,  
Кўнглимиз муҳаббат гадоси бўлсин.

Гул билан кўришсак гулмоҳ бўлади,  
Еллар изимиздан ҳамроҳ бўлади,  
Пушти бодомзорлар гувоҳ бўлади,  
Умrimiz муҳаббат фидоси бўлсин.

\* \* \*

Учрашмадик, орзуимда бор бўлдингиз,  
Куюкларим куй бўлдилар – тор бўлдингиз,  
Кабутарлар қайтаверди хабар, хатсиз,  
Кипригимга армон тутган ёр бўлдингиз.

Билмассиз ҳам олисдаги зор кулбани,  
Ёнарини – сиз деганинг жону тани,  
Мухаббатнинг гуллар тутган фасли қани,  
Чорлай десам уним ютган ор бўлдингиз.

Юрагимнинг боғлари бор, даштлари бор,  
Жаннатдаги ҳурлар воқиф гаштлари бор.  
Тифи ўткир согинчлари, раشكлари бор,  
Машраб дилни англамаган дор бўлдингиз.

Юлдуз тинглаб, тун тушунди айтаримни,  
Япроқларга ҳадя қилдим қайдларимни,  
Ҳофиз бўлди ўқиганлар байтларимни,  
Бунча гумроҳ. Бунчаям ночор бўлдингиз.

\* \* \*

Васли шаъмдин зора биз тарафлар яракласа,  
Ул ой чехра жилмайиб садафлар яракласа.

Бу онлар таборак деб, кўнгилга муборак деб,  
Хушбўй жамбил, райхонлар – саф-сафлар яракласа.

Абри найсондан жами гардлар кетиб, тошлар ҳам  
Айтишиб тозаришга шарафлар, яракласа.

Соч силкиб эркаланган малакмиди чечаклар,  
Хижолат чекар энди алафлар яракласа.

Мен ўзимни истаклар ижобатидин топгум,  
Битикларимдин элга бир нафлар яракласа.

Кўнглим менинг муҳаббатга, ишққа ташна,  
Гоҳ Мажнунга, гоҳ Машрабга дўсту ошна.

Ошиқларнинг суйганидир дилдор васли,  
Дилдорларнинг суйганими ноз-карашма.

Хиёнатга кўл берганлар бедиллардир,  
Кўнглим, вафо йўлларидан сен адашма.

Кимдир риё тутар, яна кимдир кибр,  
Сен ифор тут, атиргулдай очил, яшна.

Гўзалроқдир тозаргани сайин дунё,  
Яшай олсак бўлиб шоядки сарчашма.

### *Юракларда муҳаббат бор*

Шунчаки кун кўриш йўқ, яшармиз биз  
Ортимиизда излар қолар беғубор.  
Тилим-тилим атиргулга ўхшармиз биз,  
Юракларда муҳаббат бор, севги бор.

Чеҳрамизни ой ўпади оқшомлар,  
Кўксимиздан жой топади пайғомлар,  
Ўтдай қўшиқ ҳадя қилар илҳомлар,  
Юракларда муҳаббат бор, севги бор.

Аждарҳолар эртагидан чиқмайди,  
Товон тишлаб ер тагидан чиқмайди,  
Дўст деганинг чоҳлар қазиб тиқмайди,  
Юракларда муҳаббат бор, севги бор.

Руҳи шодон азизу авлиёлар,  
Дарчамииздан сочиб ўтар зиёлар,  
Адашганин англар кеку риёлар,  
Юракларда муҳаббат бор, севги бор.

Бемаконлиғ ичра ҳасад ўлади,  
Малхам ёғиб кемтиқ кўнгил тўлади,  
Замиранинг айтганлари бўлади,  
Юракларда муҳаббат бор, севги бор.

## *Қароғим ёшлари дарё яратди*

Қароғим ёшлари дарё яратди,  
Бу дарё сув тутди чанқоғингизга.  
Адашган бир куним Сизга қаратди,  
Гўзал фаслларим баҳш этдим сизга.

Кўнгил нима, нима у – орзу,  
Феълингиз келганда бари йўқ нарса.  
Бу лаҳза залворин қайси тарозу  
Ўлчаб берарикин руҳим ёлборса.

Феълингиз келган кун...  
Овозим тинди,  
Ёпиндим дунёнинг кир болишини.  
Айтинг, яна қанча кутайин энди  
Феълингиз келмаган кун келишини.

\* \* \*

Минг тўсиқдан қайтмаган  
Аҳдингиз бўлсам эди.  
Асраган, йўқотмаган  
Нақдингиз бўлсам эди.

Учар тулпор ярашган,  
Кўрганнинг ақли шошган,  
Бир қадам Анжон, Тошкан,  
Шаҳдингиз бўлсам эди.

Орзуланган ойдаги,  
Ишқ деган саройдаги

Үн саккиз чиройдаги  
Тахтингиз бўлсам эди.

Жилғага айланиб қор,  
Куйлаб келарди баҳор.  
Мұхаббатга жон нисор,  
Бахтингиз бўлсам эди.

\* \* \*

Севаман деб айтманг,  
Энди бас, етар,  
Ишонч тоғларининг бари қулади.  
Тилим соқов менинг,  
Кулоқларим кар,  
Сиздан хиёнатнинг бўйи келади.

Сизга шунча енгил.  
Сизга кўп осон,  
Макр – тўрвангизни тўлдирган имкон.  
Менинг тўрвамдаги аттанг, пушаймон  
Гул деган кўксимни қонга белади.  
Азоблар қийнайди кўзин қилиб лўқ,  
Олдда девор баланд, ортимда йўл йўқ.  
Рухимни яралаб қадалган минг ўқ,  
Сиздан топган мингта болам бўлади.

Сўзламанг,  
Сабрнинг косаси лим-лим,  
Соддалигим топди энг гўзал ўлим.  
Ошиқлик – СИЗ бўлса...  
Ишқсизман...  
Кўнглим  
Ўзини кесак деб эълон қилади.

\* \* \*

Сиздан кетолмайман, изимни кутмас  
На бир ўзга дашту на ўзга чаман.  
Кунларим муруват тутмаса тутмас,  
Мен сизни “суюман”.  
Кўксимдаги хушбўй орзуни янчиб,  
Янчиғига ўзим сассиз куяман.  
Миннатлар емирган юрагим санчиб  
Мен сизни “суюман”.  
Маломат ҳар куни минг бор ўлдирап,  
Ўлишни ҳам ҳавас қилмай қўяман.  
Қароғим ичиди кўз ёш милдирап –  
Мен сизни “суюман”.  
Икрор ҳамон менда Сизга келгунча,  
Ўзни адашмаган жонга йўяман.  
Сиз шунча яххисиз, улуғсиз шунча...  
Мен сизни “суюман”.

\* \* \*

Топинганим сиз бўлдингиз  
Ишққа ўраб жоним тутдим.  
Қароқларим менинг денгиз,  
Томчи-томчи қоним тутдим.

Хаёлингиз дилга яқин,  
Дийдорингиз баланд экан.  
Баландликка бордим чиқиб,  
Товонимда мингта тикан.

Тиконларни инграб тортдим,  
Харсанглар қип-қизил бўлди.  
Севги завқ деб кимлар айтди,  
Ё ёлғон, ё ҳазил бўлди.

Боравердим ўзни чўғлаб,  
Қаттиқ билдим қасамларни.

Дардим айтдим ўпид, йиглаб  
Хаçратдошдек харсангларни.

Дунё шундай нобакорми,  
Йиглаб етсам дийдорлар муз.  
Кетган фасл гулбаҳорми,  
Кўзим ўйди изгирин, куз.

Жон ўралган ишқим мана,  
Тўловимми, қарзиммикан.  
Муз дийдору бедил тана  
Тўловимга арзирмикан.

### *Ҷўлларида Қуйлаёттирман*

Билмам қачон сезмай ўзим ҳам,  
Кўнгил бердим қоши ёлиққа.  
Дил дунёмни баҳш этганим дам,  
Гард тиланиб тўтиёлиққа –  
Йўлларида куйлаёттирман.

Дарвеш хаёл учун осмон кенг,  
Менман кушдан, булутдан ўзган.  
Ўт-оловим күёшларга тенг,  
Севдим деган ёнишнинг тўзган –  
Кулларида куйлаёттирман.

Бўзловидир гирялар билсам,  
Рўшноликсиз ранги сомоннинг.  
Кўнгли бўшми булутларнинг ҳам,  
Охим етди чофи – осмоннинг  
Селларида куйлаёттирман.

Озорларни мен тортарман, бас,  
Худо ёри бўлсин ёлғизнинг.  
Тошдилларга кўкламий нафас

Илингим бор – янги ялпизнинг  
Тилларида куйлаётирман.

\* \* \*

Бир дийдор бор кўзларимнинг қорасида,  
Адашгани қўймас мени муҳаббатдан.  
Яшаяпман икки ўтнинг орасида  
Малҳам топиб ишқ дунёси тутган хатдан.

Тўкиламан ялпизларнинг тушларига,  
Юзларимни ювган шабнам ифор исли.  
Хаёлдайин чексиз осмон қушларига  
Тухфа қилиб соғинчларим берган ҳисни.

Бахтдан баланд туюлади аччик дардим,  
Хур ёдларга саркашланиб тикиламан.  
Учиб келган эдим ахир мен аршлардан,  
Наҳот энди хижронжарга йикиласман.

Битта сўрок, битта истак жондир бу пайт  
Яшаш учун сўнгсиз севги дарасида.  
Умидларга имкон бергин, ростини айт,  
Дийдорманми мен ҳам кўзинг қорасида.

Яшармисан сен ҳам олов орасида...

\* \* \*

Ҳамал кулиб, қалдирғочлар пастлаб учса,  
Сувратингиз тиклайверар хаёлларим.  
Бахтли жуфтлар тоғдан лола териб тушса,  
Майсадаги шабнам бўлар саволларим.  
Ким билиб, ким билмас менинг озоримни,  
Тополмасман сиздан кўнгил узоримни.

Дунё нурсиз тортар лабзи арzonлардан,  
Қанотлари синиб тушар орзуларнинг.  
Ёлғизликка туғ ясарман тўзғин пардан,  
Тифи ортар согинч деган дардисарнинг.  
Арzonларга алишмасман дил зоримни,  
Тополмасман сиздан кўнгил узоримни.

Дараҳт шоҳи тебранса гар мева эмас,  
Фийбатчилар турфа тусда тўкилади.  
Маломатлар бошим узра айланар, бас,  
Қандоқ баҳт у сиздан айро тикилади.  
Ўшал баҳтга кўрсатарман мозоримни,  
Тополмасман сиздан кўнгил узоримни.

Кимлар учун ёр танлаган қари қизман,  
Малҳам топмай кетди қанча баҳор, ёзлар.  
Асли кутиб зерикмаган пари қизман,  
Сизни тўсди нози кўпу ишқи озлар.  
Билмассиз ҳам балки менинг йўқ-боримни,  
Мен топмасман сиздан кўнгил узоримни.

\* \* \*

Бор эдим,  
Борлигим сезмай ўтдингиз,  
Истак гулшанларим кезмай ўтдингиз.  
Қор қувиб, тош ёрган бойчечак бўлдим,  
Аёз урган юмуқ кўздай ўтдингиз.  
Икки дунём биру сиз бирмидингиз,  
Асли баланд ишқقا арзирмидингиз.

Муҳаббатдан бўлак дардим йўқ эди,  
Дилим олов эди, дилим чўғ эди,  
Кимга сара бўлдим. Кимга масхара,  
Кўзимни ҳижжалаб куёш ўқиди.  
Сиз офтоб етмаган қасрмидингиз,  
Асли баланд ишқقا арзирмидингиз.

Кўклам ҳамалларин менга илинди,  
Еллар таскин тутди, билдим, билинди,  
На хабар, на ҳайрат топдингиз ундан,  
Ғунчалар аттанг деб қат-қат тилинди.  
Ифорбахш бир гулга жабрмидингиз,  
Асли баланд ишққа арзирмидингиз.

Орзуда қолдирдим манглай тоғимни,  
Оққа осон бердим қора сочимни.  
Кет энди, кўкламлар тугади дея,  
Қайтмасга кузатдим қалдиргочимни.  
Худонинг саноқдан карзими дингиз,  
Асли баланд ишққа арзирмидингиз.

\* \* \*

Ҳайрат менинг тилларимни куйдирди,  
Хонишлар кўмак берсин.  
Изтироблар кўйлагини кийдирди,  
Болишлар кўмак берсин.

Кўксим билан гул тиконга осилдим,  
Юрагимга аждарий чўғ босилди,  
Оловликка, гулханликка хос бўлдим,  
Ёнишлар кўмак берсин.

Хабар топдим куюклар дафтаридан,  
Паноҳ йўқдир на зўри, на заридан,  
Заифликнинг, ожизликнинг баридан  
Тонишлар кўмак берсин.

Васл қайда, куйдирмажон кўз қайда,  
Ғамдан бўлак ошиққа ризқ-рўз қайда,  
Мұҳаббат бу, Замирага сўз қайда,  
Донишлар кўмак берсин.

\* \* \*

Эртаклар сўзлаган аждардин, девдин  
Мағлуб бўлмайдиган ботирим девдим.  
Худди эртакдаги санамдай севдим,  
Алам-а, парвойи фалак бўлдингиз.

Ўсмалар ҳол сўраб оқди қошимдан,  
Дарёлар туғилди кўзда ёшимдан,  
Кимлар сув ўгириб ичган бошимдан  
Маломатлар тўккан чеълак бўлдингиз.

Баъзан рухим чўкиб қулади жарга,  
Сиғмай қолдим гўё кенг оламларга,  
Зўрга оғдингизми ва ёки зарга,  
Айтинг, кимга жони ҳалак бўлдингиз.

Хизр таёқ уриб очиб берсин фол,  
Ишқ менга малолми, мен ишққа малол,  
Юзим ювай десам сув борми зилол,  
Манглайимдан оққан намак бўлдингиз.

\* \* \*

Тасодиф учрашдик.  
“Бироз қол” дединг...  
Нигоҳинг шу қадар эди ялинчоқ.  
Қололмадим, ахир қололмас эдим,  
Биз икки йўл эдик, иккита қирғоқ.

Шу-шу ёдим безаб ялинчоқ нигоҳ  
Бир лаҳза кетмади хаёлларимдан.  
Тунларим зерикди чекавериб оҳ  
“Нега? Нечун?” деган саволларимдан.

Қадрдоним бўлди ўша нигоҳинг,  
Куйлатиб яшади дилим – қумримни.

Соғ-омон бормисан, менинг паноҳим,  
Мен соғинчга бердим узун умримни...

## Ошиқлигил

Чилвир соchlар соясида ошиқлигим,  
Эгик қошлар орасида ошиқлигим.  
Атиргулга хумор боққан, дилим ёққан  
Сузук күзлар қорасида ошиқлигим.  
У файласуф Машрабга хеш, күнгли дарвеш,  
Битгай ғазал, ҳам қасида ошиқлигим.  
Хижрон юки бунча оғир, кифтлар оғрир,  
Толдим деган норасида ошиқлигим.  
Эй Замира, нома юбор – англасин ёр,  
Васли дардлар чорасида ошиқлигим.

\* \* \*

Хуш сўзингиз йўқолиб қолди,  
Излаб нақ дарвешга ўхшадим.  
Нигоҳларим жим нолиб толди,  
Мен сиз билан сизсиз яшадим.

Мехрингизни йўқотдим қачон,  
Билмадингиз унга ташнайдим.  
Хиёнатлар адаштирган жон –  
Мен сиз билан сизсиз яшадим.

Диллардаги хуснми, ҳиммат,  
Хуснингизни бир чашма дедим.  
Тополмадим бир гуллик иззат,  
Мен сиз билан сизсиз яшадим.

Ўлмай юрдим, ўлардим лекин  
Уч ўғлону бир пари қизсиз.  
Манглайимни силадим секин,  
Мен сиз билан яшадим сизсиз.

\* \* \*

Сизга ёзган хатларим узун,  
Сатрларда соғинчим хусн.  
Фақат улар сизга етмайди,  
Кабутарлар олиб кетмайди.

Сизга айтар сирларим қўшик,  
Тинглаганлар куюқ дил ошиқ.  
Фақат улар сизга етмайди,  
Овозларим ошкор этмайди.

Сизга айтар дил розим гулдир,  
Қатларида мушк-анбар мўлдир.  
Фақат улар сизга етмайди,  
Еллар мағрур, олиб кетмайди.

Исмингизни айтсан йигидир,  
Бу йигилар ишқнинг чўғидир.  
Фақат бу тафт сизга етмайди,  
Замирадан ғурур кетмайди.

Сизга ёзган хатларим узун,  
Кабутарлар олиб кетмайди...

\* \* \*

Қалдирғочлар пастлаб учди,  
Бодомзорлар гули пушти.  
Боғ айланган сулув қизга  
Бир қарашибда қўнглим тушди.  
Сулув сочи қора, узун,  
Унинг ёри бўлай ўзим.

Ариқларда сув тошадир,  
Қирғоклари бинафшадир.  
Челак олиб сувга чикқан,  
Қайрилма қош қиз ўшадир.

Воҳ ўсмаси кошга ҳусн,  
Унинг ёри бўлай ўзим.

Баҳор бағри гул бўлди-я,  
Менинг дардим мўл бўлди-я,  
Сулув қизнинг дарвозаси  
Совчиларга йўл бўлди-я.  
Ўшал йўлда қолди кўзим,  
Суловга ёр бўлай ўзим.

### *Атиргулими*

Бир олам баҳор тутди  
Бир онинг, атиргулим.  
Сен энг зўр гул, не бўпти  
Тиконинг, атиргулим.

Ўргилай ол юзингдан,  
Юрсам арзир изингдан.  
Ошиқ тўла, ишқ тўла  
Маконинг, атиргулим.

Қат-қат сенинг гул баргинг,  
Қат-қат менинг дил дардим,  
Дардлашайлик, мен сенинг  
Гирёнинг, атиргулим.

Титрак томчинг кўз ёшми,  
Суйганинг бағритошми?  
Қийноқдами мен каби  
Кирқ жонинг, атиргулим.

Шамолмиди у? Таниб  
Салом тутдинг тебраниб.  
Ифорингга арзирми  
Кутгонинг, атиргулим.

Сохта ошиқ узмасин,  
Аттанг ичра түзма сен.  
\* Замирадек куйдирма  
Имконинг, атиргулим.

Сен энг зўр гул, не бўпти  
Тиконинг, атиргулим.

\* \* \*

Тизгинини тутқазмайди хаёлларим,  
Сиз томонга кетаверар шундоқ... дайди.  
Унда сиз ҳам кўз ёш тўқмай йифлайсиз жим,  
Менсиз кунлар кўнглингизни тополмайди.

Ул сулувнинг қуюқ сочи дарпардадир,  
Аммо истак кўзин сира ёполнайди.  
Мұхаббатнинг шарҳи мингта ечимсиз сир,  
Менсиз кунлар кўнглингизни тополмайди.

Ўтар секин, ўтаверар кунлар базур,  
Оёғига дард илашган, чополмайди.  
Овунай деб ичилган жом шунга талх-шўр,  
Менсиз кунлар кўнглингизни тополмайди.

Кимда гуноҳ, кимда узр...  
фойдаси йўқ...  
Кулаб бўлди аллақачон сайёд сайди.  
Илитмас ҳам совуққотган юракни чўт,  
Менсиз кунлар кўнглингизни тополмайди...

\* \* \*

Бизга биргаликни ёзмади такдир,  
Дарвозангиз билан кесишмас йўлман.  
Сир бой бермагандек мағрур, барибир  
Сизни унутолмай юрган кўнгилман.

Үзим сезмай үзга дилни ёқдимми,  
Харқалай ардоқда очилган гулман.  
Саждагоҳ билсам-да қўргон-тахтимни,  
Сизни унутолмай юрган кўнгилман.

Тушингизга баъзан кирсам ҳам керак,  
Гоҳ настарин бўлиб, гоҳ хури ғилмон.  
Ҳар ҳолда мухаббат ютидан дарак –  
Сизни унутолмай юрган кўнгилман.

\* \* \*

Муҳаббатдан сўз очсанг,  
Ловуллаган чўғ келғай.  
Саловати кўп кўнгил,  
Қақшамаган руҳ келгай.

Гўзалликдан тож илиб,  
Ранг-чиройи очилиб,  
Мушк-анбарлар сочилиб,  
Гулзорлар ёвуқ келгай.

Мерос бўлиб Ҳазратдан,  
Сехр сочиб қат-қатдан,  
Келдим деб пок хилқатдан,  
Беш достон очиқ келгай.

Тан олинган гўзалдай,  
Они йилдан афзалдай,  
Куй-оҳанги асалдай.  
Бир мумтоз қўшиқ келгай.

Чангу ғуборин қоқиб,  
Малоиклардай боқиб,  
Жон-жонингта ўт ёқиб,  
Дунё кири йўқ келгай,  
Сўз очсанг Муҳаббатдан...

## *Бир-бировни сева билсак бас*

Бизни баҳтли қилар бу замин,  
Ишқ олами берәётир сас.  
Бутлармиз ҳам дунёнинг камин,  
Бир-бировни сева билсак, бас.

Хизр ҳадя қилган хислатлар  
Боис, мағзин берар ҳикматлар,  
Қўлимиздан ёгар ҳимматлар,  
Бир-бировни сева билсак, бас.

Хайр-хўш деб кетган фасл – қиши,  
Қалдиргочлар, турналар таниши,  
Кўнгилники ҳайратли ёниши,  
Бир-бировни сева билсак, бас.

Қолмагаймиз ғамдан йўқолиб,  
Мушкулликдан юрмасмиз нолиб,  
Ғолибдирмиз, баридан ғолиб,  
Бир-бировни сева билсак, бас.

Айтаримиз қўшиқ – омон ёр,  
Биз яхшимиз, йўқдир ёмон, ёр,  
Йўлларимиз жаннат томон, ёр,  
Бир-бировни сева билсак, бас.

\* \* \*

Унинг кўзи маъюс, карашмаси йўқ,  
Гарчи на йиглаган, на қовоқ уйган.  
Бир ҳовуч кул бўлган кўксидаги чўғ,  
У сиздан марҳамат кутиблар тўйган.

Ўқдай отилганда адашган сўзи,  
Сизни муҳаббат деб таниган кўзи,  
Хатога бож бўлди умрининг ўзи,  
Тошдил чеҳрангизни кўксига ўйган.

Хидоятлар кутди ишқа бериб қўл,  
Гулзорлар яратди ёқсан сари дўл.  
Билмас баҳтсизликми, баҳтмиди бу йўл –  
Ўзини аросат манглайга йўйган.

Йиғламайди деманг, йиғлайди, лекин  
Умидига артар кўз ёшин секин,  
Тиконлар тирнаган рух ажрин бир кун  
Кўрарпиз – у барин худога кўйган.

\* \* \*

Аразингиз бунча узоқ чўзилди, ёр,  
Айрилиқда юрак-бағрим эзилди, ёр.  
Куни туғди ғийбат талаб ағёрларнинг,  
Дунёнинг тош-тарозиси бузилди, ёр.

Ошиқ умрин тутиб турган синчи – ишқдир,  
Дилга туташ, жонга туташ бир қўшиқдир.  
Биз айрилдик. Бу не фоже демасдан бир  
Қошингизга қандоқ ўсма чизилди, ёр.

Торайгандек бўлди гўё кенг оламлар,  
Кўнгилники оламдаги бор аламлар.  
Кўз ёшларин гулга тўқди субҳи дамлар,  
Оқ қоғозга ёнар сўзлар тизилди, ёр.

Ёнар сўзлар етиб борса ёнасизми,  
Ё ҳалиям қўнглингиздан тонасизми,  
Бир гуноҳсиз тавба қилса қонасизми,  
Истагингиз саболардан сезилди, ёр.

Аразингиз бунча узоқ чўзилди, ёр...

## Жили-жили севган қиз бүлдик

Сор лочинлар учганда  
Хайратланган күз бүлдик,  
Дилни орзу күчганды  
Шархолмаган сүз бүлдик.

Эгик мажнунтолимиз,  
Юз ёпар рүмөлімиз,  
Ёр билмайды ҳолимиз,  
Йүл топмаган из бүлдик.

Севги йиғлар оху вох,  
Армонларга тун гувох...  
Фурурда ҳамма гунох,  
Букілмаган тиз бүлдик.

Ким сочди зар тангалар,  
Ёр-ёр айттар янгалар.  
Юрагини чангаллаб,  
Жим йиғлаган биз бүлдик.

Ниҳон севган қиз бүлдик...

\* \* \*

Хукмини ўтказар қаҳри қаттиқ қиши,  
Кундузлар қирқилган – қаро тун узун.  
Ухлаб зерикқунча күравергин туш,  
Ё бедор – майдалаб соғиниш учун.

Оёғинг совқотса, сила беозор,  
Хаёт бу – яшашим зарурдир деб айт.  
Офтоблари билади баҳор,  
Соғиниш ҳакида түқиб гүзал байт.

Унгача енгилиш, бу бўлмаған гап,  
Сенгача ҳам бунга ҳеч кўнмаганлар.  
Қандай яшадим дер,  
Кўрдингми ўйлаб,  
Кўкламини чорлаб соғинмаганлар.

\* \* \*

Сочимдаги оқقا салом бердим мен,  
Саломингни қизғонма сен, муҳаббат.  
Қучоғингдан эллик йил гул тердим мен,  
Бўй-жомингни қизғонма сен, муҳаббат.

Йифисиз дил истараси ўлган дашт,  
Оғриқ, азоб – ошиқликда буям гашт,  
Сенсиз кўнгил осмони йўқ – жарлик, паст,  
Пайғомингни қизғонма сен, муҳаббат.

Қақшатиб ҳеч зерикмаган қайсар ёр  
Исми менинг сочим узра ёққан қор,  
Илиқликка мендек интиқ қайда бор,  
Каломингни қизғонма сен, муҳаббат.

Суйгин мени, тош бағирни излаб топ,  
Ёрил тош де, ёриғига райxon ёп,  
Эллик бирнинг дуолари мустажоб,  
Эҳсонингни қизғонма сен, муҳаббат.

\* \* \*

Дилқўрғоним ағёрларга бермасман,  
Сайдим сизни – озорларга бермасман.  
Рашким менинг саратондай куйдиргич,  
Сизни ишқи бозорларга бермасман.

Излар кетар – дунёнинг томони кўп,  
Турфа йўлнинг яхшидан ёмони кўп.

Хато бирдир, анинг пушаймони кўп,  
Иқбол роҳин деворларга бермасман.

Сўз демасам сўзлаб қўяр кипригим,  
Тошдан бино бўлған вафо кўпригим,  
Сизлаганим – муҳаббати чўғлигим,  
Ялтираган муз, қорларга бермасман.

Ишим йўқдир рутубатда, риёда,  
Мард кўнгилга ишқим кун-кун зиёда,  
Мендай суйгич бор эканми дунёда,  
Менман деган дилдорлага бермасман.

### *Dунё*

Тушунмайман феълингга гоҳ,  
Келар менга малол, дунё.  
Этармисан ўзинг огоҳ,  
Кўзларимда савол, дунё.

Қара, ишқли кўнгил йиғлар,  
Ишончига санҷдинг тиғлар,  
Яйраб ётар ишқи йўқлар,  
Солиб бердинг похол, дунё.

Нодонингни қўйдинг алқаб,  
Дониш дилни ўтса топтаб.  
Сувга чўқдими ё одоб,  
Айт, бу қандай завол, дунё.

Айландингми кўру карга,  
Хотам бўлдинг тўймасларга.  
Сабрлини сурдинг жарга,  
Ваъдангми хом хаёл, дунё.

Қай бир қарғанг билмай ёниш,  
Булбулман деб қиласар хониши.

Олқишлишинг ўздан тониш,  
Чертганларинг сопол, дунё.

Ҳақ арқонинг узуқмиди,  
Тош-тарозинг бузуқмиди.  
Бир каминг рост ёзуқмиди,  
Гуноҳларга ҳаммол, дунё.

Сизлаб сүйдим, ҳеч иймадинг,  
Чопонингни ўнг киймадинг.  
Мен куйдим-у сен куймадинг,  
Феълинг афтодаҳол, дунё.

\* \* \*

Фожиа деб айтма – кун ўша-ўша,  
Тун ҳам ўша – ойи, юлдузи билан.  
Кузак кўнглинг каби маъсум бир гўша  
Мудраг боғларига тўшаб зар гилам.

Айланиб юрибди мезон тус жунун,  
Қара, дарахтзорлар севгига тўлди.  
Тўкилган дилингни асраромоқ учун  
Ўша бевафони унутсанг бўлди.

### *Чўли Проқ*

Чор тарафим кум эмас, илло,  
Зарра-зарра сочилган дардим.  
Улар шунча қадрдон, гўё  
Кўкрагимда минг йил кўтардим.

Товонларим куйиб боради,  
Куйиб борар аъзойи жоним.  
Сирдошгами, билмам зор эдим,  
Қароғимдан сизар забоним.

Чүли Ироқ... гул-райхон эмас,  
Ёңдан қумга жон берай дедим.  
Дардкашимдек бергунингча сас,  
Қайда эдим, қаёқда эдим.

Сахро ичра сочин ёяр мунг,  
Куёш бўлиб ловуллар фирок.  
Оралиқда йиглайдирман гунг,  
Тушунасан, сен Чўли Ироқ...

2002–2015

### *Қизлар севса аиар*

Азал ибо сўзлатмаган дил розин,  
Ўзларини кўкда ойдай сезарлар.  
Кўтарсалар нима бўпти қиз нозин,  
Қизлар севса жондан ортиқ севарлар.

Қалб қатига тахлаб-тахлаб дардини,  
Сурма этгай ёр ўтган йўл гардини.  
Йўлиқтирсин йигитларнинг мардини –  
Қизлар севса жондан ортиқ севарлар.

Даргоҳига ўзни поклаб тушса из,  
Ошиқликни билса олтиндан азиз,  
Ул азиздир, ул азиз, чиндан азиз,  
Қизлар севса жондан ортиқ севарлар.

Келма, дилни синдирма сен, хиёнат,  
Киприкка ёш қўндирма сен, хиёнат,  
Кўл силташга қўндирма сен, хиёнат,  
Қизлар севса жондан ортиқ севарлар.

# Жон риштаси

## Достон

Бу кутлуғ заминда юрту макон күп,  
Сұз кетса жаннатга қиёсдир бари.  
Қошларимга ўсма оқизган нилчүп,  
Қадим Андижоннинг “Эски шаҳар”и.

Кетсам илм истаб, ё сайёх янглиғ,  
Дунёнинг сарбаланд юртлари сари.  
Күзларимда турар мисли қорачиғ,  
Андижоннинг ўша “Эски шаҳар”и.

Ватан деб тұлиқсам, соғинсам қаттиқ,  
Туйғуларга тұлса күнгил дафтари.  
Әнг ҳайратгир шеъру достонга лойик,  
Мен-чун Андижоннинг “Эски шаҳар”и.

Тош, тупроғи азиз рўйи фариштам,  
Гиёхинг, гардингни танга жон билдим.  
Сен менинг жонимга бойланган риштам,  
Жоним риштасини бир достон қилдим...

Эски шаҳарнинг шундок марказидаги истарали бино үлкашунослик музейи, унга ёндош тарихий обида – Жоме мадраса масжиди эса шу кунда Андижон Адабиёт музейидир. Яна бир табаррук тарихий обида – “Арк ичи” – Жоменинг ўнг биқинидаги гавжум бозорга туташган. “Арк ичи” шу кунда Захириддин Мұхаммад Бобурнинг уй-музейи сифатида ҳар куни меҳмон кутади.

## *Жоме мадрасаси*

Йилларки яиратар ҳур тушлар билан  
Ўзи кўнгил қўйган тонгин – саҳарин.  
Тўлдиради пати нур қушлар билан,  
Қадим Андижоннинг “Эски шаҳар”ин.

Кунгура пештоқлар жаранг-сасидан  
Синоатлар силқир, сеҳрлар силқир.  
Ўқий олган кўзлар рўпарасида  
Эътиқоди бутун асрлар қалқир.

Махзун ўн олтинчи йил тўфонидан  
Қон сачраган рўмол теккан минора –  
Тиловат бағишлар жони-жонидан,  
Бир пора, уч пора, беш пора...

Ариқда оққани сув эмас, кўз ёш,  
Устунда балқиган дур эмас, юрак.  
Кулоғини тутиб энгашар қуёш.  
Тикилиб исмингни айтишинг керак.

Қирқ ҳужра қирқта арш – хаёл суради,  
(Кечанинг бугунга буюк инъоми)  
Қадим деворларга бобонг сувратин  
Нур қўллари билан чизади Жоме...

Дунё дунё бўлиб аҳли одамзод  
Ғазнани суйибдур, мулкни суйибдур.  
Бойлик топганида бўлиб хуррам, шод,  
Ногоҳ йўқотганда ёмон куйибдур.

Ғазналар асраган бойлик не, ўрток.  
Тушунсанг ножоиз фақат ганж, зарни.  
Ўша зардан баланд, ганждан қимматроқ  
Бойлик деб билар Эл азиз ёдларни.

Мозийгоҳ ҳам бойлик жамланган ғазна,  
Қадамжодек суйиб айлангин, күнгил.  
Үнда тиллога тенг битиклар озми...  
Ғуурлан, эгадор сайлангин, күнгил...

## *Музейда*

Ассалом, муҳтарам Кошғарый бобо,  
Яна келдим бунга сизни күргани.  
Туркий битикларга туркий тупроқда  
Сувратта боққандек боқиб тургани.

Ҳар нүкта битта тош,  
Ҳар чизик таёқ,  
Ҳозир вужудимга ёғилар азоб.  
Нигоҳим михланган, михланган оёқ,  
Энг зўр гуноҳимни англайман шу тоб.

Фарзанд мерос қилиб олган ҳар зарра  
Кулфату йўқликни тўсгувчи тоғмиш.  
О, хатти настаълик, умримга қара,  
Ожиз ўттиз беш йил сенингсиз оқмиш.

Хижолатман – илми олий деган ном  
Излаб кечган баҳор, кузларим учун.  
Сўз кетса Навоий аждодим, бобом,  
Деб қуруқ ҳайқирган сўзларим учун.

Кечиргил, муқаддас, сир тўла олам,  
Мен мағзинг чақолмай титраган ғамман.  
Минг битта ташвишли бошим эгик, ҳам,  
Ўзини жуда кеч топган одамман.

Қўлларим узанар.  
Етмас.  
(ойна бор)  
Ўқишига гумроҳлик тўсган кўзимни.

Кўлланг, назар қилинг, Кошғарий бобо,  
Хар ҳолда топдим-ку ўзим ўзимни.

\* \* \*

...Буюк тафаккурлар офтобларига  
Руҳингни исинтири, ойлангин, кўнгил.  
Таъзим эт боболар китобларига,  
Сатр-сатрига бойлангин, кўнгил...

### *Боболар Қитобларига*

Шунча кўп йўл босдинг,  
Ҳукми холиқнинг  
Забардаст минг йили  
Айланди сендан.  
Гоҳ оқсаб, гоҳ чопиб юрдинг,  
Тарихнинг  
Дарёси қон йўли  
Айланди сендан.  
Йўлчига фароғ кам,  
Ёғийлар бисёр,  
Нур тўла кўзингга  
Гоҳ кумлар тўлди.  
Бу дунёning  
Очкўз қашқирлари бор,  
Бир жонингга  
Ҳазор ҳужумлар бўлди.  
“Бир ҳалқнинг юзиман,  
омонатиман,  
ўлмоқ гуноҳ” дединг,  
Форлар асрари.  
Ваҳшийлашган кунлар  
Зулумотидан  
Кўксида  
Имони борлар асрари.  
Охир етиб келдинг

Остонамга, о...  
Сизлаб сүйишимни  
Пойладинг илҳақ.  
Мен-чи пайпасландим,  
Келолмадим, то  
Кўзим очилгунча,  
Бўлгунимча ХАЛК.

\* \* \*

Юрагимга менинг ўткир кўз берди,  
Кўриш берди китоблари асотирларнинг.  
Тупроқ кўравердим, эл кўравердим,  
Турфа ечимида қат-қат сирларнинг.

Баҳодирлар “ёҳу” деб кирган жанггоҳ,  
Тупроқни ўпганча совуган танлар.  
Оғир кишанларни уза олган ох,  
Очиқ кетган кўзда қолган ватанлар.

Муқаддас азоб не – ўргатди вазмин,  
Имонларга гувоҳ чўнг ёрилтошлар.  
Йиғлатиб сўйлади мухаббат шарҳин  
Кесилиб минорлар тиклаган бошлар.

Сарғиш сатрларни кўксимга ёпдим,  
Томиримга қўйдим ларзаларидан.  
Минг бор ҳазар қилмоқ баҳтини топдим,  
Ватан, эл демаган лаҳзаларимдан.

### *Арқ ичи*

Кетаверар йиллар, асрлар,  
“Арқ ичи”дан кетмайди соғинч.  
Деворларин нуратмай асрар,  
Умидлари чиримаган синч.

Тошларига суртсанг қўлингни,  
Кўш елкангга кўнар самандар.  
Буюк дардга боғлаб йўлингни,  
Хуржунини тўкар қаландар.

Кўз ёшингни ичиб, суяди  
Зиёратга келган шамоллар.  
Деворларга бошин қўяди  
“Самиоллоҳ” деганча толлар.

Ҳар устунга, ҳар битта тошга  
Томчи-томчи чирмашар соғинч.  
Ҳис қиласан яна юз ёшга  
Ёшаради девор ичра синч.

“Ғарибингга тараҳҳум айла”,  
Бу сас тушмас, излама таъбир.  
Улкан ишққа жонингни бойла,  
Сас берган зот Ҳазрати Бобур.

\* \* \*

Тоза дилга ўз бўлди,  
Тошдилга ўзга Бобур.  
Гоҳ тўкилиб, гоҳ тўлди,  
Қолди не сўзга Бобур.

Ворислик шул – шоҳ бўлди,  
Ҳақ йўлинда оҳ бўлди.  
Киргунча ўн иккидан  
Беш карра юзга Бобур.

Ҳикмат унинг қайдлари,  
Ашъорлари, байтлари.  
Маст этди мисли гулоб,  
Чалиб сибизға Бобур.

Сўз – яшнаган аланга,  
Тафт тарқалди оламга.  
Дарёлик тухфа этди  
Неча тош, музга Бобур.

Назмин кучди шашмақом,  
“Бобурнома” хуш калом.  
Ўйди сийрат, сувратин  
Мангулик изга Бобур.

“Дилбар шахс” дея зарҳал  
Сўз битди Жавоҳарлаъл.  
Ўзбакий новвот куйди  
Хиндий оғизга Бобур.

Хиндда подшоҳ – тик туғи,  
Лек руҳда соғинч чӯғи.  
О... Андижон... деб босди  
Манглайин тузга Бобур.

Кўнгил, ўзни ишқقا бур,  
Бўлсанг тоза, бўлсанг хур...  
Тиззалаб ўп, гардин сур  
Тўтиё кўзга Бобур.

Гумроҳликка чизик торт,  
Мудрок қавмни уйғот,  
Ўқи, ўрган, ёд ол, ёд,  
Илдиздир бизга Бобур.

# *Бобурнинг Андижондан чиқиши*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур  
уй-музейида шундай номланган суврат бор*

Видо деб титради туш таъбирлари,  
Аламдан тулпорлар тушов уздилар.  
Майсаси янчилиб юрт адирлари,  
Кучоғи қонталаш гуллар тўздилар.  
Андижон осмони бу дам қорадур,  
Тақдирини қарғаб Бобур борадур.

Еллар вазмин елиб кузатиб борди,  
Сайёхлар аламин англашди, ёраб.  
Исмини бир лаҳза унугти Водий,  
Видо қоплаб турган кўзларга қараб.  
Карахт кўқдан тушиб йиғлар тола нур,  
Дили йиғлаб борар ҳазрати Бобур.

Салтанат бу лаҳза қон урган таҳтдир,  
Суяниб йиғлади қўшикларига.  
Бўйларини чўзиб боқди дарахтлар,  
Изи узоқлаган ошиқларига.  
Яшил япроқларнинг бағри порадур,  
Шоир кўнгил ўқсиб-ўқсиб борадур.

Кушлар “чир-р” айланди, бўзлашди чоғи,  
Тушунмас овозга ўраб додини.  
Йўлларнинг минг карра ортди қийноғи,  
Тинғлаб нигоҳларнингжим фарёдини.  
“Ой боринг” – оқ дуо сўнгти чорадур,  
“Омон қайтмоқ борму?” – нидо борадур.

Зардоби кечмишли, зардоби савол,  
Бир диёр олдинда – Ҳиндистон отли.  
Буюк Ганг мавжлари очар бунда фол,  
“Бир ўғлон келади, мард, адолатли”.  
Не тонг ўғлон ғамдан тож илган Бобур,  
Насибаси Ҳиндга сочилган Бобур...

\* \* \*

“... Ўз юртни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин не юз қаролиқ бўлди.”

**Захириддин Бобур.**

“Ҳинд сорига юзланиш” дилни ўйган зангмиди,  
“Не юз қаролиқ” дейиш аламли аттангмиди,  
Ғазна тўла олтиндан азиз бўлибдур анга,  
Андижондан борган бир тилик қовуннинг ҳиди.

Бобурий байт қатидан ишқнинг сувратин топдим,  
Шоҳни мискин айлаган дардлар дастхатин топдим,  
Тупроққа соғинчли кўз оқизган аччиқ ёшдан  
Лой қориб тиккаланган девор ҳасратин топдим.

Топганим – муҳожирнинг рух кўзи кулмас эркан,  
Рухи кулмаган кўнгил ҳеч недан тўлмас эркан.  
Ватанини ҳақ севгиси янглиф севолган жонга,  
Ўз юртнинг ишқидек ишқ йўқ эркан, бўлмас эркан.

...Андижондурким Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас...

...Эли туркдур. Шахри ва бозорида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур...

“Бобурнома”дан.

## *Бобур мен...*

Юзимга сомонлик сочмишdir фироқ,  
Манглай ёзиғимни ўпмади чироқ.  
Сигинган мулкимдир бир сиқим тупроқ,  
Мени дили қонлар ичра излангиз,  
Топсангиз Андижон ҳақда сўзлангиз.

Жонимни қийнаган саргардон кунлар,  
Хобу тушларимни синдирган хунлар,  
Ечими Оллоҳга аён тугунлар –  
Ҳаққи, ёзмаларим ичра кезинг сиз,  
Биргина муродим – дардим сезинг сиз.

Яшил барг тиландим ҳар бир оғочдин,  
Рухият поклиги томон йўл очдим,  
Дардимни бурдалаб байтларга сочдим,  
Бурдаланган дардим етса бўзлангиз,  
Сиз менга Андижон ҳақда сўзлангиз.

Бу дунё армондир, бу дунё соғинч,  
Бу дунё изтироб, бу дунё илинж,  
Бобурий манглайга битмади севинч,  
Севинчим аршлардан тушса, сизлангиз,  
Сиз менга Андижон ҳақда сўзлангиз.

\* \* \*

Кўнгил бермай на шоҳлик, на шуҳрат, шонга,  
Жойладингиз Андижоннинг меҳрин жонга.  
Бобур бобо руҳингиздан кўмак сўраб,  
Андаккина таъриф айтдим Андижонга.

\* \* \*

Бунда ҳамма нозиктаъб, хушфеъл,  
Тоқ айтишмас киши отини.  
Боғларига бокқан қалб сезар  
Дараҳтларнинг салобатини.

Навбаҳорни маҳкам кучоқлаб,  
Кузаккача элтар адирлар.  
Ёмғир бўлиб ёғмоқни хоҳлаб,  
Осмонига чопар абрлар.

Майсаларга туташ ҳамма йўл  
Бир-бирига жуда ўхшайди.  
Йўллардаги ҳар ҳовлида гул,  
Райхонга ўч кўнгил яшайди.

Шамоллари мақтанса арзир,  
Ташигани фақат мушк-анбар.  
Бунда хушфеъл, пок бўлмоқ фарздир,  
Бешикдан то қабрга қадар.

## *Боболарили сенда туғилиб ўтди*

Боболарим сенда туғилиб ўтди,  
Манглайнинг шондан туғ илиб ўтди,  
Умрин ловуллаган чўғ билиб ўтди,  
Эгилдим, хокларинг кўзимга суртдим,  
Табарруксан онам сингари, юртим.

Ҳар барги зарварақ азим чинорлар,  
Ҳар нақши синоат бўлган минорлар  
Сўзласа куч топа бошлар баҳорлар,  
Қатра шабнам ичра қуёшлар кўрдим,  
Сени жоним дея атадим, юртим.

Кул менгзаб бўйнингга илдилар ёрлик,  
Ғуруғингни топтаб тутдилар хорлик,  
Фарзандинг кўп экан номуслик, орлик,  
Кифтин саждагоҳда бедиллар туртди,  
Кўрмаган аламинг қолмади, юртим.

Имон ўлмаса гар умидлар рўёб,  
Насли тоза борки тозарар зурёд,  
Озодлигинг қайтди, ғамларинг кушод,  
Эркин йўлларингдан тўлиқиб юрдим,  
Йиғласам соғинчдан йиғладим, юртим.

\* \* \*

...О, она Андижон, она Андижон,  
Ёдинг гоҳо севинч, ёдинг гоҳо ғам.  
“Болам” деб йиғласанг пастворлайди осмон,  
Замин тўлғонади инграганинг дам.

“Болам” деб соғинсанг... Англар еру кўк,  
Руҳингнинг қон сизган яра жойи минг...  
Дардингни олайн, қатра-қатра тўқ,  
Қандоқ малак эди Моҳларойиминг...

\* \* \*

Тўлин ой қўкда тик қотмиш,  
Юлдузлар тунни уйғотмиш,  
Илоҳий бир муҳаббатдан  
Бутун борлиқ синоатмиш –  
Сиз деганда, Моҳларойим.

Назокатга бойлансин жон,  
Садоқатга айлансин жон,  
Ўзин бир қур поклагани  
Ибодатга шайлансин жон –  
Сиз деганда, Моҳларойим.

Яшамоқнинг суннат, фарзи,  
Севги тўла кўнгил арзи,  
Туғён урган туйгуларга  
Сабок тутгай ғурур дарси –  
Сиз деганда, Моҳларойим.

Маҳзун-маҳзун ғазал оқар,  
Муз лаҳзалар ўтга оғар,  
Аlam қучиб ёмғир эмас  
Ишксизларга нафрат ёғар –  
Сиз деганда, Моҳларойим.

Гулу гиёҳ, ҳатто тошлар  
Ҳазин эртак айта бошлар,  
Қиз узатган Андижоннинг  
Қароғига тўлар ёшлар –  
Сиз деганда, Моҳларойим.

Бахтнинг сочин ғам юлқилар,  
Бир кам дунё йиғлар, кулар,  
Девонаваш кўнглим билан  
Менинг шоир бўлгим келар –  
Сиз деганда, Моҳларойим.

## *Ҳодирабегизи*

Қилич ор қиласи, қиличилигидан,  
Шахт билан урилиб анбар соchlарни  
Чуваб кетганидан тупроқ аралаш.  
Баҳорни, гулларни, қалдирғочларни  
Куйчисидан айриб,  
Азадор ранг билан этганидан ғаш.  
Қилич ор қиласи қиличилигидан.

Қилич ор қиласи қиличилигидан,  
Ўсмир набиранинг жонсиз танига

Титраб чўзилганда қалам тутган кўл,  
Бир силкиниб уни етказа қолганидан –  
Илонларға заҳар,  
Бўриларга тиш,  
Жаллодларга эса кимхоб кийган қул –  
Бўлганидан –  
Қилич ор қиласи қиличлигидан.

Тарих вароғига сачраганда қон,  
Ҳавога учганда ярадор ғазал.  
Бошин қора булат қоплаган Қўқон –  
Надомат юкидан қалқиган маҳал –  
Қилич ор қиласи қиличлигидан.

Титкилаган сари хотира тагин,  
Андижон армонлар ичра йиғласа.  
Тушларига кириб Нодирабегим,  
Ғазал айтиб турса, тутиб гул, майса –  
Қилич ор қиласи, қиличлигидан.

Йиғлайди бошини қинга беркитиб.

\* \* \*

...О, бағри осмоним, она Андижон,  
Сұхбатинг юракни ёндирган чўғдек.  
Дардингни олайин дейману нолон,  
Сасларингта лойиқ таскиним йўқдек.

Сен ҳамиша улуғ – йиғлаб, куйиб ҳам,  
Йилларки, наслингда кир йўқдир, ишон.  
Ёгийга тиз букмай, титрамай бир дам,  
Жон берди юртпарвар ул Дукчи Эшон...

## *Дүкчи Эшон*

Эрк шахиддир, хурлик шаҳид, во дариг,  
Имонсизлар зерикмади зулмдан.  
Кўкламлари куйган боғлар сап-сариф,  
Хазонлари хабаркашдир ўлимдан.

Ўт қўйилган бешикларнинг тутуни  
Ўзлигимни қийнаб бўға бошлайди.  
Юрт боғида кўргач куфр итини,  
Юрагимга исён ёға бошлайди.

Тупураман ёғийга қул умрга,  
Эрк қўйнида баҳтдир айтмоқ “АЛВИДО”.  
– Марҳамат, – деб жаллодга юрт бергунча,  
Мингтепада жонимни ол, эй Худо.

Ҳозир кўзим очик, унга чўккин, юрт,  
Ололмаслар қароғимни пичоқлаб.  
Болам, дегин, манглайимдан ўпгин, юрт,  
Мен ўлайин Диёнатни қучоқлаб.

\* \* \*

... Тунлар узун кечар, тунлар тўлгоқли,  
Тонг ҳам отиб қолди, бедорсан ҳамон.  
Осмонда юлдуз кўп, осмон чироқли,  
Сирлашгич юлдузинг ҳамиша Чўлпон.

“Болажоним” десанг нигоҳинг маҳзун,  
Дарду аламларинг тахланар қат-қат.  
Минг тўққиз юз ўттиз етти сен учун  
Абдулҳамидингни тишлаган калхат.

Доим ҳам баланд ишқ,  
Тафаккурли онг,  
Жоҳилларга ваҳм тутганлиги рост.

Сездингми, онажон, Чўлпонинг ҳар тонг  
Ненцидир сўрайди юлдузларга хос...

“Ким тўсди бу қора пардани,  
Нигоҳларим толиқди менинг.  
Кундузнинг оқ чиройи қани,  
Қани кўзгуси юрагимнинг?  
Ким итарди мени бўшликқа,  
Ажал наҳанглари ютади.  
Бўғзимдаги увол қўшиқقا,  
Айтинг, кимлар аза тутади???”

\* \* \*

Бу кўнгилнинг муҳаббати дунёга ҳусн эди,  
Орзулари кўп эди, кўк қадар узун эди,  
Эркингни кўрсам эди, элим, улусим, деди,  
Қат-қатлари ингрокли шикаста сўзондир ул,  
Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондир ул.

Ошиқдир ул “кундан-да, ойдан-да гўзал” ёрга,  
Сирдошдир ул кўз ёшлари ёмғир-ёмғир баҳорга,  
Тунлари шифо тилаб дардин тўқодир торга,  
Қат-қатлари ингрокли шикаста сўзондир ул,  
Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондир ул.

Кўлда кишан – кул излаб келган кунда ялмогиз,  
“Бўйин эгма – ки сен хур” деб бўзлаган чанқовуз,  
Туйғулари тўкилиб туғилган “Кеча-кундуз”,  
Қат-қатлари ингрокли шикаста сўзондир ул,  
Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондир ул.

Воҳқим, офтоблар озгин, зулмат семирган кунлар,  
Мўмин элнинг кўксини сичқон кемирган кунлар,  
Эрк деган тил кесилган, қалбсиз, темиртан кунлар,  
“Халқ денгиздир, халқ кучдир...” деб куйган  
сўзондир ул,  
Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондир ул.

Офтобга ё ўқ отиб, ё тиг санчиб бўларми?  
Болалари сўзондил элни янчиб бўларми?  
Озодлик топмагунча юрак тинчиб бўларми?  
Оққан дарё оқар деб инонган сўзондир ул,  
Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондир ул.

Хурлик деган боласин энди хур он йўклайди,  
Кундан, ойдан-да гўзал, тилло, дур он йўклайди,  
Болам, менинг болам деб ул Андижон йўклайди,  
Булбулдек янгрок созли, шикаста сўзондир ул,  
Тун бағридан тонгларга узанган Чўлпондир ул.

\* \* \*

...Осмонда нур, ерда нур,  
Қуёш тухум ютдими?  
Қариди деб сафарим,  
Қишдан қаҳр кетдими?

Йўлларнинг тўни янги,  
Боғларда куй жаранги,  
Бойчечаклар соғинчи  
Кўкламойга етдими?

Андижонсой соҳили,  
Кўк майсанинг минг хили,  
Ё хат келиб Тошкентдан,  
Азиз меҳмон кутдими?

Андижон бунча хурсанд,  
Болакай топгандек қанд,  
Оқ гул бўлиб ё боғдан  
“Саида зор ўтдими?”

## *Саида Зүннунова*

Сизни йўқлаган кўнгил гуллардан сўроқласин,  
Жарлиги кўп, тоши кўп йўллардан сўроқласин,  
Не гавҳар, не тиллосин қадри хасча бўлмаган  
Ялмоғиз чув туширган йиллардан сўроқласин.  
Шеър бўлиб, оҳанг бўлиб чиқиб келасиз, опа,  
Ғамларни шода-шода йиғиб келасиз, опа.

Сиз севдингиз, оқ гулга ўчмиди ўша севги,  
Хокисор умр қучган бурчмиди ўша севги,  
Қатағон қувгинларга дучор Сайд Аҳмадни  
Асраб, омон қайтарган кучмиди ўша севги.  
Ўзин хор этмай на шон, на-да ором пайида,  
Гард ичра ярақлаган гавҳармиди Саида.

Кичиккина жуссада фил янглиғ қаноатми?  
Аёл ишқи дегани курашми, садоқатми,  
Фароғат фасли энди эшик қоқаётган пайт,  
Ҳижронзада қолдириб кетишлик адолатми?  
Яхшиям шеъру шуур, хотиралар қолғани,  
Кўймас улуғ адибни йиқилгани, толгани.

Шеърият қасри ичра чироқ Сизнинг умрингиз,  
Баъзи бир юз йиллардан бойроқ Сизнинг умрингиз,  
Улуғ йўлда адашган, манмансираган жонга  
Синик табассум билан сабоқ Сизнинг умрингиз,  
Сизга ташбех бўлса рост неки пок, не тозадур,  
Шундан ким фаришта деб, кимлар хур деб ёзадур.

\* \* \*

...О, она Андижон, сен юқтирган ишқ  
Элинг кўкрагида гуркирар ўсиб.  
Юрак-юрагидан бўлганча ошиқ,  
Шеър қўлтиқлаб чиқди Мухаммад Юсуф.

Ялпизга дўст бўлиб, раҳонга хуштор,  
Ташна дилни ўпди насимдай эсиб.  
Дангалчи ва бироз эркалиги бор,  
Ўзингга ўхшади Муҳаммад Юсуф.

Боболар руҳини шодумон этиб,  
Қойилмақом шеърлар ёзаётганди.  
Асрай олмай қолдик пинакка кетиб,  
Бакувват чинордай ўсаётганди.

Саврнинг йигирма олтинчи куни,  
Маҳзун кўкрагингга қизил ёпарсан.  
Куйинма, Андижон, соғинсанг уни,  
Лолақизғалдоқли қирдан топарсан...

\* \* \*

...Сўз йиглайди, ёшин йўлга сепиб бўлмас,  
Бу аламни ой, йил билан ёпиб бўлмас,  
Наҳот энди Муҳаммадни топиб бўлмас,  
Қандоқ айтсин, қандоқ битсин буни хатга,  
Кийин бўлди болам деган Марҳаматга.

Боболарга “Ассалом”ни хуш айтган дил,  
Ялпиз ювган ариқларга туш айтган дил,  
Қизғалдоқнинг дардларини эшигтан дил,  
Мехр қолар ва муҳаббат қолар девди,  
Ошиқ жонин олса гар ишқ олар девди.

Ёраб, Чўлпон чорладими “шоирим” деб,  
Бобур “мендек бор”ладими ботирим деб,  
Қирқ еттидан ҳатлолмаган хотирим деб,  
Энабуви йиглар уриб тизларига,  
Армонлари ажин бўлиб юзларига.

Ўт нафасни ўт сўз қилган Муҳаммаджон,  
Ўзбекликни “қўз-қўз” қилган Муҳаммаджон,

Юлдузниям юлдуз қилган Мұхаммаджон,  
Сөз күрмаган қүшиқлари боғда қолди,  
Тополмаган қанча ҳофиз доғда қолди.

Сатрлари ўлмаслиқка қўйилган синч,  
Суйганларин қўкрагига ботар согинч,  
То қиёмат руҳи бўлсин осуда, тинч,  
“Омон-омон замонга” эл етганида,  
Кувончидан йиқилдими айтганидай.

Марҳум деган тилни тузлар ўяр бўлди,  
Шеър суйганки уни йиғлаб суяр бўлди,  
Кўкламойим кўк қучоқлаб куяр бўлди,  
Қучоғидан ялпиз бўлиб чиққай ўсиб,  
Шоир ўғлон Мұхаммаджон ибн Юсуф.

\* \* \*

Атиргулга ишқин айта билади,  
Нодўст сўқмоқлардан қайта билади,  
Овунчин ғазалда, байтда билади –  
Мұхаммад Юсуфни яхши кўрганлар.

Севса қаттиқ севар (жондан-да ортиқ),  
Куну туни тоза ҳисларга тортиқ.  
Мажнун сахросида қум ютган отлиқ –  
Мұхаммад Юсуфни яхши кўрганлар.

Ватанни ўйласа юзи тўла нур,  
Орзулари оққуш, хаёллари ҳур.  
Ёғийга кун бермас кўкраги ёвқур –  
Мұхаммад Юсуфни яхши кўрганлар.

Савр сўнгроғини йўқлаб келади,  
Шеър деган кўнглини чўғлаб келади.  
Марҳаматга бориб йиғлаб келади –  
Мұхаммад Юсуфни яхши кўрганлар.

...Опамдек қадрли, синглимдек азиз,  
Онамдек мўътабар юртим – Андижон.  
Сенга муҳр бўлиб тушган ҳар бир из  
Жонимга бойланган риштадир, ишон.

Сен билан юрагим тўлиб сирлашдим,  
Кувгинди бобомни кўрган Ватансан.  
Юзларим ювилди неча бор ёшдин,  
Англадим сен сабри улкан Ватансан..

Ҳуррият қай дилни яйратмас, элим,  
Қай юртга ярашмас ахир Ободлик.  
Ўзбекистон топди мустақил йўлин,  
Юз йил соғинтириб келди Озодлик.

Муҳими ўзликни, ўзингни таниш,  
Ўз оҳангин чалиш ўз рубобида.  
Ўтган йиллар аро қанча ўзгариш,  
Тикланиб улгурди не бир обида.

Бу йиллар Мангулик олдида бир он,  
Ҳайратда қоламиз ўзимиз гоҳи.  
Бобурини чорлаб келди Андижон,  
Бугун гавжум унинг зиёратгоҳи.

Оққан дарё оқаверар барибир,  
Мустақиллик бунга яратди имкон.  
Андижонлик ахир Муҳаммадқодир,  
Ўткир Ҳайдаровдек алпмушт паҳлавон.

Андижоннинг мўъжаз Асакасидан  
Чиққан автоларнинг синовлари – беш.  
Тўрт ён сергак тортди овозасидан,  
Четдан харидорлар келар пешма-пеш.

Андижон, яйрасанг ярашар шўх-шаън,  
Барака ғазнасин хуш йўлагисан.  
Ўзбекистон бўлса жаннатий гулшан,  
Сен унинг мафтункор бир бўлагисан.

\* \* \*

Тўфонларда ўчмайдиган дил чироғ сен,  
Дард, соғинчни тенг сиғдирган ўт қучоғ сен,  
Моҳларойим жамалагин берган боғ сен,  
Кенг дунёга күш учирма килған қўрғон,  
Сен Андижон, сен Андижон, сен Андижон.

Чўли Ироқ бўладирсан сирлашсак гар,  
Ўқий олсак ғазал тўла куюқ дафтар,  
Хўтган ариқ айтар, Боғишамол айтар,  
Ўқ жалада ўлмайдиган тирик виждон –  
Сен Андижон, сен Андижон, сен Андижон.

Дунё деган холи эмас ғаламисдан,  
Тош отарлар титратай деб тўпик, тиздан,  
Чиқмас бўлди икки минг беш майи эсдан,  
Итлар хурап, ўтаверар улуг карвон,  
Сен Андижон, сен Андижон, сен Андижон.

Фийбатхўрлар қаро кафтдан нон ейдими,  
Онасини сотар фарзанд бор дейдими,  
Унга ҳамма бедил, боши ошқадими,  
Суягини синдирмаган сара Султон,  
Сен Андижон, сен Андижон, сен Андижон.

Ёлғон ютиб зар тилянсанг Хотам йўқдир,  
Ёлғон одам бордир, ёлғон Ватан йўқдир,  
Ростга қуллук қила олган қўнгил чўғдир,  
Болаларинг қўксидаги баҳри уммон –  
Сен Андижон, сен Андижон, сен Андижон.

Хусну жамолингга ошиқман бугун,  
Васфингни энг баланд шеърдан сўрарман.  
Бахту иқболингга тушмасин тугун,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Сочпопуклар тилаб қадрдон толдан,  
Жужуқ набирамга кокил ўраман.  
Саломлар тераман Боғишамолдан  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Отам ётган тупроқ – хокингда ишқим,  
Онам тутган игна чокингда ишқим,  
Матога ранг сепган мокингда ишқим,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Шоҳ Бобурин йиғлаб кузатганимсан,  
Ойимин Қўёнга узатганимсан,  
Софинч тирнаганда тош қотганимсан,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Дардинг айтганмидинг Дукчи Эшонга,  
Жон тикди ҳақ дея бир қўзғолонга.  
Хур кунлар келмади бизга осонга,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Кон сизган кунларинг бугун бир тарих,  
Сўзлагич Сайфиддин ҳожи муаррих,  
Қайта яшилландинг, эй бағри сориғ,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Завжасини сизлаб гапирса эрлар,  
Сиз андижонликсиз, англадим дерлар,  
Райҳон йўлагингга битилган шеърлар,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Икки минг беш майин бўғган хунрезлик,  
Сени сўймаганлар кўрсатган безлик,  
Сенинг фарзандларинг ақллик, эслик,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Дўппидек бу шаҳар танилди бир қур,  
Деб вайсашса ёлғон.  
Сен азал машҳур,  
Кечмишинг вараклаб кўрсинлар, буюр,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Нетай кичик жоним танга сиғмайди,  
Тўзган хаёлларим ўзин йиғмайди,  
Яранг боғлаб туриб кўзим йиғлайди,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Минг бир қарғиш ютган хоиннинг турқи  
Қурир, Қуригунча кўз ёшинг юқи,  
Йиғлама, Муҳаммад Юсуфдан ўқи,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Шарифинг Турсуной Содикқа тумор,  
Оқ рўмоли бошин ўраб турган ор,  
Сўз айтса бойчечак туғар қишида қор,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Бу аёл, бу заиф дема мени ҳам,  
Тўмарис момомдир, Ойбарчин онам.  
Фарзандлар бокяпман фозилу ўқтам,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Гулуруг саралаб борар ёш-қаринг,  
Улар муҳаббатинг, топган ганж-заринг,  
Улар майдонда тик Замираларинг,  
Андижон, мен сени яхши кўраман.

1991–20

\* \* \*

Шеърият –  
Томиримда оққан Ҳаётим,  
Сенга муносиблик –  
Ғафлатдан кечмоқ,  
Тунда юлдуз жилваларига  
Ҳеч аямай үзни осмокдир.  
Ва яна бедорлик  
Бодасин ичмоқ,  
Ойнинг кумуш шуълаларига  
Йиғлаб юрагингни босмоқдир.

Шеърият –  
Бобо йўлдан келган Баётим,  
Гулбаргларда титраган  
Шабнамлар уйингмикан.  
Сочин шамол тараган  
Санамлар куйингмикан.  
Шабнамларга юз ювсам  
Қароғимда қоларму?!  
Санамларга жон тутсам  
Қароғига оларму?!

Шеърият –  
Уйингга киргим бор,  
Бахш этгани сенга умримни.  
Қара, руҳим бегард, беғубор,  
Кўнглим – асл ошик.  
Шеърият –  
Куйлатиб бер кўнглим – кумримни.  
Янграб кетсин орзумдай қўшиқ.  
Шеърият...

## *“Ватанга қасалмёд” ҳайқали пойидағы ўйлар*

Бу ердан бепарво кетолмайсан, жон,  
Күнгилга зам-зам сув куйилар гүё.  
Тозарыб юксала бошлайсан шу он,  
Күёшдек ёнасан, сочасан зиё.

Шашмақом қатидан тараптар куйлар,  
Англайсан масканинг жаннатий хилқат.  
Кафтиңгда кўринар ўзбакий уйлар,  
Дунёнинг ноёби Ватандир фақат.

Ўлади ҳавои ҳисларнинг бари,  
Мўъжизавий қудрат бағрингни кучар.  
Юрасан ишқ сари, садоқат сари,  
Лабингдан фарзандлик қасами учар.

## *Қўқлам билан қўришган юрт*

Бойчечагин бошга қўйиб келар кўклам,  
Йилбошилик мақомини билар кўклам,  
Замин қутлуғ супрамиди – нур элакдан  
Аста-аста яшил ранглар элар кўклам.

Кўклам билан қўришган юрт – бизнинг Ватан,  
Яшил боғлар ярашган юрт – бизнинг Ватан.

Ёғиб берса ёмғирин ризқ атармиз биз,  
Ҳадя қилган ҳайратин ишқ атармиз биз,  
Ассаломли истаралар иссиқ бўлар,  
Саломлашиб ерга уруғ қадармиз биз.

Кўклам билан қўришган юрт – бизнинг Ватан,  
Яшил боғлар ярашган юрт – бизнинг Ватан.

Шажарамиз ўзбек деган баланд қоя,  
Сўзлаб берар минг ривоят, минг ҳикоя.

Боғ яратиб баландлаган элмиз ахир,  
Боғим деган боғбон сўзи пиллапоя.

Кўклам билан кўришган юрт – бизнинг Ватан,  
Яшил боғлар ярашган юрт – бизнинг Ватан.

## *Мусаввир Қузак бу*

Йил ичра ўзбекнинг кузи бошқача,  
Сезар замин, осмон, ой, қуёшгача.  
Тўйхонага ўҳшаб қолар шийпонлар,  
Келаверар бир-бир кекса-ёшгача.  
Ифтихори, ишқи далада ахир,  
Худо берған ризқи далада ахир.

Термилиб яйрап кўз – ҳайрат шундадир,  
Бирми, ўнми ё юз – ғайрат шундадир,  
Офтоб ювош тортган, нурлар мулойим,  
Ҳамма teng дехқон тус – суръат шундадир.  
Чаноқларда тўлган ойдай пахта бу,  
Иzzat топган сахий бойдай пахта бу.

Эгатлар бошида бойланар этак,  
Сулувлар белидан айланар этак,  
Ота мерос, она мерос юмуш бу,  
Осонми мисқоллаб тоғ бино этмак.  
Иши қаттиқ, гарчи момиқ пахта бу,  
Шундан тиллоларга лойиқ пахта бу.

Кун ғанимат – ҳамма пахта теради,  
Хирмонлар баландлаб кўкрак керади.  
Энг зўр мусаввирдай ўзбекнинг кузи,  
Ватан сувратини чизиб беради.  
Пахтаси ғазнадир, ғам емас ўзбек,  
Бадавлат, ҳеч кимдан кам эмас ўзбек.

Сайёхликдан кайтган куним, лабларимдан  
Энг аввали шукур деган бир сўз учди.  
Танидими, ўтиб ўнгу чапларимдан  
Эрка шамол омонлашиб, суйиб қучди.  
Яйраб кетди қошу кўзим, дилу жоним,  
Ахир бу ўз еримдаги ўз шамолим.

Учиб кўниб ўйнаётган барглар – гўзал,  
Боқсам, рақси халос этар чарчогимдан.  
Ҳозир фарқсиз яшилми у ва ё зарҳал,  
Мухими у, ўз дарахтим, ўз боғимдан.  
Иzlар босдим – бу ўзимнинг тупроқларим,  
Ўйнаётган ўз-ўзимнинг япроқларим.

Кулоғимга наво келар, тўлиқаман,  
Янграётган ўз оҳангим,  
Ўз куйим-ку.  
Юрган сари ўт меҳрга йўлиқаман,  
Чироқлари ёниб турган ўз уйим-ку!  
Ўз эшигим!  
Ўз устуним!  
Ўз синчларим!  
Жилмаяман  
Юзим ювар соғинчларим.

## *Муқаддас ватан бўлдик*

Шон топармиз муаррих битган хатдан,  
Нон топармиз тонгдаги оқ ниятдан,  
Ўзбекистон, юракка тўлган меҳринг  
Боболар берган панду насиҳатдан.  
Сени севдик, бир жону бир тан бўлдик,  
Улуғ миллат, муқаддас Ватан бўлдик.

Ариғингда оқкан сув садоликдур,  
Боғу даланг суурорли, сафоликдур.

Элбошига эргашиб топганимиз  
Мұхаббатдур, юрт учун фидоликдур.  
Хар қадамда бир жону бир тан бўлдик,  
Улуғ миллат, муқаддас Ватан бўлдик.

Кетди минг тус жаҳонга овозамиз,  
Тозадил дўстга очиқ дарвозамиз.  
Сўрсалар ардоқлаган мулкимиз не,  
Мустақиллик, хуррият деб ёзамиз.  
Адашмасмиз, бир жону бир тан бўлдик,  
Улуғ миллат, муқаддас Ватан бўлдик.

\* \* \*

Ҳикмат топдик ўткан кунлар сабоғидан,  
Зиёландик боболарнинг чироғидан.  
Ўзига бек ҳалқ бўлишга ҳаддимиз кўп,  
Англасинлар юксалган юрт байроғидан.  
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,  
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

Тонг бағрида тоза ният кезар доим,  
Оlam уйин яхшиликлар безар доим.  
Ўзлигини таниганни дунё танир,  
Бўлинмасдан бирлашган эл ўзар доим.  
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,  
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

Шодли не бор ҳалқимиз ҳур деган сўздек,  
Тотли не бор ҳалол келган ризқу рўздек,  
Улуғ йўлда йиқилмаган карвон бўлди  
Садоқатли сарбонини топган ўзбек.  
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,  
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

Фарзандимиз бизлардан-да баҳтли бўлар,  
Тафаккури тиник бўлар, тахтли бўлар.

Унга обод, озод Ватан қолар биздан,  
Айтар сўзи бутун бўлар, аҳдли бўлар.  
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,  
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

\* \* \*

Йиглайвердинг, узоқ йигладинг,  
Азобланди оғриқдан дилинг.  
Севги битта, маломатлар минг,  
Соқов янглиғ чидади тилинг.

Қалинлашар кўнгил куюгинг,  
Аралашиб ишқнинг зангида.  
Аллақачон ўша буюгинг  
Ботиб бўлди нафрат чангига...

\* \* \*

Ниҳон кўз ёш ичга оқар,  
Ёдинг тифи тирнаб чақар,  
Софинганинг беҳис боқар,  
Аlam янги, оғриқ янги.

Олам гўё битта жисм,  
Олов ўчган, кул – бир қисм.  
Хиралашар таниш исм,  
Тўзғиб борар кулнинг чангиги.

Дарз кўнгилни ким чегалар,  
Кўз юмилиб, лаб қимтинар.  
Тоқат тугар, сабр синар,  
Куйилади нафрат ранги.

\* \* \*

Қорни очганини тез сезади у,  
Бу дунёнинг бор жаннати унга – нафс.  
Кучлилардай виқор билан кезади у,  
Унинг учун заиф эрур неки нафис.

Севги деманг, факат ўзин севар асли,  
Тили сира сесканмайди ёлғонлардан.  
Турфа турқлар ишвасига тұлған қасри,  
Томокларга садақалар тақар зардан.

...Бүгзимга тош тиқилади, баски бу дам  
Юрагимга ёрдамга кел, тоза шамол.  
Гунохларим күпдир, ўзинг кечир, әгам,  
Унга мұхтож қилған кунинг... жонимни ол...

\* \* \*

Бу хос уйни эгаллаган меҳрсизлик,  
Рухиятни жарга отиб бўлди ғафлат.  
Тарқ эшигин тополмаган маъюс кўзлик  
Чехрадаги эрта тушган ажин – нафрат.

Кўз очирмас таъна, миннат тўзитган кул,  
Қаноатга қариндошлиқ – ўлмаган жон.  
Узун-узун кечаларда туш кўрар ул,  
Ишқли уйни яшнатганин оби ёвғон.

Ўзни излаб топа олган қай бир фурсат,  
Кетмоқ истаб қолар ҳатто айтмай видо.  
Илтижосин қабул этгин, ўзин кўрсат –  
Хузурингга қочгувчи йўл қайда, Худо...

## *Баҳор*

Соғинтирган сабзазорлар садоси – баҳор,  
Ташна жоним жамолингнинг гадоси, баҳор.

Ҳижронтиғда тилкаланди бу узун тунлар,  
Гирён учди муҳаббатнинг нидоси, баҳор.

Адашмоқ ҳам, алданмоқ ҳам ишқдан бўлди,  
Кўзни очди у кунларнинг хатоси, баҳор.

Чин соғинчни бахш этмоқ ҳам бир тозариш,  
Ҳайрат тўла нигоҳларнинг фидоси – баҳор.

Куйит топган табассум ҳам топса не тонг,  
Қизғалдоқзор тўла сурур сафоси, баҳор.

Қора сочга қор ёғдериб кечди ғамлар,  
Қайғуларнинг, оғрикларнинг адоси – баҳор.

Сен толиққан юрагингни қирларга тут,  
Ювилгайдир анинг сариқ сафроси, баҳор.

Қирғоғидан ялпиз ўпган жилғага бок,  
Оқиб кетгай жабртошлар жафоси, баҳор.

Дилни уйғот, умидворлик топ, Замира,  
Хақ юборган ҳакимларнинг яктоси – баҳор.

## *Илҳаклиқ*

Мен минг йилча қутган роз,  
Севаман деб айтинг Сиз.  
Дунё бўлгай гулшан, рост,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Орзулар кўп чиройлик,  
Гувоҳ аршда малоик.

Құтлов ёғилсін шаррос,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Аждар пуркаган ғамлар,  
Чангали тиғ ситамлар,  
Мағлуб бўлсин беовоз –  
Севаман деб айтинг Сиз.

Маҳв этиб маломатлар,  
Кичрайган фароғатлар  
Қаддин кўтарса не, соз,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Хайр-хўшлаб каҳр, қиши,  
Рўй берсин киприк қоқиши.  
Бодом гулласин қийғос,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Кўнгил тўла чўг бўлиб,  
Армонларим йўқ бўлиб,  
Ороланай ойга хос,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Ёлғонмас, чинимсиз дей,  
Сара лочинимсиз дей,  
Баланд қояга таққос,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Дил кўшкимда турған тахт  
Ҳадя этсин иззат, баҳт.  
Сўровим бир, бир холос,  
Севаман деб айтинг Сиз.

Кўнглингизни топгувчи йўл қайда, Аёл,  
Юзингиздан сулувроқ гул қайда, Аёл,  
Бу оламнинг устун синчи севги бўлса,  
Ишқингизда куймаган дил қайда, Аёл,  
Юзингиздан сулувроқ гул қайда, Аёл.

Гулханларни ёндирган чўғ – Сизнинг нигоҳ,  
Сирларидан ой огоҳдир, юлдуз огоҳ,  
Сочларингиз тўлқинида тебранар тун,  
Кўзингизда ёш қалқиса – бизнинг гуноҳ.  
Ишқингизда куймаган дил қайда, Аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл қайда, Аёл.

Сиз бор дунё кумуш, зарлик, ҳам заргарлик,  
Сиз оҳангизиз, сиз ашъорсиз, зер-забарлик.  
Алломалар аллангизнинг мўъжизаси,  
Кафтингиздан тўкилгани мунаварларлик.  
Ишқингизда куймаган дил қайда, Аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл қайда, Аёл.

Бегим дейсиз, измимизга интизорсиз,  
Қаҳримизни нари сурган навбаҳорсиз.  
Яратганинг ўзи берган улуғлигин,  
Ўзи сезмай яшайдиган хокисорсиз.  
Ишқингизда куймаган дил қайда, Аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл қайда, Аёл.

Сабрингизни кимлар улкан тоққа йўйди,  
Ичингизни соғинч ўйди, ўқинч ўйди.  
Осийларни уйғотай деб оқил Эгам,  
Жаннатини пойингизга қўйиб қўйди.  
Ишқингизда куймаган дил қайда Аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл қайда Аёл.

## *Севги надир, севмоқ надир*

Севмоқ шулки – минг тўкилиб,  
Яна минг бор тўлғайсан.  
Дилинг чок-чок сўкилиб,  
Куйлаган бўз тўрғайсан.

Севги шулки – ул чархфалак  
Майдонининг марди этгай.  
Севги – ёринг юрган йўлак  
Тупроғиу гарди этгай...

Севги шулки –  
Кўзинг ўшлаб,  
Сочингга қўнган қордир.  
Севги шулки у – шоҳ Машраб  
Осилган баланд дордир.

Севмоқ шулки, алам бериб,  
Жон-жонингдан тўйдиргай.  
Дардларингни қатор териб,  
Сабрдан тўн кийдиргай.

Севги шулки, сехргар у,  
Дўзахлардан қайтарсан.  
Шу қадар бой меҳрга у,  
Йиглаб қўшиқ айтарсан.

Севмоқ шулки – фидо айлар  
Минг-минг йиллик садога.  
Севги сени Ҳаққа бойлар,  
Етказадур Худога.

\* \* \*

Үзиники қилди сени ёлғонлар,  
Қай қуюқ туманда қўйдим йўқотиб.  
Мени сотиб олди кейин армонлар,  
Армон аёзида кетдим совқотиб.

Сенсиз яшаш учун тўлғониб, инграб,  
Бўғзимдаги тошни ютиб оламан.  
Сувратинг ўралган гиряни тинглаб,  
Янги армонларни кутиб оламан.

Сени йўқотганим учун берилган  
Оғриқлар ўргимчак янглиг ўрайди.  
Қақшатқич аёзлар қатор терилган,  
Жонимдан курбонлик сўрайди.

\* \* \*

Бинафша...

Мен сени жудаям соғиндим,  
Ҳатто тушларимга кирдинг, бинафша.  
Ҳаёт тўлқинида чайқалдим, тиндим,  
Аммо севгим ўша, севганим ўша.

Йўғингда қайғулар, ғамлар тердим мен,  
Бир йилмас, минг йилга татирли.  
Ол, бугун дилимни сенга бердим мен,  
Бинафша... сен энг хуш... атирли...

Кел, кафтимга олай, кафтимда яша,  
Нафосат таралсин менинг қўлимдан.  
Сехрли гулим бўл ўзинг, бинафша,  
Қайғуларни ҳайдаб юбор йўлимдан.

Мен сени соғиндим, Бинафша...

## *Юрагимни улғайтириди андуҳларими*

Жонда оқди ошиқларнинг бахшилиги,  
Чаман бўлиб чиройланди гулрухларим.  
Аслида бу – ағёрларнинг яхшилиги,  
Юрагимни улғайтириди андуҳларим.

Маликаси бўлмасам-да кўшк, саройнинг,  
Дарди тўлғин дўсти бўлдим тўлин ойнинг.  
Кўксим мўлжал неча ўнлаб камон-ёйнинг,  
Юрагимни улғайтириди андуҳларим.

Рух дегани катта ишққа турма бўлди,  
Охлар урдим арқон қилган турна бўлди,  
Файласуфлар фикри кўзга сурма бўлди,  
Юрагимни улғайтириди андуҳларим.

Ўхшаб чарс-чарс ёнаётган чақмоқларга,  
Мұхаббатдан матал айтдим сўқмоқларга.  
Чарчадим гоҳ чап бергунча тўқмоқларга,  
Юрагимни улғайтириди андуҳларим.

Умрим Ҳаққа борар йўлда отилган ўқ,  
Севги синов солса кўнгил ҳамиша тўқ,  
Ғанимга ҳам гайр сўзим, қасд сўзим йўқ,  
Юрагимни улғайтириди андуҳларим.

## *Юраксизлар юрагимни Қуйдирди*

Тилаклари тилло бўлди дилимнинг,  
Гуллар гулдек туйгуларин туйдирди.  
Дайди тошлар тўсаверди йўлимни,  
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

Билолмадим тунмиди ё, кунми ё,  
Армон менга чопонини кийдирди.

Қараб туриб индамадинг сен, дунё,  
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

Сайлаганим шунча тошдил қизмиди,  
Пешонамни шўришларга қўйдирди.  
Оҳлар урдим, пинагини бузмади,  
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

Ишқ боғининг гули кўзға тўтиё,  
Бевафони шунча қаттиқ сўйдирди.  
Табибимни топиб бергин сен, дунё,  
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

\* \* \*

Менинг излаганим сен эдинг, ахир,  
Истадим кўнглингта чиқсайдим эга.  
Фақат ўтингимга очмадинг бағир,  
Сенинг излаганинг бўлмадим нега?!

Яйрасам – жамолинг кўриб яйрадим,  
Йигласам кўз ёшим оқди сен учун.  
Сенга томон юрдим юрсам бир одим,  
Зориқиб кутганинг бўлмадим нечун?!

Билмадим аламнинг йўқмиди чеки,  
Қочиб кутулгани ҳатто ўлмадим.  
Чехрангdir йўлимда йўлиқса неки,  
Айт, нега йўлдошинг бўлмадим?!

Дарё истайсанми, мана қароғим,  
Гулзорми? Севгимдан яралар минг-минг.  
Тахланиб осмонга етди сўроғим,  
Айт, нега бўлмадим сенинг севганинг?!

Дунёда ҳар кимнинг ўз изи бўлсин,  
Энг кўп соғингувчи ёлғизи бўлсин.  
Сенга муҳаббатим бисёрдан-бисёр,  
Соғиндингми менинг юзимни, баҳор.

Ёдларимни ўйган согинчнинг тиши,  
Соддадил синглимнинг синик кулиши.  
Қизғалдоқ терганмиз у билан кўп бор,  
Соғиндингми менинг изимни, баҳор.

Пахта яганаси – энг долзарб фурсат  
Ишладим, тиззамни ўпди ҳар эгат.  
Ғўзалар баргига сир айтғаним бор,  
Соғиндингми менинг тизимни, баҳор.

Шеърга кўнгил бердим, ишқа чулгандим,  
Бир сўз деб ўртандим, бир сўз деб ёндим.  
Чорлайверди кетдим Шош деган дийдор,  
Соғиндингми дарвеш қизингни, баҳор.

2000

## *Наъматак*

Коя тошлар кўшкингмидир, наъматак,  
Шаршаралар ашкингмидир, наъматак.

Тик шохларга хусн берган оқ гулинг  
Тоғ қорига рашкингмидир, наъматак.

Сенга томон баландлайди кўнгиллар,  
Чорлаётган мушкингмидир, наъматак.

Таърифингни Ойбек домла ўхшатган,  
Шеърмидир бу, ишқингмидир, наъматак.

Замира ҳам сўз айтгиси келибдир,  
Сеҳринг шунча тошқинмидир, наъматак.

## *Қизғонаман сизни қаришдан*

Дүст тутмайды күклам қаҳрни,  
Гулбаргларга инар сарғышранг.  
Қаритади ҳасад бағирни,  
Қизғонаман сизни қаришдан.

Мехр беринг, суйинг, ёктиринг,  
Кир қидириб нима ҳар ишдан.  
Адоватни шарт улоқтиринг,  
Қизғонаман сизни қаришдан.

Излаб келсин ҳар жонни ҳузур,  
Беҳузурлик тикондан, нишдан.  
Мехрсизлар на шод ва на хур,  
Қизғонаман сизни қаришдан.

Кун қүёшли, яйранг, тун ойли,  
Оқ ниятга ёғар фаришта.  
Ҳаёт гүзал, ҳаёт чиройли,  
Қизғонаман сизни қаришдан.

Нақадар соз тиклаб борсак қад,  
Нурамайин бир ғишт, бир ғиштдан.  
Қаритади умрни ҳасад,  
Қизғонаман сизни қаришдан.

\* \* \*

Бунча баланд осмон бўлдинг, севгилим,  
Ёмғиру қорлари беаёв осмон.  
Қара, очилмади ўндан бир гулим,  
Озорларинг росту шафқатинг ёлғон.

Бироз офтоб бергин.  
Қаҳрингни ҳайда,  
Сочимга ёпишди сен ёғдирган қор.

Адашдим, саодат манзили қайда,  
Қайда ҳаётимни топмаган баҳор.

Авраб ҳолдан тойди, чарчади сабр,  
Озғинлаб тугашга етди сиёғи.  
Сен билмайсан чоғи осмонлик надир,  
Мұхаббат нимадир – билмайсан чоғи...

\* \* \*

Сехр бер – Буюк сүз, Буюк мұхаббат,  
Үзимни бахш этдим сенга мен.  
Узун тунларимдан қувгиндир ғафлат,  
Бедор гулханларга сингамен.

Юлдузлар термила-термила сұнар,  
Овозсиз йигимни англаб отар тонг.  
Йигимга урилиб кетар минг хунар,  
Йигимга урилиб ярақлайди онг.

Сехрингни танимай “ишқ, севги...” деган,  
Шовқинлар ичида йўқсан, Мұхаббат.  
Арzon розга чилаб бошингни еган  
Сотқинлар ичида йўқсан, Мұхаббат.

Жонимга лаззатли оғриқ сўрандим,  
Умримнинг чиройи бўлсин ёнишлиқ.  
Мұхаббатни таниш нима, ўргандим,  
Сени танишлиқ бу – жон ўртанишлиқ...

\* \* \*

Мени тушунади қўклам,  
Саратон ҳам тушунар таниб.  
Учган сариқ дардларим тўплаб  
Тушунади куз ҳам ўртаниб.

Изғирини, қорлари билан  
~ Етиб келар аёз беолқиши.  
Юрагимнинг зорлари билан  
Омонлаша бошлар бояқиши.

Тўрт фаслни ҳайрон қаратиб,  
Яна ёлғиз... Яна ғарибман...  
Сизни хаёлимда яратиб,  
Хаёлотим ичра юрибман...

\* \* \*

Жим яшайсан ўзингни алдаб,  
Фарқ бўлгандај турмуш селига.  
Муҳаббатинг жонингни ўртаб,  
Юрагингда йиғлар беэга.

Тақдирига йўйиб барини,  
Ёлғонларга ем бўлган чинсан.  
Учрашганда изҳорларини  
Айтолмаган бечора сенсан.

### *Ишқ оғриқлари*

Адашибми, баъзан хаёл бўлиб тўлғин,  
Тушингизга кирса сиз деб очилган гул.  
Таъбир топманг, аллақачон куйиб бўлдим,  
Йўлингизда тўзғиди-ку бир ҳовуч кул.

Ишқ дегани бунча аччиқ, бунча тахир,  
Нафис гулга севилса-я кесак бағир,  
Йиғлаб ёндим, кўриб турди дунё ахир,  
Ачинмади, бир киприги бўлмади ҳўл.

Ёнса бўлар экан қаранг аёз, муздан,  
Сирларимни юрагимга кўмиб бездим,  
Саҳро кезган далли, девонадан ўздим,  
Гувоҳликка ўтиб берар кум, саксовул.

Учрашолмай ўтдим толе, зиё билан,  
Чиқишимадим алдов билан, риё билан,  
Дўст бўлмадим ҳасрату дийдиё билан,  
Бу дунёда бир тентак бор, бор бир оқил.

Куйиб бўлдим, энди фақат видойим бор,  
Кўтарарман шўриш манглай хатойим бор,  
Топарсиз ҳам, кўрарсиз ҳам, худойим бор,  
Кўрмассиз лек, бошқа йўқ, йўқ менингдек гул...

### *Нега изладили*

Топсам дегандим сени,  
Тонготарнинг баракотидан.  
Ютиб аллаларнинг сасини,  
Тиниклашган шудринг тотидан.

Ариқларнинг қўш қирғоғини  
Сўйган ялпиз хаёлларидан.  
Орзиқтириб кўнгил боғини  
Эсган савр шамолларидан.

Қизғалдоклар ярашган қирлар  
Сехри сени танийди дедим.  
Бодомзорга беркинган сирлар  
Айтиб берса қанийди дедим.

Сўрадим дўст тутиб барини...  
Танишмади...  
Бу малол менга...  
Увол қилиб кўнгил зарини,  
Сени нега изладим, нега?!

## *Қайдасиз*

Сизни ёдга солар мумтозлар байти,  
Ёдланаверасиз кучайиб дардим.  
Нега келмаяпсиз саломлар айтиб,  
Қайдасиз, қайларда юрибсиз, мардим...

Ҳайрон ўтиб кетди қанча баҳорлар,  
Гул эдим, гул бўлиб очилолмадим.  
Мени зарпечакдай ўради зорлар,  
Қайдасиз, қайларда юрибсиз, мардим...

Ёзларда қовжираб, кузларда тўзиб,  
Хотир кўшкларига минг қайта бордим.  
Билмам ортдаманми, ё кетдим ўзиб,  
Қайдасиз, қайларда юрибсиз, мардим...

\* \* \*

Сиз энди узо-оксиз...  
Ичмоқлик тугул,  
Кўрмассиз ҳам қўзим жолаларини.  
Эшитмайди ахир фикри олис гул  
Қафасдаги булбул нолаларини.

Мен-ку, дил тубимни тиконлар чатнаб,  
Кўзимда сиз... гулни асраб юрибман.  
Баланд баҳт кўкига хаёлан қатнаб,  
Ёмғирлар остида пастлаб юрибман.

Бу ёғи жуда жўн,  
Тақдирнинг ҳукми,  
Сиз билан яшнамиш ўзга ёр боғи.  
Севайин дебману, севилмоқликни  
Тилашни унутиб кўйибман чоғи...

Истак қушин сайри дедим  
Самоларда кезганимни.  
Гулбоданинг хайри дедим  
Гулга қараб сезганимни.

Ошикларга ошна бўлдим,  
Бир маҳбубга ташна бўлдим.  
Не дей ишкнинг уммонида  
Гоҳ чўкиб, гоҳ сузганимни.

Кўзимда ул ҳусни якто,  
Кўкайимда ҳажри – сафро.  
Билса эди баъзан ҳатто  
Ўз-ўзимдан безганимни.

Қалам тутсам тўлди дафтар,  
Элчилик қил, оқ кабутар.  
Кўнгил кўзи ухлокларга  
Бериб қўйгин ёзганимни.

### *Элнинг назаридан қолмасанги*

Тўлар ҳам, тугар ҳам кемтик, кўстларинг,  
Чоралар излашдан толмасанг бўлди.  
Хиёнат қўрмаса сендан дўстларинг,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Айвонинг айланиб лочинлар учгай,  
Туғён кунларингни қайтадан қучгай,  
Дилгир ёмғирларда ғуборинг кўчгай,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Кўнглингдан тўкилган энг тоза тарҳлар  
Дашт ўрнида гулшан бўлиб ярақлар.  
Баланд шажарангдан қутлов чараклар,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Тошлар сўйлар сезсанг изинг ҳакида,  
Сойлар шеър ўқийди кўзинг ҳакида,  
Исминг шарафланар иззат тоқида,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Масканинг покиза хилкат бўлади,  
Орзулар кўксингда қат-қат бўлади,  
Ёзib тарқатганинг тўйхат бўлади,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Ойнинг ўргидан ипак тилаб эш,  
Ловуллаб ён бўлиб қуёшларга хеш.  
Яратган ярлақаб ишинг бўлар беш,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Тоғларни туш кўрсанг жайронлик сенсан,  
Гулшанни хуш кўрсанграйхонлик сенсан,  
Эл назар қилмаса пайхонлик сенсан,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

Мұҳаббат тиг урса, майли тилкалан,  
Майли гоҳ қокилиб, гоҳо тиккалан,  
Ярашиқ сўз топсанг ҳатто эркалан,  
Элнинг назаридан қолмасанг бўлди.

### *Излади*

Мен сизни олов ичра бир оҳ бўлиб изладим,  
Юрак-бағри соғинчга паноҳ бўлиб изладим.

Роз айтиб гул тутдилар, дил тутдилар, нетарман,  
Бегона из тушмаган даргоҳ бўлиб изладим.

Ўзим дунё, ўзим бир мамлакат эдим ёра,  
Гоҳ саркарда, гоҳида сипоҳ бўлиб изладим.

Сочларим қоп-қорадур, қоп-қорадур кўзларим,  
Қароланган кунларга ҳамроҳ бўлиб изладим.

Товонимда тиконлар, тошларда лоларанг сўз,  
Ситамларга сабрли сайёх бўлиб изладим.

Орзум кўкида офтоб, орзум кўкида ой бор,  
Офтоб, ойсиз бу умр гумроҳ бўлиб изладим.

Севгига сиғмаган баҳт сиғмагайдир кўнгилга,  
Ҳақ ҳукмиға, Замира, гувоҳ бўлиб изладим.

## Яшарсиз

Кетдим деманг, кўзларим қаросида яшарсиз,  
Кунларимнинг аччиғу аълосида яшарсиз.

Ўклар еган ғариб қуш, хотирлари ширин туш,  
Юрагимнинг согинчли асносида яшарсиз.

Дараҳтлар дилдошимдир, суянчим, бардошимдир,  
Субҳидамнинг суюмли сабосида яшарсиз.

Нолалар ранжим бўлди, созлар мутаржим бўлди,  
Муножотми, гирянинг садосида яшарсиз.

Сизгинадан кечмоқ не, видо майин ичмоқ не,  
Қароқларимнинг намак дарёсида яшарсиз.

Кетдим деманг, кўзларим қаросида яшарсиз...

\* \* \*

Осмон узра тортилди  
Турналарнинг арқони,  
Оромимга отилди  
Куралай кўз пайкони.

Куралай кўз сочи дор,  
Боғлансанг кунинг абгор.

Ёзилди қилқаламда  
Ощиқликнинг фармони.

Бу йўлдан ким ўтмади,  
Ранжу алам ютмади.  
Шунчалар талх, тахирми  
Ваъдаларнинг ёлғони.

Адашдим васл излаб,  
Гул тўла фасл излаб.  
Юрагимга тўлди воҳ,  
Сарик кузнинг хазони.

Ишқ оғир савдо экан,  
Дунёси ғавго экан,  
Кетмас бўлди юракдан  
Муҳаббатнинг армони.

### *Қўнглили-ай*

Кўнглимай, кўнглим сенинг дардинг шунча  
оғирми?

Сайлаганинг, севганинг мағурми, тошбағирми?

Қақшаган қиши қочмади, кўкламинг гул очмади,  
Васлини топмадинг ҳеч, соғинчларинг сағирми?

Қирқ кокили қирқта дор, бойлади қирқта озор,  
Сени сармаст айлаган қирқ косада чоғирми?

Кўчасига кўп бординг, оҳлар уриб ёлбординг,  
Мехринг бекиёс эди, қайтганлари қаҳрми?

Мажнун бўлиб дашт топдинг, севиб саргузашт  
топдинг,  
Ёндинг гулханларида, тутунлари тахирми?

У осмону сен тупроқ, толиқтириди-ку титрок,  
Мұхаббат дунёлари шунча синоат, сирми?

Қайтмадинг ўзга ёрга, изингта интизорга,  
Күнглима-ай, ошиқлигинг шу аввалу охирми?

## *Тұпроқ*

Түғилған чог илк йиғимни қучган тупроқ,  
Үйнаб чопсам зарра-зарра учған тупроқ.  
Қисмат сели қатқалоқлар бостирганда,  
Ағдарилиб қатlam-қатlam күчган тупроқ.

Ҳар күнгилнинг ўз гүшаси бұлар ахир,  
Ёт гүшада яйрамагай ҳеч бир бағир.  
Ким адашған, ким алданған дунёдир бу,  
Кетған бору, лек йўқ сендан кечған, тупроқ.

Сен отамнинг кетмонаига илашған ризқ,  
Юрагиға, жон-жонига ярашған ризқ.  
Тонғда юлдуз сүнмай чориқ кийдирған сен,  
Шомда юлдуз кўриб чориқ ечған тупроқ.

Онам десам тўлиққаним, азизим сен,  
Суйиб, сизлаб топған ўғлим, ҳам қизим сен.  
Софинчларинг ўртаб қайтсам сафарлардан,  
Омонлашиб кўз ёшимни ичған тупроқ.

Билганим шу – бойлигим йўқ сендан ортиқ,  
Сени менга Тангри ўзи этған тортиқ.  
Сен боримсан – Ўзбекистон деган ВАТАН,  
Мен борингман – сочилемассан ҳеч ҳам, тупроқ.

## *Ватанға севаман дейши...*

“Сени севаман, Ватан”  
Чиройли сүз, яхши гап.  
Айтгунингча дафъатан,  
Олгин озгина ўйлаб.

Аввал юртга қўз ташлаб,  
Ярай, дегин корига.  
Юрагингни оташлаб,  
Гул узат баҳорига.

Бағрин тутса, дарахт эк,  
Яшнаган боғ қилиб бер.  
Туну кунини бирдек  
Осуда чоғ қилиб бер.

“Эзгу сўз, эзгу фикр  
Эзгу амал”\* тут унга.  
Оқ юзи бўлмасин кир,  
Йўлиқтирма тутунга.

Хавф чақирса мардини,  
Майдонга туш, қўзғолгин.  
Асра тошу гардини,  
Ёмон қўздан қизгонгин.

Ўғил-қиз топ. Ортингдан  
Ибратинг олиб келсин.  
Мехру муҳаббатингдан  
Кўксига солиб келсин.

Шунда бири бўлиб минг,  
Ватан мангу бор бўлар.  
Айтмасанг ҳам севишинг,  
Оlamга ошкор бўлар.

## *Тинчликка нима етсин*

Тонгми, шомми – ҳар дамда  
Дилдан ғанимлик кетсин.  
Фул ярашган Ватанда  
Тинчликка нима етсин.  
Шовуллайди буғдойзор,  
Сўқмоқлар гирди гулзор.  
Кимга ёқибди озор,  
Тинчликка нима етсин.  
Фарқлаб пучни, сарани,  
Дўст бўл, дўстингни тани.  
Шеър қани, қўшиқ қани,  
Тинчликка нима етсин.  
Дил чироғи тараҳхум,  
Юз чиройи табассум.  
Яйрагин, каро кўзим,  
Тинчликка нима етсин.  
Нурга йўғрилган олам,  
Бахт деб туғилган одам.  
Ҳақиқат зўр рўёдан,  
Тинчликка нима етсин.  
Фаразликтинг йўлин тўс,  
Ноним бор, кел, берай, дўст.  
Билмасанг, билдирай, дўст,  
Тинчликка нима етсин.  
И gnанинг кучи ипда,  
Савоб жаннатга чипта.  
Ўзбекнинг гапи битта:  
Тинчликка нима етсин.

## *Дунёни ўрагим келди*

Кўз очдим, юзимни силар субҳидам,  
Тикилсам, тўрт тараф тўлмиш сехрга.  
Гулкосалар қўйди лабимга шабнам,  
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

Кўнглим-ай, кечаги дардларни қўйгин,  
Тебрангин, энг гўзал ўйларга чўмгин.  
Бу фурсат... ҳаммани teng севиш мумкин,  
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

Ким риё узатди, ким оғриқ... Бас, бас,  
Сени ҳамал суйсин, аёзлар эмас.  
Мўъжиза дайридан эшитилар сас,  
Дунёни ўрагим келди меҳрга...

\* \* \*

Омад тутса бошингга офтоб,  
Дилдошларга кўрсатгин хушрўй.  
Адаштириб кетмасин сароб,  
Ўтган кунни бир бор эслаб қўй.

Ортар лаганбардоринг чунон,  
Кимга рақиб сен, кимга нишон.  
Кетмай туриб келган обрў, шон,  
Ўтган кунни бир бор эслаб қўй.

Қай қўлда гул, қай қўлда омбир,  
Кўзларингни тўсмасин кибр,  
Адо бўлмай сарғайган сабр,  
Ўтган кунни бир бор эслаб қўй.

Дилозорга Ҳақ ўзи гувоҳ,  
Қайтим берар озору гуноҳ,

Кулфат етиб келмай баногох,  
Үтган кунни бир бор эслаб күй.

Чин дўст қадри йиқилмай туриб,  
Иzzат чокинг сўкилмай туриб,  
Гул-япроғинг тўкилмай туриб,  
Үтган кунни бир бор эслаб күй.

Фарқлаб буғдой, арпа, тариқни,  
Суянчим де тоза борлиқни,  
Унутмагин эски чориқни,  
Үтган кунни бир бор эслаб күй.

\* \* \*

Дарёдил онамнинг меҳридан масур,  
Кунлари беғубор – гўзал болалик.  
Софинсам – кўнглимга кириб келар нур,  
Ўйласам – ўйларим гулу лолалик.

...Онам ўриб кўйган сочим бир қарич,  
Учига бойланган пиликлари оқ.  
Дадам олиб берган ковушчам ғарч-турч,  
Кувончимга шерик латта қўғирчоқ.

Қушлар қанотига осилиб учган  
Нигоҳимда гўзал орзу бор эди.  
Ариқ сувларидан ҳовучлаб ичган  
Онларим шу қадар баҳтиёр эди.

Ўша баҳтиёрлик тотини бугун  
Софинаман, излаб топмайман фақат.  
Орзиқиб қўмсайман (дилда минг тугун),  
Қайдасан болалик – беғубор хилқат...

\* \* \*

Гуллāган ўрикзор – муҳаббат боғи...  
Нега тушларимга кириб имлайсан.  
Кеч кузга етгунча йўлнинг чарчоги,  
Жондан тўйдирганин билмайсан.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...  
Изларим омонми қучокларингда.  
Хуш бўйингда борми кўнғлим ардоғи,  
Исмим тебранарми титроқларингда.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...  
Кўзимдаги дийдор эгаси қани.  
Дилида ёнганми иқбол чироғи,  
Арзирми севгидан кечиб топгани.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...  
У ҳам йиғлайдими ёлгиз қолган пайт.  
Сувратим асрарми кўзин қароғи,  
Соғинчида борми биз ёдлаган байт.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...

\* \* \*

Мен зерикдим рухни ранжлар йўкларидан,  
Тўйдим кўнглим жарга қулақ йиғларидан.  
Билармисиз зерикишим, тўйишларим,  
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Оғриқларим томирдами ё тандалар,  
Кетиб бўлди лабимдаги бор хандалар.  
Кучсизлигин тан олди-я газандалар,  
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Умид эди сапчадайин узилганим,  
Тўртта гулим тўртта ҳайрон тизилганим.

Асқатмади шоир бўлиб сўз билганим,  
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Кўклам нима, келиб бўлди менинг қузим,  
Пушаймоним бўйнимдаги сарик чизим.  
Дараҳтларим дардкаш бўлиб тилар тўзим  
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Кетай десам атроф гавжум... орим турар,  
Қолай десам адо сабрим – зорим турар.  
Кун-кун сари кўксимда муз, қорим турар,  
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

\* \* \*

Нега? дейман. Нима учун? Энди нетай?  
Сиғдиролмас кунлар кўнглим саволини.  
Хиёнатнинг тўнин кийган дунё қандай  
Кўтаради муҳаббатнинг уволини.

Тиги баланд гумонларим ўтар тилиб,  
Тун тортолмас ёлғонларнинг малолини.  
Гуноҳларга ботган дунё қандоқ қилиб  
Кўтаради муҳаббатнинг уволини.

Оқиб ўтар сувлар билан қанча рўё,  
Аямайди ариқларнинг зилолини.  
Бу пойма-пой ковуш кийган нодон дунё  
Қайга қўяр муҳаббатнинг уволини.

\* \* \*

Кўл юзидан тарқай қолсин туманлар,  
Тиниқликда кўргим бор сени, дунё.  
Юрагимни зада қиласар ёмонлар,  
Яхшиларга яқин қил мени, дунё.

Тошни ёрган бойчечакка дўст бўлай,  
Омонлашиб севайлик сени, дунё.  
Зирапчангни терган киприк, кўз бўлай,  
Яхшиларга яқин қил мени, дунё.

Бир кам бўлма, бўлгин тўрт кўз тугаллик,  
Амал топсин тиласанг нени, дунё.  
Яхшиларнинг босган изи гўзаллик,  
Яхшиларга яқин қил мени, дунё.

Ярашифинг бўлган баҳор – бу дилим,  
Гуллибосдир бўйи ҳам эни, дунё.  
Қароликни сўймас наҳор – бу дилим,  
Яхшиларга яқин қил мени, дунё.

### *Мехрибонлик уйида*

Бунда бир сўз демай осон англайсан  
Кемтик кўнгилларнинг ҳусни ойлигин.  
Ёпирај, вужуди бир харсангдайсан,  
Кўрганда кўзларнинг дардга бойлигин.

Ғалати сукунат ёпишган маҳкам,  
Ҳар не бор, ҳар ким бор, фақат кулгу кам.  
Турфа ўйинчоклар беролмас малҳам,  
Танлаганинг билан энг чиройлигин.

Панжара раҳида қўлчалар изи,  
Йўллардачувалар илҳақлик ўзи.  
Ким билар?  
Қайларда бу ғам илдизи,  
Қайлардан отилган камон ёйлигин.

Сўзсиз сўроқларга яқин келасан,  
Кафтинг йиглаб берар секин силасанг.  
Тушуниб етасан, аниқ биласан,  
Дунёнинг ковуши пойма-пойлигин.

## *Дўрмон боғида*

Дарахтлар, гуллар кўп Дўрмон боғида,  
Ҳаммаси табаррук, бари баҳтиёр.  
Ахир япрогида, шоҳ, бутогида  
Улуғ сиймоларнинг нигоҳлари бор.

Бунда йўлакларнинг ифтихори минг,  
Муборак из солиб ўтган қадамлар.  
Улар она элнинг, она диёрнинг  
Юз – хотири, шаъни бўлган одамлар.

Шоир, адибларнинг ижод уйи бу,  
Бағрида зарга тенг фикрлар пишган.  
Дониш кузнинг ўйчан лаҳзаларию,  
Баҳорларнинг ҳусни қогозга тушган.

Бунда деразалар нур тутиб яйрар  
Қалам тарашлиған бедорлар учун.  
Насимлар бағрида валфажр янграр  
Тонгга тухфа тутган дийдорлар учун.

## *Хаёлини сенда бўлди*

Гулсафсалар кўз очиб,  
Еллар яйраб кетганда.  
Совук сукунат қочиб,  
Кушлар сайраб кетганда –  
Дилимга соғинч тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

Офтобнинг ўткирлиги  
Ўрикзорга қанд берди.  
Шамолнинг олғирлиги  
Саратонда панд берди –  
Ичимга олов тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

Осмон ҳамма юкини  
Сунбулага ортганда.  
Тишлаб олиб чекини  
Куз мулойим тортганда –  
Дилимга хазон тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

Киличини қайраб қишиш,  
Ойнак ёпинганда сув.  
Эшитмай бирон олкиш,  
Музлаб бўлганда орзу –  
Кўзимга йиғи тўлди,  
Хаёлим сенда бўлди.

### *Эй Қўнгил*

Гўзалдурсен ишқ ила, эй кўнгил,  
Жабрига жонни чила, эй кўнгил.

Сенга ошиқлик ярашсин ёраб,  
Бойланиб қирқ кокила, эй кўнгил.

Беҳиштий бўй излаюр бедорни,  
Бўлмагил дўст ғофила, эй кўнгил.

Улуғлар ҳикматидин хабар топ,  
Яқинлаб юр оқила, эй кўнгил.

Яхши издин чаману боғ пайдо,  
Кўрк ўлиб йўл, соҳила, эй кўнгил.

Нафсиға кул эмаским, шоҳ эрур,  
Тахти нурдан ҳосила, эй кўнгил.

Ноумид эрмас Замира анга сен,  
Ҳакқа улфатлиғ тила, эй кўнгил.

\* \* \*

Ишқ десам ёдимга хуммор күз келар,  
Бағрида шабнамли гулдек юз келар.

Оч нигоҳим паришон йўл пойласа,  
Катта патнисда алам – ризқ-рӯз келар.

Ишқ десам феълим фидолик бўлгуси,  
Жилваси жоним сўраб юлдуз келар.

Кўкламим пайтида кузнинг хаслари,  
Манглайимга мулк ўлиб тош, туз келар.

Ишқ десам девоналиғ пайғоми бор,  
Хол сўраб Машрабдайин пир – дўст келар.

Йигларам кўз ёшларим ичга оқар,  
Лабларимга кўхна чанқовуз келар.

Эй Замира Ҳаққа етгай бу тахлит,  
Муборак Аршу аълодин сўз келар.

\* \* \*

Тунларимни бахш этмадим, гафлат тутган болиш  
учун,  
Кўзим ойболтадир қадим зулматларни ёриш учун.

Севдим баланд дардим билан, киприкда ҳур гардим  
билан,  
Кўнгилда кўк баргим билан хаёлларда қолиш учун.

Ҳаёт алғов-далғов кема, жабр нима, жафо нима,  
Етмасам-да ҳеч бахтима, сўзим йўқдир нолиш учун.

Тоза рухсор чашма қани, ташна этди мен хастани,  
Эй Замира, ишқим мани Ҳаққа томон бориш учун.

\* \* \*

Ишқдўр, мани маст айлаган ишқ,  
Вужудимга ўт жойлаган ишқ.

Бода тутиб жилвалари хуш,  
Сахросида жим пойлаган ишқ.

Сочиб орзумга гоҳ атирлар,  
Тупроқ сочиб гоҳ лойлаган ишқ.

Юрагимга соғинчлар ортиб,  
Ул ёр ҳуснин ой, ойлаган ишқ.

Ҳаётим, хаёлим ҳаммасин  
Бир бевафога бойлаган ишқ.

Замира, қайт дема ҳеч, мени  
Жон фидоликка шайлаган ишқ.

\* \* \*

*Кимки илм олган бўлса Пайғамбар  
Алайҳиссаломдан тўлуғ мерос олибдур.*

ИМОМ БУХОРИЙ

Илм олурким, чекичлаб тогдан олмос олибдур,  
Хокисорлик оламидан шоҳон либос олибдур.

Ўлчай олгай икки эшик оралиқ манзилларин,  
Икки олам боғи гуллаб берар қийғос, олибдур.

Қуёш билан қадрдон ул, ҳилол билан сирдош, дўст,  
Зулматларга ёғдиуруга нури шаррос олибдур.

Изин ўпган тупроқларда туғилгай гул-чечаклар,  
Пири комил иззатларин меърожга мос олибдур.

Эл обрүсин оширса гар оқиллар оширгайдур,  
Фикри фозил донишларга ўзни таққос олибдур.

Эй Замира, ҳазрат Имом Бухорийдан бу ҳикмат:  
“Илм олурким, пайғамбардан тўлуғ мерос олибдур”.

\* \* \*

Боғу баҳор бағрида қолганда юрагингиз,  
Субҳи наҳор савтини олганда тилагингиз.

Оlam гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,  
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

Бир чўғ дамни согиниб, шўх қадамни соғиниб,  
Қўшқирғогирайхонга тўлганда йўлагингиз.

Оlam гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,  
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

Ойми, офтоб туғилса, қароқларга чўғ илса,  
Келар бўлса оламни сууруга ўрагингиз.

Оlam гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,  
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

Гуллар гуркираб кетса, хушҳиди кўкка етса,  
Муҳаббатга айланса фаслингиз, фалагингиз.

Оlam гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,  
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

\* \* \*

Жонни гулга ўраган гулзорим – сиз,  
Нигоҳларим сўраган нигорим – сиз.

Во ҳасрато вожибикан васлингиз,  
Юрагимни тўлдирган озорим – сиз.

Ойдан сулув, қуёшдан-да ёруғроқ,  
Беназирим, хусни бетакорим – сиз.

Сувратингиз яшар икки кўзимда,  
Десам қани менга ҳам зор, зорим – сиз.

Толе топмас Замирани дунёда,  
Бўлмасангиз гар ёнимда борим, сиз.

\* \* \*

Кўнглингизни топгани йўл излаб жон ҳалақdir,  
Гул қани, гулоб қани, бўзлаётган юракdir.

Гулшанимнинг файзисиз, сизлаб суйсам арзийсиз,  
Ишқимга инкор эмас, изҳорингиз керакdir.

Хижрон йўли нафармон, тутгани алам, армон,  
Хастаҳолимга дармон сиздай нозли малакdur.

Йўллар узун – толди кўз, томоғимда ёнди сўз,  
Охимни англаған дўст, сел ёғдирган фалакdur.

Эй раҳми йўқ дилбарим, соғиниб кўнгил яrim,  
Сизга деган гулларим паришон, парпаракdur.

Сулувлар кўп, нетайин, бўлолмаслар сиздайнин,  
Васлингизга етайнин, бу энг тоза тилакdur.

Билмам сени қачон топдим, мұхаббат,  
Оромимга эшик ёпдим, мұхаббат.

Қарофимга дарё йүлиң бурдингми,  
Дардим ошкор сели обдин, мұхаббат.

Севдим дейиш тилимга ҳеч инмади,  
Фоз ғууриим эгилмади, синмади.

Ёмон күйдим – кундузмиди, тунмиди,  
Үт туташиб бир офтобдин, мұхаббат.

Аклим бир ён, туйғуларим бирён, вах,  
Жабр қайдан, қайдан сууруп ва фараҳ.

Дил қушимми гул деб сайраган чаҳ-чаҳ  
Айро бўлиб ҳама хобдин мұхаббат.

Кокилларим қирқ ўримми, юз ўрим,  
Ҳадя қилдинг куйиб яшаш хузурин.

Ишқизларга етқазиб қўй узурим,  
Кечиб бўлдим бу ахбодин, мұхаббат.

Хоҳла гул эт, хоҳла ҳазон, хас қил сен,  
Мен бойланган кўнгилни топ, қасд қил сен.

Сеҳрлагин, уни ҳам сармаст қил сен,  
Мен маст бўлган бу гулобдин, мұхаббат.

Күз солиб күнгил сари байрам бўлинг,  
Ташна дилга кавсари зам-зам бўлинг.

Хижронли кунлар дардидан, озоридан  
Хастаҳол жонга даво – малҳам бўлинг.

Куёш аксин кўурулар соф қатрада,  
Бағрида нур титраган шабнам бўлинг.

Икки кўзнинг қорасин айлаб Ватан,  
Кетмаган ул суврати ҳар дам бўлинг.

Орзулаб тушган қадамга гул раво,  
Иzlарига интизор олам бўлинг.

Ишқ йўли мушкул, анинг шарти сабр,  
Кўл тутиб толе томон ҳамдам бўлинг.

Эй Замира, чехрангиз парвонаси  
Мен бўлай, куйдирмажон, Сиз шаъм бўлинг.

### *Шеърият*

Манглайга ёзиб берган кўрмоғим бўл, шеърият.  
Такдирим чизиб берган сўқмоғим бўл, шеърият.

Оқилми, фўра куним, дардмандга жўра куним,  
Ишқ берган тўра куним, ҳур ҷоғим бўл, шеърият.

Иғволар ипимчувса, кўз ёшим юзим ювса,  
Шодлик бағридан кувса, дилдогим бўл, шеърият.

Сохтаю ёлгонга ёв, сўзимга жоним гаров,  
Ҳақ йўлинда турса ғов, сурмоғим бўл, шеърият.

Майли умрим гулми, хас, жондан кечгум, сенданмас,  
Замира деган бир сас-салмоғим бўл, шеърият.

*1991 ийл 31 август*

Энди юрагимни гамга бермасман,  
Энди рухим қушдир шодумон учган.  
Рӯёбини топган орзу-ҳавасман,  
Осмон кенгликларин бемалол қучган.

Сунбула бағрини тўлдирган туйғу  
Кўнгилни элитган қуйдай сеҳрли...  
Сувлар ҳофиз бўлди, ялпизлар ёғду,  
Оlam – онаси бор уйдай меҳрли.

Чехрам жилмаяди, ёшланар кўзим,  
Қаддим эгик эмас – тиклаган ғурур.  
Лабларимдан учар оловдай сўзим,  
Онажон Ватаним энди озод, хур...

\* \* \*

*...Ўзбекистон тангрининг назари тушган замин.*

Ислом Каримов

Кўнгил булбул бўлиб куйламоғи шарт,  
Севгиси айланиб томирда, танда.  
Ҳаққинг йўқлиги чин бўлмокқа бедард,  
Тангрининг назари тушган Ватанда.

Баргдаги чизиқлар бари сирли хат,  
Ўкий олган дилнинг мулкидир ҳайрат.  
Уйғунлиги шартдир сийрату суврат  
Тангрининг назари тушган Ватанда.

Оқинлари оҳанг тутмаган сой йўқ,  
Ёвқурлик топмаган тулпор йўқ, той йўқ,  
Қўрқокқа жой йўқдир, сотқинга жой йўқ  
Тангрининг назари тушган Ватанда.

Огоҳлик беради бу кўхна очун,  
Озоддир қим агар мардликка ёр чин,  
Ҳар ўғлон Алпомиш, ҳар қиз Ойбарчин  
Тангрининг назари тушган Ватанда.

Садоқат – бобомнинг берган дарси сен,  
Муҳаббат, умримнинг суннат, фарзи сен,  
Илоҳо, яшашга бу жон арзисин  
Тангрининг назари тушган Ватанда.

### *Андижон бағридадур*

Менгаким энг хуш баҳор Андижон бағридадур,  
Софинчи хушбўй наҳор Андижон бағридадур.

Юрсанг изларинг гулшан, сурсанг кўзларинг равшан,  
Гил, сувин сехри бисёр, Андижон бағридадур.

Шаҳди – Бобуршоҳга хос, муҳаббати рўйирост,  
Ярашган қадду викор Андижон бағридадур.

Софингин, ҳам суянгин, султонлари суягин  
Сира айламаслик хор Андижон бағридадур.

Асл ошиқ истасанг, сел-сел кўшиқ истасанг,  
Кел бунга, дўсти бедор, Андижон бағридадур.

Ўҳшаб қуёш, ойингга, гуллар тўшаб пойингга,  
Замира каби хумор Андижон бағридадур.

\* \* \*

Ишқ аршидан ўқилган фармонни куйлаюман,  
Тошдийда тухфа қилган армонни куйлаюман,

Севиб дард, алам ютган, сабр қўлидан тутган  
Ташна рух – интиқ кутган дармонни куйлаюман.

Олов ичра қолган жон, гоҳи дарвеш, гоҳ султон,  
Кўнгилдан кўнгил томон нарвонни куйлаюрман.

Кетиб ғубор, кетиб кин, тушингдамас, ўнгда чин  
Гул тутиб келган эркин замонни куйлаюрман.

Сўз айтса сўzlари ҳур, йўл олса излари гул,  
Замирадай ошиқ ул инсонни куйлаюрман.

\* \* \*

Нигоҳи маъсума диёр, Андижон,  
Мулк, бисоти меҳру ҳам ор, Андижон.

Бағринг сирга тўла Богошамолу  
Сойларинг куйлагич дутор, Андижон.

Оlamлар алқаган болаларинг кўп,  
Соғинчга суюнган рухсор Андижон.

Кўзлар ҳайратдадир сехрингни кўриб,  
Улуғларинг турса қатор, Андижон.

Бобурлар, Чўлпонлар, Моҳларойимлар,  
Саидалар ишқи изҳор, Андижон.

Дукчи Эшон босган тупроқдан бино,  
Муҳаммад Юсуфдан ашъор Андижон.

Кўз ёшинг ичингта оққан дарёю,  
Юзларингда тогдай виқор, Андижон.

Гар “Каъбадай гўша” ёрлиғи бўлса,  
Муносибсан дейман минг бор, Андижон.

Ҳар дарахтдан ўзин меваси тушгай,  
Замиранг ҳам сафда ҳушёр, Андижон.

2014

## *Кўқлали Қўшиғи*

Дил соғинчи яшил нафас ерлардадир,  
Сайилгоҳлар кўклам ўпган қирлардадир,  
Варраклари баланд учган болакайим  
Шўхликлари оҳангларда, шеърлардадир.  
Самовотдан ёғар яшил пайғом бугун,  
Наврӯз бугун, энг муборак айём бугун.

Орзу бордир куртакларнинг кўзларида,  
Ором бордир шаббоданинг изларида,  
Муҳаббат бор, садоқат бор, саодат бор  
Гул ўлканинг гул чеҳрали қизларида.  
Ифор қучган олам сархуш – Хайём бугун,  
Наврӯз бугун, энг муборак айём бугун.

Чучмомалар ўқийди дил дафтaringни,  
Капалаклар олиб учар айтaringни,  
Сирдошингдай шивирлаган ёмғирни суй,  
Ювиб берар кечаги бор дардларингни.  
Ифор қучган олам сархуш – Хайём бугун,  
Наврӯз бугун, энг муборак айём бугун.

Чанқовузлар кенгликларга куй беради,  
Бодомзорлар чайқалиб хуш бўй беради,  
Оlamларни ошиқ этган Ўзбекистон  
Дўсту ёрга тўйхат ёзиб тўй беради.  
Ҳайрат ичра олам сархуш – Хайём бугун,  
Наврӯз бугун, энг муборак айём бугун.

2014

## *Аёлга Қасида*

Нигоҳларинг муҳаббатли, меҳрлидир,  
Айтар сўзинг олов тафтли, сехрлидир,  
Аллаларинг орзу, ором қўшиғидир,  
Тебратганинг келажакнинг бешигидир.  
Хаёллари Ҳумо қушдай учган Аёл,  
Бахт деганда боласини кучган аёл.

Жасоратда Тўмариссен, ишқда Лайли,  
Дунёларнинг гўзаллиги сен туфайли,  
Яхшиликлар япроқ ёзар дилбоғингда,  
Алпомишлар улғаяди қучоғингда.  
Хаёллари Ҳумо қушдай учган Аёл,  
Бахт деганда боласини кучган аёл.

Сўзаналар санъатингдан сўйлаб берар,  
Атиргуллар кўнглинг ҳақда куйлаб берар,  
Фидойижон бекасидан кўргонинг шод,  
Бегим дея суйиб яхши кўргонинг шод.  
Хаёллари Ҳумо қушдай учган Аёл,  
Бахт деганда боласини кучган аёл.

Ҳаёт бериб неча-неча даҳоларга,  
Элга тутдинг ўраб оппоқ дуоларга,  
Юрагингдир муҳаббатнинг хос саройи,  
Асли сенсан даҳоларнинг қуёш, ойи.  
Хаёллари Ҳумо қушдай учган Аёл,  
Бахт деганда боласини кучган аёл.

Асо тутиб Хизр келар сен йўқласанг,  
Эзгуликнинг ўти ёнар сен чўғласанг,  
Жилмаясан кунларингдан кўнглинг тўлар,  
Ўзбекистон иззатингни бошга қўяр.  
Хаёллари Ҳумо қушдай учган Аёл,  
Бахт деганда боласини кучган аёл.

2014

\* \* \*

Кимнингдир ишқида қўшиқлар айтиб,  
Пойида жонлари ҳалак бўлдингиз.  
Мени пинҳон ўйлар чирмаган пайти,  
Кўнглимни сезмаган юрак бўлдингиз.

Кумушга ҳавасда жим-жим йифлайман,  
Зайнаблик чекида жонни тиғлайман,  
Увоқдайман. Еру кўкка сиғмайман,  
Дардимни тинглашга керак бўлдингиз.

Жисму вужудим бор, жоним йўқ, худди  
Боссам товонимни тишлар чўғ, худди  
Дилни ўйиб борар армон – ўқ, худди,  
Фақат хаёлимда тирак бўлдингиз.

Кўзларимдан оққан жола – селим – Сиз,  
Ўйимда минг такрор “кел-ей, кел”им – Сиз,  
Гоҳ шодон, гоҳ нолон фазлу феълим – Сиз,  
Қўлларим етмаган фалак бўлдингиз.

\* \* \*

Ошиқ этди чеҳраси бир гул мани,  
Ёнар бўлди вужудимда гулхани.  
Дардларимни сезмаган ўшал ёрнинг  
Тош кўнглини топай десам йўл қани?!

Истакларим тахлам-тахлам тоғ бўлар,  
Гулим десам хаёлим гулбоғ бўлар.  
Минг чорласам бир келмайди, во дариг,  
Кунларимга аламлар ўртоғ бўлар.

Юрагимни куйдиради лаҳча чўғ,  
Жоним бору жон ичра оромим йўқ,  
Холим сўраб сахролардан Қайс келар,  
Фақат ул йўқ, ўша тошдил ёrim йўқ.

Ул самода, мен муборак ердаман,  
Дийдор кутган хаёлдаман, ўйдаман.  
Куйгич кўнгил топсин мени, ёронлар,  
Оловланган қўшиқдаман, куйдаман.

\* \* \*

Юрса изи тушар деб йўлга айландим, бегим,  
Суйса кўзи тушар деб гулга айландим, бегим.

Тўлқинланиб туйғуси, тунлар қочиб уйкуси,  
Юрагида орзуси мўлга айландим, бегим.

Соя солмай чироги, сўзга кўчмай сўроғи,  
Шўрликкина қароғи ҳўлга айландим, бегим.

Бардош, сабри сўнмаган, ўзга ишқа кўнмаган,  
Иқбол қуши қўнмаган қўлга айландим, бегим.

Дардан тўйди дафтарим, бағрин ўйди айтарим,  
Ғурурнинг қўлида жим... қулга айландим, бегим.

\* \* \*

Жаннат йўли десалар сенга боққайман, Ватан,  
Тупроғингга бош уриб Ҳаққа ёққайман, Ватан.  
Муҳаббатга ўроғлик кўнглимни тухфа айлаб,  
Кун сари, кундин сари мағзинг чаққайман, Ватан.

Менинг бобом деганим, сенинг илми орифинг,  
Дунё кезар қашфида улуғ исми шарифинг,  
Тўрт фаслининг ҳуснида бордир таъриф-тавсифинг,  
Суйиб, сизлаб сочимга гулинг таққайман, Ватан.

Кўклам елкалаб келган бинафшанинг юзиман,  
Ошиқман деган жоннинг ўт сараган сўзиман,  
Тулпор минган чамбарсоч Тўмариснинг қизиман,  
Мард кирап майдонингда ёвинг йикқайман, Ватан.

Сен юзимни силасанг, ҳусни бойинг бўламан,  
Бағрингга нур тўшаган қуёш, ойинг бўламан,  
Садоқатга тўламан, мухаббатга тўламан,  
Оққан дарё бағрида мен-да оққайман, Ватан.

2014

\* \* \*

Бу умрим шарҳи сенга чин фидоликдир, Ватан,  
Лаҳзаким – сен чорласанг хуш садоликдир, Ватан.

Ўз-ўзига беклигим севгингга ўралгандир,  
Йўқса умрим бор-йўғи бир хатоликдир, Ватан.

Тупроғинг кечиб, сувинг ичмоғим ўзи давлат,  
Сендан айро қисмат ул – хор, гадоликдир, Ватан.

Гулинг не, четдаги бир жимит тошингда азиз,  
Қаҳратонми, саратон дилга жоликдир, Ватан.

Ҳурлигинг, озодлигинг чехрамнинг чиройидир,  
Замиранинг рости шу, дил наволикдир, Ватан.

2014

\* \* \*

Дунёнинг пасту баланд йўлагида куйинган,  
Термилиб бир майсанинг тирагида суюнган,  
Ҳайрат топса кўзлари юрагига куй инган,  
Сизга садоқатим бор, тилаги гул-гул одам.

Тупроқ билан тиллашиб дараҳт эккан, гул эккан,  
Изи ердан узилмай кўкси кўкларга теккан,  
Фидоси бўлиб Ҳакнинг рухсорига кўз тиккан,  
Сизга садоқатим бор, юраги булбул одам.

Ибодатнинг бир шарҳи яхшилик деб сиғинган,  
Кўнгил буюргани – шеър, баҳшилик деб сиғинган,  
Нодўстнинг ҳам кунига чирой, ҳусн соғинган,  
Сизга садоқатим бор, севгиси мўл-мўл одам.

Кўклам кулдирган сойнинг қучоғидаги қўшиқ,  
Асотирлар майдонин яроғидаги қўшиқ,  
Нигоҳида ниҳон роз, ҳамишалик чин ошиқ,  
Сизга садоқатим бор, қадди тоғ – норғул одам.

Тангридан тухфа кунга, тирикликка минг шукур,  
Бу қадар руҳсори хуш шерикликка минг шукур,  
Лаҳзангиз, кунингизга керакликка минг шукур,  
Сизга садоқатим бор жон ила буткул, одам.

2014

\* \* \*

Ҳақдан сендей дилдор сўраган,  
Соғинчига дийдор сўраган,  
Шунчакимас, зор-зор сўраган  
Бу жонимни сочинингга бойла,  
Мен ошиқни баҳтиёр айла.

Сифмай кетдим гарчи дунё кенг,  
Сўзга сифмас айтарларим минг,  
Кулоҳини кийдим Машрабнинг,  
Оразимни кўзингга жойла,  
Мен ошиқни баҳтиёр айла.

Муҳаббатсиз ҳаёт мағзи пуч,  
Жизғанак жон муҳаббати куч,  
Эй васлига пардалар тортқич,  
Орзуимни орзунгга бойла,  
Мен ошиқни баҳтиёр айла.

Топсам қани юрагингга йўл,  
Чеккан охим, тутган меҳрим мўл,  
Худойимнинг жаннати сен бўл,  
Кел умрингга умримни бойла,  
Мен ошиқни баҳтиёр айла.

\* \* \*

Қизил гулга ярашиқ  
Қўлларимда хинам бор.  
Софинчимга қоришиқ  
Ўшал ёрдан гинам бор.

Айланиб ҳол сўрайди  
Субҳидамнинг сабоси.  
Кўзларим йўл қарайди,  
Жон шу йўлнинг гадоси.

Келтирмайди хушхабар  
Кўклам қалдирғочлари.  
Йўл тўсдими суманбар,  
Сулувларнинг соchlари.

Ўйларимни инчунин,  
Туман тўсиб боради.  
Юрагимда кун-бакун  
Гумон ўсиб боради.

Билмайди ёр нечоғлик  
Дилим алам чекканин.  
Муҳаббатга ўроғлик  
Бахти менда эканин.

2014

\* \* \*

Куёшни интиқиб кутади,  
Қорларнинг остида қораси.  
Бағрида хотамлик ётади,  
Бу бағир – ўзбекнинг даласи.

Тошларни тимдалаб ниш урган,  
Офтобдан гул тергич майсаси.  
Қанчалаб қайралган тиш кўрган,  
Ботирдир – ўзбекнинг даласи.

Кўкламда келиндай кийинган,  
Жаранглаб яшил барг ялласи.  
Тўкинлик келганда суйинган  
Онадир – ўзбекнинг даласи.

Томирда гупириб қон юрса,  
Ҳеч бўлгай кулфатнинг ҳамласи.  
Хирмони деҳқонга буюрса,  
Юксалган ўзбекнинг даласи.

Элига ризку рўз тилаган  
Хонишдир келганда хонаси.  
Тер тўккан манглайни силаган  
Донишдир ўзбекнинг даласи.

2014

\* \* \*

Севги эрур юрагингни тозартирган,  
Гоҳо шодлик, гоҳо минг хил озор берган.  
Соғинтирган туғилган уй ҳовлисини,  
Ўчоқ боши, қапгир, чўмич, човлисини.  
Ёдга солиб кўрпаси кенг сандалини,  
Нонуштага кулча тутган тандирини.  
Ариқчада жилдир-жилдир қўйлаган сув,  
Зор чанқатиб ҳайдалганда кўздан уйку.

Севги эрур дилинг узмай эртаклардан,  
Дасталатиб райхон, жамбил, чечаклардан  
Малҳам тилаб айрилиқнинг озорига,  
Етаклаган ота-онанг мозорига.  
Жонинг ёниб қўш қабрга бош этганинг,  
Ғур дамлардан сўйлаб ортга кўз тикканинг.  
Юрагингга бир парча нур тушиб ногох,  
Сезганларинг алқаганин маъсум нигоҳ –  
Севги эрур...

Севги эрур, Ватан десанг тўлган қўнглинг,  
Болам дея бурч узатган ўнгу сўлинг.  
Авлиётус боболардан сўз кетса гар,  
Руҳи-дилинг юксалгани осмон қадар.  
Суйиб, куйиб ўтганларни айлаб тавоб,  
Англаганинг не гуноҳу нима савоб.  
Кўчангдаги тошларга ҳам этмай бефарқ,  
Олисласанг соғинчиға айлаган ғарқ –  
Севги эрур...

Севги эрур дўст айлаган баҳорларга,  
Сирдош этган такаббурдан дилхорларга.  
Эшик очиб ишқи озлар озорига,  
Ҳайрон этган ўсал дунё бозорига.  
Ошган сари вафосизнинг жабрлари,  
Сенга ҳалво ваъда қилган сабрлари.  
Нигоҳингда мажнунтолнинг сочин силаб,  
Йиглаганинг садоқатга умр тилаб –  
Севги эрур...

Севги эрур алҳазар деб нурашларга,  
Ҳаётингни ҳадя қилган курашларга.  
Вужудингни ҳапкиртириб ўту чақин,  
Асотирлар қаторига этган яқин.  
Изинг ерга, бошинг кўкка тегиб бирдан  
Воқиф бўлсанг ишқи йўқлар билмас сирдан.  
Аё дўстлар, ул севгига жонни тутиб,  
Бородурмиз бир кун буюк Ҳаққа етиб.

2014

\* \* \*

Хабар етди. Бугун ёр боға келмиш,  
Шифо сувлар сепгани доға, келмиш.

Аразлардан кечиб, айлаб муруват,  
Сулувликлар бахш этиб чоға – келмиш.

Яйратар йўлларни соҳир бўй чунон,  
Самолардин гулоблар ёга келмиш.

Васлдир бу – мисоли ташна йўлчи,  
Узун даштдан кейин дарёға келмиш.

Ҳажрнинг жабри чўктирган кўнгилни  
Ўстирибларми баланд тога келмиш.

Тоза туйғу, тоза ҳисли тоза рух  
Бори ғамдин энди кечмога келмиш.

Эй Замира, тут қалам илҳом ила,  
Севги булбуллари сайроға келмиш.

2014

### *Бу ватан*

Бу заминда не асотир от сурган,  
Аллома деб дунё шу ён юз бурган,  
Бузмаган ҳеч, нукул кашф этган, қурган,  
Заҳматкашнинг заррин хати – бу Ватан.

Кубролари “ё ўлим, ё эрк” деган,  
Қўркоқларга яшаш йўли берк деган,  
“Биз миллатнинг бош бўғини... Турк” деган,  
Хоқонларнинг хос давлати – бу Ватан.

Кунлар бўлди – гоҳ жабр, гоҳ қатағон,  
Майдон тушди ўзин фарзанд атағон,

Не балолар кўрмади-я бу қўргон,  
Не курашлар марҳамати – бу Ватан.

Шайдолари экиб кетди дов-дараҳт,  
Фидолардан мерос бўлиб қолди шаҳд,  
Бу тупроқда туғилмоқ ҳам асли баҳт,  
Шажаралар шиҷоати – бу Ватан.

Мустабидлик йитди – дилни доғ қилган,  
Бугун хурлик чироқлари ёқилган,  
Озодлигинг асрой дея аҳд қилган  
Замиралар муҳаббати – бу Ватан.

2014

\* \* \*

Сен панд бердинг.  
Мен синдим қасраб,  
Ўйладинг, тугадим энди ман.  
Йўқ, менингмас биронта ҳасрат,  
Синиб ҳам ғуурурнинг тенгиман.

Рост санчилди юракка тикан,  
Нетай буям кўргулик экан,  
Демишлар-ку дунё бири кам,  
Дод солайми энди шунга ман.

Гарчи заҳар чайнаган ошим,  
Ошкор оқмас лекин кўз ёшим,  
Кум бўлса не, чангала тошим,  
Сабрнинг бағрига сингаман.

Сенинг қодирлигинг – хиёнат,  
Оғриқдан оламим омонат,  
Томошаталаблар тумонат,  
Ўлмас жон тутаман унга ман.

Безанган ёлғонга шериклик  
Тугади,  
Бирок бор тириклик,  
Кунимни топгунча ёруғлик,  
Күз тутаман росту чинга ман.

Зулмат мангы бўлмас.  
Тун ўтар,  
Оразимдан сомонлик кетар,  
Ким айтибди мени ғам ютар,  
Мен уни қиличлаб енгаман.

2014

### *Қўшиқ Қилгин*

Кўнғил, куйла, ҳамалми, хут,  
Тўрт фасли тенг барокот, кут,  
Тангри назар солган бу юрт  
Кўрғонини қўшиқ қил.

Аждодлари қолдирған из  
Бари билим, ҳикмат, тамиз.  
Авлодликка лойиқ ҳар қиз,  
Ўғлонини қўшиқ қил.

Ҳар хонадон мулки – бешик,  
Янграп нафис алла – қўшиқ,  
Меҳмоннавоз очиқ эшик,  
Мезбонини қўшиқ қил.

Дала, боқقا тараалган сув,  
Оқар мисли умид, орзу,  
Кетмон урган дехқонию  
Боғбонини қўшиқ қил.

Майдонларда кўкрак керган,  
Чавандозу моҳир мерган,

Юрт тинчлигин асрай деган  
Полвоңнини құшиқ қил.

Садоқатлар бутун, бикир  
Она тупроқ тилда зикр,  
Элим деган дониш фикр  
Султонини құшиқ қил.

2014

### *Бешік бошида*

Кувончимсан сен ўзинг, митти гулим, аллаё,  
Сенгача куним не дард ютди, гулим, аллаё.

Минг шукур, тебратганим бешік бўлди, аллаё,  
Айтар сўзларим дардчил қўшиқ бўлди, аллаё.

Ҳайрон бўлма кўзларим бироз мунгли, аллаё,  
Яrim бўлди нетайин онанг кўнгли, аллаё.

Мен суйдиму, суйгувчи дил топмадим, аллаё,  
Суйгич дилга етказар йўл топмадим, аллаё.

Ётмас дерлар ишонган тоғда кийик, аллаё,  
Шундан бағрим яродир, кўксим куюк, аллаё.

Куюк дилнинг севгиси кучли бўлар, аллаё,  
Дард келганда курашчан, бурчли бўлар, аллаё.

Сен келдинг, мана бахтга ўзинг етказ, аллаё,  
Армонларим тахламин бир-бир кетказ, аллаё.

Юрганингда йўлингга гул пояндоз, аллаё,  
Яйраб-яшнай, онам деб берсанг овоз, аллаё.

Яrim кўнглим тўлдиргил, ўсиб улғай, аллаё,  
Иқболингга умримни чайиб, чулгай, аллаё.

Сенинг мунчоқ кўзингдан айланайин, аллаё,  
Чинордай бўй-бастингга бойланайин, аллаё.

Севги топгин, севгингга лойиқ дил топ, аллаё,  
Орзуларга ярашиқ тоза гул топ, аллаё.

Бахти бўлсанг ўша кун дардим арир, аллаё,  
Ўзинг менинг чироғим, нурим ахир, аллаё.

2014

## *Ватан*

Ақлимми, кучимми, сўзимми – бари  
Сенинг севгинг учун бахшида, фидо.  
Мастона жилмайсанг ғамларим нари,  
Яшнаганинг сари армоним адo.

Бош урсам – жойнамоз шу улуғ тупроқ,  
Кучу қувват берар хоки тизимга.  
Мен сенинг сал содда, сал-пал ўжарроқ,  
Таъбida шоирлик зоҳир қизингман.

Чагир тошинг, чўпу хасингда азиз,  
Васфингга ташбехлар излаб ўтарман.  
Эркингни асраган ҳар ўғлон, ҳар қиз  
Инимдур, синглимдур – сизлаб ўтарман.

Неки фазилатим меҳрингдан бино,  
Сени суйганларнинг бари суйганим.  
Аммо бадниятнинг юзларин қаро  
Этгунимча совут менинг кийганим.

Ақлимми, кучимми, сўзимми – бирдай  
Буюк Ватан ишқин куйлаётган най.

2015

\* \* \*

Бунча кўп йигладинг. Аччиқ йигладинг,  
Кўзинг қорайишин истадингми ё.  
Нокаслар дайридан кимни йўқладинг,  
Кўнгил маконингга тиланиб зиё.

Алдамчи ҳисларни ҳайда бу нафас,  
Хотирлардан кечгин, эй куюк бағир.  
Тубанлашган кимса сени эшитмас,  
Ишқ билан баландсан, баландсан, ахир.

2015

\* \* \*

Ёр келар гул-гул ёниб гулшан аро,  
Юзлари сутранг, эгик қошлар қаро.

Фамзами ул кўзларида нози кўп,  
Бунча ноздин нечанинг бағри яро?

Белга урган соchlари майда ўрим,  
Нақши чўғ тус атлас ичра маҳлиқо.

Яхшиям қундуз...  
Самода ой ниҳон...  
Кўрса рапшдин бўларди мотамсаро.

Суврати хуш, сийрати андин гўзал,  
Бу санам қайси баҳтлига раво.

Рози дилга сўз қани ошиқ учун,  
Куй или берсин кўмак танбур, сато.

Мен анинг кўнглин топай, жоним тутиб,  
Эй Замира, сидқидил айла дуо.

\* \* \*

Васл чог даштни гулшан деб күрсатур ишқ,  
Оқбулоқ орзу қатыға ботур ишқ.

Келса ғурбатми, ғусса – қўрқма сен,  
Чархлайнин деб ўшал ўтга отур ишқ.

Оҳ ... хиёнат келсами... йиглашиб teng,  
Манглайнингта лаб босиб туз тутур ишқ.

Жафокорлар жабри оғирдур, вале,  
Ҳар томирда минг чидам қўзғотур ишқ.

Эй Замира, билки ошиқ кўксига  
Асотирлар азмини уйғотур ишқ.

2015

## *Dyo*

Оlam – чаман, кўркини  
Асрой деган тилак бўл.  
Улуғ сафда юкини  
Кўтаролган билак бўл.

Оқа бил, кутсин денгиз,  
Қирғоғинг ўпсин ялпиз.  
Тоза туйғу, тоза ҳис,  
Мұхаббатли юрак бўл.

Гуруч курмаксиз бўлмас,  
Дунё туллаксиз бўлмас,  
Хайри йўқлар кетса паст,  
Сен улардан бўлак бўл.

Суяниб ўт имонга,  
Мазмун бахш эт ҳар онга.

Зулмат қийнаган жонга  
Нур илинган фалак бўл.

Яхшиликка эш бўлгин,  
Яшилликка хеш бўлгин,  
Кўкламларни хуш кўрган  
Япроқ ёзар куртак бўл.

Англаб фазилат-феълинг,  
Болам деб суйсин элинг.  
Тенг тикилса ёлғон, чин,  
Саралаган элак бўл.

Илк бор кўз очган гўша  
Кучоғига гул тўша.  
Муқаддас Ватан – ўша,  
Зарурда жон бермак бўл.

Мен борингман, Ватан, де,  
Ғуссасин ол, ғамин е.  
Айтганларим АЛИФБЕ,  
Зиёга муштарак бўл.

Онанг шу – қутлуг Замин,  
Рози қил бутлаб камин.  
Севиб меҳр тут, омин,  
Кунларига керак бўл.

2015

\* \* \*

Ошиқлик оламин кезгин, юрагим,  
Ўзингни-да ошиқ сезгин, юрагим.

Тинглагин, муҳаббат куйлари турфа,  
Гоҳ шўх, гоҳи маъюс, эзгин... юрагим.

Истак гулларини ардоғингга ол,  
Күнмасин уларга қузғун, юрагим.

Хижронига чида, риёзатин чек,  
Сабр маржонларин тизгин, юрагим.

Нафис мажлисларда ўз сўзингни айт,  
Парвозлар тиласанг ўзгин, юрагим.

Сенинг исминг – ошиқ, хуснинг – садоқат,  
Вафосизлик қасрин бузгин, юрагим.

Замиранинг ишқин бор этсанг, борсан,  
Йўқсаким розиман, тўзгин, юрагим.

2015

\* \* \*

*Фидойиjson табиб, олим ва адаб  
Алижон Зоҳидийга*

Элим деса,  
Юрагини ёритади  
Мозий ёқдан боболарнинг заррин хати.  
Илм деса,  
Юрагини ёр этади,  
Игна билан қудуқ қазиш машаққати.  
Аёз урган дилга Қуёш илинади,  
Чанқоқ лабга чашма сувин тутар ҳали.  
Улкан ишққа эгалиги билинади,  
Шу ишқ ила улуғликка етар Али.

2015

## *Дүлсүз*

Ёмгир янглиғ ҳамал фурсати,  
Далаларга күклик бахш этсам.  
Йитган қувонч, завқин күрсатиб,  
Қаридим деганни ёш этсам.

Күмак тутиб адашган изга  
Порилласа ёққан чироғим.  
Хайрат ҳадя қилиб ҳар күзга,  
Қийғос гуллаб юборса боғим.

Қорачиғда турган Ватаннинг  
Тупроғига түқилса кучим.  
Ёғийсига нафратларим минг,  
Сира адo бўлмаса ўним.

Буюк бурчлар инъоми бирла  
Бутунланса каму қўстларим.  
Одамийлик мақоми бирла  
Мен тирикман демак, дўстларим.

2015

\* \* \*

Бу кун юрағимнинг шиддат, шаҳди бор,  
Тонглар тухфа этган тоза аҳди бор.

Кўхна обидалар пештоқларида  
Улуғвор ўзлигим суврат, савти бор.

Она заминимга бош эгдим, суйдим,  
Тупроқнинг меҳрдан бино тахти бор.

Аждодлар умиди қадимни тиклар,  
Бошимни силагич отам кафти бор.

Йўлчига риёзат, ранж бисёр, вале,  
Курашchan кунларнинг бир кун накди бор.

Хеч кимдан камлигим, қарамлигим йўк,  
Жонда хурриятнинг ҳузур тафти бор.

Шукурким, Замира, менда – Ватаним,  
Озод Узбекистон дейиш бахти бор.

2015

\* \* \*

*Тоғай Мурод ва Маъсумага*

Узун тушларимга чирой беради  
Нигоҳида ёниб муҳаббат, изҳор.  
Мен учун жаннатий гуллар теради  
Ёдим меҳробида яшаган дийдор.

Севмоқ, севилмоқдан сабоғи унинг,  
Сабр йўлин суяр чироғи унинг.  
Гўзал ҳатто қайғу, фироғи унинг,  
Ёдим меҳробида яшаган дийдор.

Оққуш у – тиниқлик ичра рақс этар,  
Булутлар бағрига суврат нақш этар,  
Умрга етгулик соғинч бахш этар  
Ёдим меҳробида яшаган дийдор.

Ҳаёт не, тириклик нима, англатар,  
Юксалган рух учун оҳанг янгратар,  
Ҳадялари доим ёруғ тонготар...  
Ёдим меҳробида яшаган дийдор.

2015

\* \* \*

Узүн йўлга соғинчимдан чироқ тутиб,  
Кабутарни элчи қилдим юрак ютиб,  
Сўраганим бори-йўғи битта мактуб...  
Ёзмадингиз, ёзмадингиз.

Ҳижронлардан тухфа бўлди ғаму ғуссам,  
Билолмасман, Сиздан қандоқ кўнгил узсам,  
Таниш боғда мискин сабо бўлиб эссам...  
Сезмадингиз, сезмадингиз.

Сочин ёйиб келди видо – силаб ўрдим,  
Мендан бошқа эганг йўқми, дея сўрдим,  
Хиёнатнинг кўчасида соя кўрдим...  
Сизмидингиз, сизмидингиз.

2015

## Ўйғониш

Кўзимни яйратар уфқнинг ранги,  
Юрагим навқирон куч топиб урап.  
Кўпдан соғинганим қўшиқ жарангি,  
Топилдигим бўлиб кўнглимга киар.

Энди кунлар мендан норизо бўлмас,  
Туннинг тўнин ечиб ғолиб тураман.  
Ошиқ фаслларга монанд гулнафас,  
Куйчи қушлар билан суҳбат кураман.

Фикримни банд эта бошлар парвозлар,  
Тушкун лаҳзаларнинг бошин ёраман.  
Алвидо, ёлғон дўст, вафоси озлар,  
Мен буюк муҳаббат томон бораман.

2015

\* \* \*

Сулувлиги Зухрою Лайларига юқсан,  
Келинлари шербилақ, шердил ўғиллар түкән,  
Нигоҳлар тебранган гул, гиёҳдан маъно уқсан,  
Маскан бу – меҳри мастон,  
Ватан бу – Ўзбекистон.

Ёниксўз муаррихдир икки дарё тўлқини,  
Севгиси баланд руҳдир шашмоқомин талқини,  
Асрлардан асрга мерос ўтар ёлқини,  
Гулхан бу – шарҳи достон,  
Ватан бу – Ўзбекистон.

Шу бағирдан таралган теран тафаккур нури,  
Маржон-маржон тизилган илму ҳикматнинг дури,  
Зарвараққа кўз солиб осмон бўлган ғурури,  
Чаман бу – боғу бўстон,  
Ватан бу – Ўзбекистон.

Аллалар ёғдирай деб кўкка юлдуз қалашди,  
Зулматин оғдирай деб куёш кўшкига шошди,  
Ўйғонган юракларга ҳурлик шунча ярашди,  
Гулшан бу – гул, гулистон,  
Ватан бу – Ўзбекистон.

2015

## *Фарёд*

Шиҷоату шахди мисли бургут эдинг,  
Кўнгил-кўксинг тўла орзу, умид эдинг,  
Менинг она юрагимга қувват тутган,  
Меҳри бутун, ишқи бутун йигит эдинг.  
Кўрганки кўз суйган атиргулим, болам,  
Суймаса не эди сени ўлим, болам.

Боғларимдан қайтмас бўлиб кушим учди,  
Нолон қолдим бошдан ақлу хушим учди,  
Менинг ўн йил тилаб олган Шуҳратжоним  
Болалари етимликнинг ошин ичди.  
Кўрганки кўз суйган атиргулим, болам,  
Суймаса не эди сени ўлим, болам.

Фифон ичра кўз ёшим шашқатор бўлди,  
Дардларимга урилиб тонготар бўлди.  
Минг бир орзум бир лаҳзада тўзди гўё,  
Мингта армон тоштикандай ботар бўлди.  
Кўрганки кўз суйган атиргулим, болам,  
Суймаса не эди сени ўлим, болам.

Йўлинг сўнгги бори ўттиз беш бўлдими,  
Менга ўттиз беш минг алам эш бўлдими,  
Ногаҳонда бир гумбурлаб еру само,  
Баҳор узра ёпирилган қиши бўлдими.  
Кўрганки кўз суйган атиргулим, болам,  
Суймаса не эди сени ўлим, болам.

Тупроқ қучган бўз кўйлагинг енгиз, нетай,  
Дунёлар тор, йўлаклари энсиз, нетай.  
Худонинг хуш оятлари тухфанг бўлсин,  
Таваллудинг куни келди сенсиз, нетай.  
Кўрганки кўз суйган атиргулим, болам,  
Суймаса не эди сени ўлим, болам.

2015

# Пұртлиқтар

\* \* \*

Йилларки тонгларни бирга кутишди,  
Ухлашди ёнма-ён иккى ёстиқда.  
Бир-бирин англамай, билмай ўтишди,  
Икков иккى давлат, иккита қытъа.

\* \* \*

Вужуд толиққан дам күчман дегин, қалб,  
Ишқисизларга нафрат. Үчман дегин, қалб,  
Гулга, гүзәлликка баҳшида дилман,  
Садоқат ҳиссидан зичман дегин, қалб.

\* \* \*

Қаландарман гарчи жанда, кулохим йўқ,  
Байтларимдан чиқиб келар шамс, моҳим йўқ,  
Сур ҳажрнинг азобидан қочай десам,  
Васл гулин тутиб турган паноҳим йўқ.

\* \* \*

Сизни кутиб мунг қоплаган созим йиғлар,  
Навбатин куз олиб қўйган ёзим йиғлар.  
Мағрурликнинг асосига суюндим жим,  
Изҳор топмай кўмилган дил розим йиғлар.

\* \* \*

Вужудимда гуриллаб бир олов ёнди,  
Билмадим дўстмидир у ёки ёв, ёнди.  
Бу ошиқлик деди кимдир, бу шоирлик деди ким,  
Иккиси бир! Фарқи не, бу жоним гаров ёнди.

\* \* \*

Мен сизни чорладим гул нафасида,  
Кузатдим айланиб ой ҳавасида.  
Чимиликли уйга кириб кетдингиз,  
Ишким ётган эди остонасида.

\* \* \*

Қизғон, ишқисиз дунёлардан рух, танни қизғон,  
Күшиқ суймас рүёлардан гулшанни қизғон,  
Ҳар гардини оғриғингга малҳамлар этиб,  
Сўзи сохта гўёлардан Ватанни қизғон.

\* \* \*

Юрак ёнгин, эврулмайин “бас, тўхта”ларга  
Парво этмай ҳузурдаги хўп пухталарга.  
Юрт бошига иш тушганда, энг аввали,  
Суянар у олов билан омухталарга.

\* \* \*

Ишким баланд учган оппоқ қуш бўлар,  
Уйқунгизни ўпган ёруғ туш бўлар.  
Айрилдик, энди у ўзгада деманг,  
Ўзга ёрдан менга ўлим хуш бўлар.

\* \* \*

Тош отарлар бири бири изидан,  
Хато қидирарлар айтган сўзидан.  
Рақиблар олами ичра ҳеч ким йўқ,  
Айбини сўраган ўзи ўзидан.

\* \* \*

Ҳар ишки вожибдур аҳд қатъиятдан,  
Кўнгил бойиса гар, бу оқ ниятдан.  
Рўёбини берар тангри албатта,  
Тозарса бас вужуд риё, иллатдан.

\* \* \*

Сени йиғлатдими нокасу суллоҳ,  
Йиғлама буям бир күргулик ногоҳ,  
Яхшиларнинг қадри билинсин учун  
Уларни атайлаб юборган Оллоҳ.

\* \* \*

– Аллома ким?  
– Ўзига тафтишчидай боқолган,  
Яхшисини ўстириб, бадин ўтда ёқолган.  
Дунё бир<sup>к</sup>орилфунун, унинг илми толиби  
Донишу нодонидан бирдайин сабоқ олган.

### *Үчликлар*

“Бизлар севмагандик. Ажрашдик. Тамом”.  
Тушунтириб қўйинг қалбларга буни  
Агарда курбингиз етса.

\* \* \*

Нима ноҳақлик бу –  
Сизсиз сигдирмаяпти мени  
Шодликнинг кенг, узун йўллари.

\* \* \*

Тақдир деган сўз бор яхшиям,  
Юраклар олдидаги айбимизни  
Кимга тўнкардик бўлмаса.

*Етсанг хазонда бօг аро сориг юзим согин,  
Кўрсанг зулол сувини шеъру сўзим согин.  
Захириддин Бобур*

Эллик бор хазонли куз қўрдим, сизни  
Сориг рангда сехр қўриб соғиндим.

Зилол сувдай ноёб байтларингизни  
Дил яиратиб ўқиб туриб, соғиндим.

Ҳар байтларки, малҳам топдим кўнғилга,  
Ағёрлардан асраб юриб, соғиндим.

Ким ноз этди, ким фироғ этди Сизга,  
Дардизлардан юзим буриб, соғиндим.

Мен беш аср кейиндаман, ортдаман,  
Армонимни беш орттириб, соғиндим.

Кўнғлингизни топсам бўлар қай йўлдан,  
Девонавор хаёл суриб, соғиндим.

Овоз келди Кобул, гоҳ Ҳинд тарафдан,  
Андижонда маскан қуриб, соғиндим.

Тинч кунларнинг, ҳур кунларнинг атри хуш,  
Истакларга ифор уриб, соғиндим.

Ҳур ифорлар топдилар Сизни, бобо,  
Ташрифингиз қутлаб туриб, соғиндим.

Улуғларнинг сұхбатлари бир шараф,  
“Бобурбоғда” шўх югуриб, соғиндим.

Соғиндим мен Сизни, шоҳим, шоирим,  
Хокингизни кўзга суриб, соғиндим.

“...табиблар ҳар неча дору дармон бердилар яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуғиши эрди, арзга еткурдиким, ушмундок дардларга дармон будурким, яхши иимарсалардан тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки, Тенгри сиҳат бергай. Менинг кўнглимга келдиким, Мухаммад Ҳумоюннинг мендан ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзим тасаддуқ бўлайин. Худо қабул қиласин...”

“Бобурнома”дан

“Жоним бўлсин Ҳумоюннинг тасаддуғи...”,  
Оталиқ бу қадар катта бурч бўлди.  
Олмослардан мўлроқ меҳрнинг чўфи  
Хасталик аждарин енгтан куч бўлди.

Юз-кўзда оғриниш, иккиланиш йўқ,  
“бу хаста чеҳрани қайта топ, эй нур,  
Ҳумоюн соғайса бўлди...” кўнгил тўқ,  
Ажалга қўл чўзди Ҳазрати Бобур.

Молу мансаб учун курашлар кўрган  
Ямоқ тўнли дунё бунинг гувоҳи.  
Инграётган фарзанд учун жон берган  
Заҳириддин Бобур – фарзанд паноҳи...

### *Озодлигини бўлсин олон*

Сени суйгай бу оламнинг чархпалаги,  
Улутларни улгайтирган бешигимсан.  
Тилга кирса агар тарих зарварафи,  
Жаранглари сўнмайдиган қўшигимсан.

Ўзбекистон, гардингни кўз-қошга кўяй,  
Жаҳон аро ҳурматингни бошга кўяй.

Бемашаққат кетмас карвон катта йўлда,  
Сабоқ берар гоҳ уриниб-суринмоқлик.  
Осон эмас байроғин тик тутиб қўлда,  
Жаҳон ичра бўю басти кўринмоқлик.

Ўзбекистон, бўй-бастингни жонга йўяй,  
Ҳалол топган ҳурматингни бошга қўяй.

Ширин бўлар ахиллиқда нон-ошинг ҳам,  
Аҳилларни енголмагай ёв ҳеч қачон.  
Омон бўлсин элим деган элбошинг ҳам,  
Озодлигинг ўзинг билан юрсин омон.

Ўзбекистон, гардингни кўз-қошга қўяй,  
Жаҳон аро ҳурматингни бошга қўяй.

2009

### *Ҳабибингман*

Нигоҳимда юз минг ҳайрат бор,  
Термиламан, яйрайман, Ватан.  
Чорловингта турибман тайёр,  
Кунларингта ярайман, Ватан.  
Ифтихорим кафтидасан, Ўзбекистон,  
Муҳаббатим тафтидасан, Ўзбекистон.

Ҳабибингман севгиси якто,  
Суяниб қад кергумдир, Ватан.  
Табибингман, сен учун ҳатто  
Жонимни ҳам бергумдир, Ватан.  
Ифтихорим кафтидасан, Ўзбекистон,  
Муҳаббатим тафтидасан, Ўзбекистон.

Журъатларим ошиқларга хос,  
Ёнишим ёз қуёши каби.  
Танглайимни кўтаргани рост

Улуттарнинг буюк матлаби.  
Ифтихорим кафтидасан, Ўзбекистон,  
Мұхаббатим тафтидасан, Ўзбекистон.

Сен бамисли покиза имон,  
Асрайдурман қароқларимда.  
Хизр назар юртим, бўл омон,  
Куч олурман тупроқларингдан.  
Ифтихорим кафтидасан, Ўзбекистон,  
Мұхаббатим тафтидасан, Ўзбекистон.

2009

### *Ватан*

Кучли кўринмасман кўзга эҳтимол,  
Заифгина жуссам кирмас назарга.  
Лекин англаганим, сенсиз йўқ иқбол,  
Сени билмаганлар лойик ҳазарга.

Осмонни дўппидек кийган тоғларга  
Ўғлим ўхшасин деб тун-кун ёнаман.  
Қирқокил қизимни узун боғларга  
Умидвор етаклаб чиққан онаман.

Митти юракларда уйғотарман ҳис,  
Мусибатли кўрсам қароқларингни.  
Шунчаки нон кавшаб турмаслар, ҳаргиз,  
Ватан, ўпсам тошу тупроқларингни.

Қат-қати мұхаббат гулдай ўсарлар,  
Сенга бадниятлар – уларга ғаним.  
Зарурда дўппили тоғдай тўсарлар,  
Ўзимдай севарлар сени, Ватаним.

2009

\* \* \*

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг мустакил-лигимиз инъоми ўлароқ чоп этилган “Ғарифинг андижонийдур” номли девонида ўкувчилар эътиборига илк бор ҳавола этилган жуда кўп ғазаллар, рубоийлар бор. Улардан бири ушбудир;

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,  
Рўзий қилгай Худой нусрат сизга.  
Мардоналиғингизни бори эл билди,  
Раҳмат Сизга, хазор раҳмат Сизга.

Хотирамга биринчи ўқишка ёқ ўрнашиб қолган бу рубоий ҳалқаро Бобур фонди раиси ва илмий экспедицияси раҳбари, заҳматкаш олим, фидойи бобуршунос Зокиржон Машрабовга Ҳазратнинг миннатдорлигидай туюлди.

\* \* \*

Балки тушларига киргандур Бобур,  
“Ўғлонлар борму” деб, кўзларин ёшлаб.  
Улкан юрагига чирмасиб ғурур,  
Ёнди, ёнаверди Зокиржон Машраб.

“Тараҳҳум айлагил... Андижонийдур”,  
Битиб, айтиб кетган ахир саркаш лаб.  
Китобми, байтми у, қабрин хокидур,  
Йигиб келаверди Зокиржон Машраб.

Гоҳ Эрон, гоҳ Кобул, гоҳо Ҳиндистон,  
Айланиб улуғлар изин қидирди.  
Неки топган бўлса кезиб саргардон,  
Тўтиёлар айлаб кўзига сурди.

Беш юз йил аввалги тақдирнинг иши  
Боис кетган бўлса Бобур “Ҳинд сори”.

Унинг Андижонга қайтиб келиши,  
Зокиржон Машрабдек ўғлоннинг бори.

Ҳазрат Ватанида қайта туғилди,  
Ашъор ўқир ана... мамнун қўз ташлаб:  
“Мардоналиғингизни бори эл билди,  
Ҳазор раҳмат Сизга, Зокиржон Машраб”.

2009

### *Ҳарбийлар ҳақида қўшиқ*

Дунё билар қаҳрамонлар тутган қўрни,  
Бир зарб билан қайтаргайдир ёвуз зўрни.  
Ўғлонлари Алпомишга авлод бўлган  
Ўзбегимнинг улуг сафда бордир үрни,  
Хур Ватаннинг тилагани тинч-омонлик,  
Мард йигитнинг ҳар қадами қаҳрамонлик.

Улғайтирап улуғларнинг сабоқлари,  
ЮксалтираФХумо қушли маёқлари.  
Онажонлар берган меҳр, муҳаббат бор,  
Даҳлсиздур қўрғонлари, чорбоқлари,  
Хур Ватаннинг тилагани тинч-омонлик,  
Мард йигитнинг ҳар қадами қаҳрамонлик.

Ота макон деган онлар суур тўла,  
Ўзбекистон деган жонлар ғуур тўла,  
Ўзлигига, ўз үрнига эга эл бу  
Мустақиллик ичра йўли оқ нур тўла,  
Хур Ватаннинг тилагани тинч-омонлик,  
Мард йигитнинг ҳар қадами қаҳрамонлик.

2010

## *Чегарада сергакларга Ватан бу*

Алпомишлар кўқрагида олов бор,  
Чорловга шай тураг тулпор-тўриқлар.  
Ўзбекистон фасллари мафтункор,  
Сарҳадларин хушёр мардлар қўриқлар.

Мухаббатли юракларга Ватан бу,  
Чегарада сергакларга Ватан бу.

Оймомодан ёғилади кумуш нур,  
Оролана бошлар йўллар, йўриқлар.  
Элнинг озодлигин бузмас хавотир,  
Истиқлонин хушёр мардлар қўриқлар.

Мухаббатли юракларга Ватан бу,  
Чегарада сергакларга Ватан бу.

Майда тоши, ҳатто чўпаги азиз,  
Сувлари кўнгилга қуяр қўшиқлар.  
Ёмон ният бирлан ташломаслар из,  
Сарҳадларин хушёр мардлар қўриқлар.

Мухаббатли юракларга Ватан бу,  
Чегарада сергакларга Ватан бу.

2010

## *Она дейди...*

Болам аскар либосин  
Элу элат танийди,  
Кийса уни ҳамиша  
Паҳлавону мард кийди.  
Шу либосда гурсо-гурс  
Қадам боссам қанийди...  
Дея билса ҳар ўғлон  
Бу Ватаннинг бағри бут.

Отанг аскар либосда  
Ғуурга тўлган, болам,  
Оғанг аскар либосда  
Алпомиши бўлган, болам,  
Ёғий айюҳанносда  
Йиқилиб ўлган, болам  
Буни билса ҳар ўғлон  
Бу Ватаннинг бағри бут.

Туғилган тупроғини  
Ватан дер одамият,  
Ватан деса қонида  
Жўш уради ҳамият,  
Аскар либос ярашиб,  
Дилга солиб оқ ният,  
Мағрур турса ҳар ўғлон  
Бу Ватаннинг бағри бут.

2014

## *Ҳимоячингман, Ватан...*

Онамнинг алласида,  
Ватан, исминг бор эди,  
Бешигимни тебратиб  
Шундан ғуурга тўлган.  
Мен сени суйиб ўсдим,  
Мехрингни туйиб ўсдим,  
Онам тутган оппоқ сут  
Мўъжизага ёр бўлган.  
Ёвқур мардингман бугун,  
Ёвга букилмас тизим,  
Ҳимоячингман, Ватан,  
Ҳимоячингман ўзим.

Мангуберди бобомнинг  
Ёдидан чироғландим,

Далаю дашт, боғингга  
Жоним билан боғландим,  
Тупротингга из боссам  
Томиримда ўт ёнди,  
Еру кўкинг тинчлигин  
Асрароққа чоғландим.  
Ёвқур мардингман бугун,  
Ёвга букилмас тизим,  
Химоячингман, Ватан,  
Химоячингман ўзим.

Йўлу йўлакларингнинг  
Файзи баланд, гулнафас,  
Ҳар гунча, ҳар япроқда  
Онам бергандайин сас,  
Ғаним нима, ёв нима,  
Кўксим менинг қалқондир,  
Улув сафда турибман  
Мени болам десанг бас.  
Ёвқур мардингман бугун,  
Ёвга букилмас тизим,  
Химоячингман, Ватан,  
Химоячингман ўзим.

2014

## Қўшиқ

Орзуларим чаман, гулбоғ,  
Оққушларга яқин ўртоқ,  
Хайратларим ёнган чироқ –  
Сезмай қайдা юрибсиз?

Соч тўлқиним сабо сабаб,  
Юз ёлқиним наво сабаб,  
Изҳорим йўқ ибо сабаб,  
Сезмай қайдা юрибсиз?

Исмингизга боғлиқ ғуссам,  
Иложим йўқ кўнгил узсан,  
Умримни бахш этай десам,  
Сезмай қайдা юрибсиз?

Куним мушкулми ё осон,  
Мен биларман, билар осмон,  
Келсангиз не бўлиб посбон,  
Сезмай қайдা юрибсиз?

## *Кўчангиздан ўтганим-ўтган*

Машраб бўлдим ўзим ҳам сезмай,  
Бир дийдор деб аламлар ютган.  
Дарчангиздан кўзимни узмай,  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

Эй юзи гул, лаблари гулқанд,  
Деворингиз бунчаям баланд,  
Юрагимни этгани пайванд  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

Шамолларга рашким келади,  
Мен ҳам девор ошгим келади,  
Ким тушунар, кимдир кулади,  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

Соғинмайсиз мени сира ҳам,  
Ёмонманми шунча, маликам,  
Васлингиздан тиланиб малҳам  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

Наҳот кўнгил йўлимиз айри,  
Сарғайтирди севгининг сайри,  
Борми мендек гадога хайри,  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

Оловланди соғинчнинг чўғи,  
Азоб экан ҳаддан ортиги,

Бир кўриниш беринг ҳеч йўғи,  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

Кетаверар қайсар қадамлар,  
Нетай дарвеш қилди бу дамлар,  
Нима деса десин одамлар,  
Кўчангиздан ўтганим-ўтган.

2012

## *Муҳаммад Алиниң “Улугъ салтанат Қитоби мутолаасидан сўнг”*

Буюк сўзга ошиқлик баҳшидаси жон бўлди,  
Фасл нима, кун нима, фидолик ҳар он бўлди.

Тахайюл шаробидин бехуш айланар олам,  
Кечмиш мозий саслари дорию дармон бўлди.

Муаррих ойнасидан жилмайиб боқмиш ҳилол,  
Кумуш нур оғушлари рақси хиромон бўлди.

Не тонгким ҳар йўл фахр, ҳар окин сув ифтихор,  
Кўнгилда ёнган чироқ – илоҳий инъом бўлди.

Рухни бойитиб қўйган мўъжизага салламно,  
Дил дегани муҳаббат яшаган қўрғон бўлди.

Соҳир сўзнинг ишқида куйиб ёнган вужудга  
Мунтазир давот қучган садоқат гирён бўлди.

“Ё Муҳаммад Али” деб патқалам туширмиш арш,  
Кўллагич бобо Темур, пир – Соҳибқирон бўлди.

Ҳақиқат бу, буюклар, буюк сўз ичра мангу,  
Минг-минглаб Замиралар шайдо китобхон бўлди.

2015

# *Паржималар*

## АЛЕКСАНДР БЛОКДАН

\* \* \*

Сен билан учрашиш – даҳшатдир билсам,  
Учрашмаслик эса унданда баттар.  
Ажабланаяпман бунга ўзим ҳам,  
Мухрланиб борар бу кадар.

Күчада соялар юришибди жим,  
Анголмайман ҳушёрми, мудроқ.  
Черков зинасига қадалдим,  
Қайрилишга қўрқаман бироқ.

Қовоқ уйиб пастлайди осмон,  
Бутхонани ўрап бу чоқда.  
Биламан сен шунда, яқинсан бу он,  
Йўқ, сен йўқсан, сен ўша ёқда.

\* \* \*

Қачонлардир узун ғамлар  
Иккимизни боғлади.  
Кунни бирга кутдик, дилбар  
Ҳам ложувард чоғларда.

Оқшом сўнди. Титрар қўллар,  
Ўт гурлаган у нафас.  
Жим из босдик. Фамгин кунлар  
Синик-синиқ берди сас...

Ўша тотли ғамга ҳозир  
Умримни ҳам берардим...  
Ўша жонбахш қўлларга бир  
Лабларимни боссам жим.

\* \* \*

Осмон қора тортди. Булут тизими  
Эриб ёмғир бўлди. Тугади.  
Илк юлдуз кўрсатди юзини,  
Жилва қилди, кизил чўф каби...

Тунлар яна тутарми, айтгин,  
Тотли озор, шукухли онни,  
Диллар топиб муҳаббат байтин,  
Хис қиласми висол, ҳижронни.

### *ФАЗУ АЛИЕВАДАН*

\* \* \*

Ёқламайман асло матриархатни,  
Эркак устунлигин тарафдориман.  
Фовлар, тўсиқлардан ғолиб, шиддатли,  
Кескир туйгуларнинг ёrimан.

Аёл устунлигин ёқламайман ҳеч,  
Момақалдириқдай эҳтирос  
Ва ёвкур кўкраксиз эрта-кеч  
Соғинч азобида қомоқлигим рост.

Аёл устунлигин ёқламайман, йўқ,  
Эркаклардан эса бир талабим бор –  
Қайғум, баҳтим, ловуллаган чўғ  
Янглиғ шеърларимга бўлинг сабабкор.

Аммо мен олмосдай метинман,  
Кўзни ўйнатгудай муз қадар олмос...  
Сиз уни эритинг, сеҳрланг,  
Бу ҳақиқий эркакларга хос.

\* \* \*

Азизим, олма ҳеч хавотир,  
Кўз ёшимга босма дастрўмол.

Күйиб бергин йиғлаб олай бир,  
Сукут саклаб жим кузата қол.

Йиғлаяпман, дилда ларзалар,  
Ловуллаган орзум бор учун.  
Сен ёнимда бўлган лаҳзалар  
Мўъжизалар менга ёр учун.

Йиғлаяпман, тўфонли борлиқ  
Ичра гулхан баётим дея.  
Чақмоқдайин шиддаткор, ёруғ  
Кунлар менинг ҳаётим дея.

Йиғлаяпман, сен билан бирга  
Дунёниг сирларин англадим.  
Захматларим, битганим шеърга  
Тўкилди деб кўнглим ранглари.

Йиғлаяпман, иқболим кўркам,  
Мени суйиб, сийлади тақдир.  
Жиссим кучли, юрагим улкан,  
Ўз-ўзимни кашф этдим ахир:

Кўкрагингга қўйганда бошим,  
Полапонга ўхшаб қоламан.  
Ҳақлик учун курашда тошу  
Ўткир нигоҳ бургут боламан.

Азизим, хеч олма хавотир,  
Кўз ёшимга босма дастрўмол.  
Кўйиб бергин йиғлаб олай бир,  
Сукут саклаб жим кузата қол.

### *Қамалаққа пешвоз*

“Шур-шур” – мана ёмғир ҳам тинди,  
Майсаларда ялтирас шабнам,  
Бошим ортга силкийман.

Энди –

Оғирлашди соchlарим намдан.  
Йүк, ўйламанг, тинмади ёмғир,  
Дилим софлик яиратар ҳамон.  
Сочларимда қолгани бир-бир  
Күйлагимга томяпти бу он.  
Булут эди у биздан олис,  
Паға-пага, уюм-уюмли.  
Юракларга тутиб туйғу, ҳис,  
Қатра бўлди эрка, суюмли...  
Бу қатралар мусаффолик чин,  
Ювди майса, йўллар... барини.  
Қалдирғочлар корачигларин,  
Кабутарлар қанотларини.  
Ўтлоқлардан ўтаман севиб,  
Жилваланаr камалак шу зум.  
Яланг оёқ, ёйик соч, ивиб...  
Унга пешвоз чиқаман ўзим.  
Мойчечаклар яшнар сув ичиб,  
Живирлари чиройли бирам.  
Ҳам кувониб, ҳам бироз чўчиб  
Юмалайди гуллардан шабнам.  
Қўлларимни қанотдек ёйиб  
Кўкка қараб орзу этаман,  
Бир кун ўша юксак, ажойиб  
Камалаклар билан кетаман.  
“Шунда сира йиғламанг менга,  
Аза очманг руҳимга оғир,  
Шеърлар билан қайтгум заминга  
Бўлиб худди шундайин ёмғир”.

\* \* \*

Ўйламаган эдим қайтаман дея  
Ўзимиз тарқ этган ўтли дунёга.  
Ўйламаган эдим қайтаман дея  
Тўлиб аввалгидай ёлқин зиёга.  
Билмовдим, худди шу олов бағрида

Аниқ күринар деб ҳар босган изинг  
Куну тун аламли соғинч заҳридан  
Гулхан янглиғ ёниб боряпман ўзим.  
Қадам изларингни кўряпман бу пайт,  
Қайтмоқ учун қудрат топа олсанг, қайт.

\* \* \*

Севгилим, сену мен қанотмиз бир жуфт,  
Учаётган қушнинг бир жуфт қаноти.  
Қўшилишиб ёнган икки ўт –  
Икки қалб – битта ишқ бўлган бисоти.

Дил билан сезамиз қайси ғам, қай дард,  
Дўст дилин гўёки тиғда тилади.  
Бирин соғинч эзса, бирида албат  
Оғриқ сезилади, шу он билади.

Келиши муқаррар бир қун бор лекин,  
Тайёр туриши шарт бу кунга ҳар қалб.  
Совук тобут узра бош эгиб секин  
Дўстин кузатмоқ-чун сўнг йўлга йиғлаб.

Таъкиду пўписа ё баҳс – беҳуда,  
Одамийлик феъли йўқдир ўлимнинг.  
Маҳв этмас икки дўст жонин бир кунда,  
Боқийлик ҳам бермас икковига тенг.

Майли мен аввалроқ ўтай дунёдан,  
Сенга узун умр берсин худойим,  
Ҳаётдан олмишинг бўлсин зиёда,  
Бахрамандлик ичра яшагин доим.

Такдирга ялиной: Майли мен... аввал...  
Аммо бир ўй қийнар қалбимни менинг.  
Кўз юмсан... ким суюб сени у маҳал  
Бўлиша оларкин қайғунгни сенинг.

## *ПАБЛО НЕРУДАДАН*

\* \* \*

Сен табассум қилганда, эркам,  
Жилмаяр ям-яшил дарахтлар.  
Уларнинг энг янги япроқлари ҳам  
Кувончдан учгудай чараклар.  
Кумушланган борлик бағрига  
Хусн бўлиб турган ҳар дарахт  
Хусн жамлар ўзига яна  
Юксакларга бўй чўзиб бу вақт.

Чилилик фариштам, Кордильернинг суюмли қизи,  
Ўзинг ҳам сезмасдан, табассумингнинг,  
Жарангдор кулгунгнинг кумуш тифи-ла  
Тонгда ҳам чошгоҳда,  
Тунда – юлдузли.  
Хушбўй асал ҳидли ўтларни  
Гўё дасталайсан, ой юзлим.  
Гўзал, яшил барглар  
Кушдек учиб ўйнап бу лаҳза.

Сен табассум қилганда,  
Яшил-яшил барглар чиқариб  
Кўкка бўй чўзади  
Менинг умрим дарахтлари ҳам.

## *ШАФИҚА ЁРҚИНДАН*

### *Азизили*

Эй менинг ягонам, эй азиз дўстим,  
Ишқли оламимда бекаму кўстим.  
Таваллуд кунимда совға айлаб сен  
Саломинг йўллагил,  
Бир ноёб мато  
Янглиғ қатларига меҳр жойлаб сен.

Мен ундан топайин томирларида  
Қонмас, олов окқан қўллар тафтини.  
Қорачиқда айтар рози айланган  
Кўзларнинг таборак аҳдини.

Бу саломдан  
Топай қўнгил яширган  
Орзу ниҳолининг япроқларини.  
Жисму жонинг ичра соғинч оширган  
Муҳаббатнинг ошкор титроқларини.

То таваллуд куним худди баҳордай  
Турфа ифор, сирли нурга йўғрилсин.  
Хижрон тунин мағлуб этган тонгларим  
Ғолиб манглайига туғ илсин.

Эй менинг азизим, эй менинг дўстим.

\* \* \*

Бугун дийдорингга шундай муҳтоҗман,  
Худдики қалдирғоч баҳорга,  
Мажнунтол анҳорга,  
Чечаклар қуёшу сабога,  
Тақводор дил эса Худога  
Очиққани каби васлингта очман.  
Дийдорингга сенинг муҳтоҗман.  
Ишқли нигоҳларинг мен учун меҳроб,  
Саждалар киласман, этарман тавоб.  
Ибодат маҳали дуолар этай,  
Дил керагим бўлгин – садағанг кетай.  
Кўнглинг дарчасини рухсоримга оч,  
Бу мен – дийдорингга орзикқан муҳтоҷ.

# ЗАМИРА РЎЗИЕВА ИЖОДИ ҲАҚИДА УСТОЗЛАР ФИКРЛАРИ

## *Юракда очилган тұллар*

80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб ўзбек миллий шеъриятида истиколол түйгүлари юксак бадий бўёкларда ифодалана бошлади. Шеърият ўзининг қадимий ва навқирон ўзанларига кайтди. Бадий сўз Инсонни, унинг руҳий оламини теран фалсафий тасвирларда ифодалашга киришди. Адабиётдаги бундай сифат ўзгаришлари, албатта ёшлар ижодида ўзининг бир қатор ибратли намуналарини кўрсатди.

Адабиётга катта тўлқин билан кириб келган Усмон Азимов, Хуршид Давронлардан кейин Абдували Кутбиддин, Мухаммад Юсуф, Икром Отамурод, Эшқобил Шукур, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Абдулла Қўшбок каби ёшлар ўз оҳанглари билан муҳлислар эътиборини жалб этдилар.

Замира – Андижон фарзанди. Бу юртнинг табиати, одамларидаги руҳий поклик, улуғ алломаларга хурмат түйғулари шоира шеърларида алоҳида жозиба билан тасвирланади. “Андижон” шеърида у қуруқ, баландпарвоз, ялтироқ тасвирларни четлаб ўтиб, юртга бўлган муҳаббатини оддий, самимий ташбеҳларда ифодалайди;

*Манглайи муқаддас – туг илсанг,  
Қароги қуриган дарё – тикилсанг.  
Жон-жасони қақшар йиқилсанг,  
Андижон бу, Андижондай сев.*

Замира шеърларининг лирик қаҳрамони “ғамдан тож илган Бобур” руҳиятидаги изтироблар билан, Қўқон томонлардан Ойимқишлоқ елларини соғинган Нодираи даврон кечмишларидаги тўлқинлар билан яшайди.

У ошиқ. Унинг сифингани, соғингани муҳаббат. Унинг ишқ изтироблари тасвирига бағишлиланган шеърларида илоҳий руҳга ошиқлик кайфиятлари ҳам тасаввуфона оҳанглар воситасида берилади. Шоира аёл қалбининг нозик қатламларига нигоҳ ташлар экан, бир ўринда шундай дейди;

*Дилим садога бўл Ҳақ ҳатларига,  
Бошлар ул Улуғлик хилқатларига.*

Бу даврга келиб Андижон адабий муҳитида ҳам бир қадар жонланиш юз берди. Абдунаби Бойқўзиев, М.Хушвақт, Ҳалим Карим, Замира Эгамбердиева, F.Асрон каби ёшлар фаолият кўрсата бошладилар. Мана шу тўлқин сафида Замира Рўзиева ҳам бор. У ўз тенгдошларига нисбатан сермаҳсул. Унинг чоп этилган тўпламлари аллақачон ўз ўкувчисини топган, адабий танқид диққатини тортган.

Унинг шеърлари марказидаги лирик қаҳрамон аёл бўлгани учун ҳам латофат, нозиклик, поклик туйғулари устувордир. У ўтмиш, бугун ва эртанинг хаёли билан яшайди. Фарзанд камолида давр камолини кўради. У бир ўринда “Айт қанча бож керак, мендан ол, мендан, Боламнинг бўғзини тинч қўйгин ингрок. Бу маъюс кўзларни соғингин шодлик, Бу кичик кўнгилни ёритгин, чироқ” дея бемор фарзанд қошида унсиз чирқираётган она кечинмаларини ифодалайди.

“Улуғлик хилқатлари” – қаерда? Унга қандай этишмоқ мумкин? У покиза руҳда. Руҳ манзилларига имон сўқмоқларидан ўтилади. Хўш, унга етгач, нима бўлади?

*Гул янглиғ суюмли, нур янглиғ тоза  
Руҳ кирар эзгулик хизматларига.*

Зотан, “эзгулик хизматлари”ни адо этиш барча маънавий покиза қалб соҳибларининг имоний бурчидир. Бу йўлда у “Яссавий ҳикматлари”га

суюнмоқни одат қилмоғи керак. Нега? Хатолардан кутулмок учун. Рухий покланиш жараёнларини бошидан кечираётган лирик “мен” Яраттанинг чашми зиёсидан қувват олар экан, яна хаёлидан ўша фикр ўтади: “замбил-замбил хатолар...” демак, у бир нарсани англаб етган; руҳан покланмасдан истиқлолга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса, инсон ўз-ўзини англаб етиши, қайта қуриши керак. Замира яратган лирик қаҳрамон ана шу оғир ва зиддиятли жараённи бошидан кечираётган инсон. Табиийки, унинг қалб олами фикрлар жанггоҳига айланди. Шоира диққатини ана шу курашлар нуктасига қаратар экан, холис туради. Шу сабабли бўлса керак, унинг шеърларида ўз-ўзи билан юзма-юз турган қалб манзаралари тасвири етакчилик қиласди.

Шоира Бобур, Нодира, Чўлпон, Дукчи Эшон каби тарихий шахслар ҳақида ёзадими, эрку камолини ҳам ўйламай эртаю кеч пахта деб жон койитиб юрган деҳқон ҳақида ёзадими, муҳаббат боғларидан гуллар эмас, хазонлар териш насиб этган куйган дил ўртанишларини қоғозга туширадими – кўз олдида битта нарса – имон туради. Ва у тимсол даражасига кўтарилади.

Унинг лирик қаҳрамони Ватанин имондек севади, руҳдек қадрлайди. Дукчи Эшон тилларидан айтилган шу фикрлар илдизи замон ва унинг бугунги оғриқлари билан чамбарчас боғланиб кетган:

*Ҳозир кўзим очиқ, унга чўккин, юрт,  
Ололмаслар қарогимни пичоқлаб.  
Болам дегин, манглайимдан ўпгин, юрт,  
Мен ўлайн Диёнатни қучоқлаб.*

Замира шеъриятни эҳтиёж деб биладиган шоира. У шунчаки сатрлар тизмайди. У танлаган сўзларнинг қалби бор. Қалб эса қувончу изтироблар билан бирга яшайди. Зотан, кун ва тун, заҳру бол,

адолат ва разолат бу ёруғ дунёда доимо ёнма-ён келади. Шоиранинг лирик “мен”и қалбидан отилган шодликда қайғу шамолларининг аччиқ изғириллари, аламларида эса эртанги кунда туғилажак эрк кувончларининг эпкинлари аралаш келадики, буни ҳам янги шеъриятга хос нафас деб караш керак...

Шоира таржимаи ҳолига маълум жиҳатлари билан ўхшаб кетадиган қуйидаги сатрларда эртанги кунга нисбатан ёруғ умид нурлари жилваланиб турди;

*Ўттиз бирни излаб жовдирар умид,  
Ўттиз бирдан ечим кутар тугунлар.*

Юқоридаги сатрларни ўқигач, беихтиёр дилингизга А.С.Пушкиннинг шоир ўттизгача маълум бўлади деган сўзлари ёдга келади. Ва кўнгилда “Замира шоира сифатида аллақачон шаклланиб бўлган” деган фикр уйғонади. Ўттизгача ёзилган шеърлардаги фикрни тоғ чўққисидан шиддат билан отилаётган шалолага киёсланса, ундан кейин ёзилган шеърларни ўз-ўзини топиб аниқ манзил сари интилган ирмокқа менгзаш мумкин. Замирада ҳам фикр тиниклашиб, теранлашиб бормоқда. Сўзда теранлик, тиниклик, бадийлик бирлаша олсагина чинакам шеърият туғилади. Бу йўлда Замирага омад тилаймиз.

**Исмоил ТЎЛАК,**  
*филология фанлари доктори, шоир.*

1994 йил

## *Андижоннинг шоира Қизи*

Андижоннинг ёлқинли қалб соҳибаларидан шоира Замира Рўзиеванинг номи нафакат Андижонда, балки бутун Ўзбекистонда ҳам ўкувчиларга яхши маълумдир. Шоиранинг “Атиргулга айланаман”,

“Мунаввар юртим”, “Қирқ ўрим соч”, “Гул ислари”, “Офтобжамол”, “Сарчашма” номли шеърий китоблари аллақачон ўқувчилар қўлига етиб борган.

Замира – том маънода ҳассос шоира. Унинг шеърларидаги энг яхши хусусият: уларда гупуриб турган самимилик, шакл ва мазмунда – оҳорлиликдир. Кўнгилдаги ҳис-туйғуларини ўқувчидан яширмайди, балки ўқувчини ўзининг сирдошига айлантириб олади, унга дардини айтиб руҳи енгил тортади. Айниқса, муҳаббат мавзусидаги шеърлари бағоят самими. Синглимиз шеърларининг яна бир фазилати – уларнинг тугилган макон – Андижон билан фахру ифтихор этиш туйғусига йўғрилганлигидир. Жуда кўп шеърлари, “Жон риштаси” достони (буни достон эмас, балки қасида деган бўлардим) Андижоннинг мадҳи – тимсолига бағишлиланган.

Шоирада ҳалқимизнинг ўтмишида ўтган улуғ фарзандлари билан ғуурланиш туйғуси кучли. Шоиранинг “Ташнадил” номли янги китоби буюк ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобурга бағишлиланган. Ўзига хос хусусиятга эга бўлган бу китобга киритилган манзумалар мавзуси Бобур ёди ва қаҳрамони Захириддин Муҳаммад Бобурдир. Гарчи китобдаги шеърлар байтларга татаббуълар ва муҳаммаслар дейилса-да, мумтоз адабиётимиздаги татаббуълардан фарқ қиласи. Масалан, Алишер Навоийнинг Ҳофизга боғланган татаббуъларини эслайлик. Шоира фахрланиш йўлидан бориб Бобурмирзонинг бирор сатри, сўзи, ибораси, ғазали, “Бобурнома” манзаралари, жасорати, шиҷоати кўнглига учқун солган бўлса, шу баҳонада уйғонган туйғуларини дадил шеърга солади, ўзининг ворислик туйғуларини, фахрланиш ҳиссини ифодалайди. Шоиранинг Бобурмирзога бўлган эҳтироми у туғилган макон – Андижонга, Ўзбекистонга эҳтиромидай туюлади. “Сочининг савдоси тушди”,

“Баҳор айёмидур...” каби газалларига боғланган муҳаммаслар эътиборга лойикдир.

**Ҳар кимки мени сўрса саломимни дегил,** деб ёзган эди улуғ адиб. Аллоҳга шукур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларини сўрагувчилар, саломини сўрагувчиларга етказиб қўювчилар кўп. Уларнинг сафи ҳеч қачон узилмайди, балки кўпайиб боради. Андижоннинг шоира қизи Замира Рўзиева ҳам ана ўша сафда эканлигини кўриб кувонаман ва унга янгидан-янги илҳомлар тилаб қоламан.

**Муҳаммад АЛИ**

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Давлат мукофоти лауреати.*

2009 йил

## *Андижон томонлардан...*

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар элликдами, олтмишдами, ёшидан қатъи назар иштиёқ, муҳаббат билан бир ишни бошласа, гўё ҳаётни янгидан бошлагандай киришиб кетаверади. Мен Замирабегимни ана шундай умид фуқароларидан бири деб биламан. Шоир вужудига қўнгил чироқ. Ундан таралаётган нур ёш танламайди. Менга қолса шоирани балогат остонасига қадам қўйди дейиш мумкин. У билан сухбатлашганимда бу фикрга яна бир марта иқрор бўлдим.

*Кашф этганим, топган дунём бунча номард,  
Кўз очирмас кипригимга осилган гард.  
Мен биламан, сиздан кетсан ишқ ўлдирап,  
Кетмасам гар ўлдиради ёри бедард.*

каби дардли мисраларни хўрсиниб ўқиганида у ёш, муҳаббат изтиробларини бошидан кечираётган малоҳатли аёлга айланган эди... у турли мавзуларда

эркин қалам тебратади. Ижтимоий мавзулар, хусусан Ватан ҳақида ёзганда ҳам сатрлари қайроқ тошлардай жаранглаб туради.

*Ватан, топгай мукаррамлиғ санда жон,  
Сенингсиз афсусу армон, пандда жон.*

*Сен бобомдан қолганим – чүнг бойлигим,  
Үглим, қизимга ўткай чиққанда жон.*

Бирорларнинг ортида у эккан ниҳоллари қулф уриб, гуркираган боғлар қолади. Қай бирорларнинг ортида эса сароб жимирилаган куп-куруқ дашт... Замирабегим эса бу довонга ўнга яқин янги китоблар, тўртта фарзанд, қатор жаннат чечакларидай набиралар билан келди. Юррак эса ўша-ўша ҳар лаҳзада учмоқка қодир, чарх ураётган куш... чехра ўзлари айтгандай – “офтобжамол”, нигоҳлар ўйчан, сирсиноатли...

Замирабегим!

Сиз Захириддин Мұхаммад Бобур ҳазратларининг “андажон”и қолган, Моҳларойимдай баҳту бебаҳтликнинг бор қадаҳларини мард туриб сипқорган чин ойимнинг ҳилпираган этакларини, қуштумшуқли ковушларини ўпган Андижон тупроқларида таваллуд топгансиз. Илло буям бежиз эмасдир.

Андижон томонлардан ишқу ўт, меҳру мұхаббат шамоллари келади.

Мозийдан тортиб то ҳануз Андижон томонлардан миллат юкига елка тутиб, унинг шон-шавкатини то абад кўтарадиган паҳлавони замонлар, инжа нафас маликаи давронлар келади. Биз бунга ўрганганмиз ва хусусан, Сизнинг ижодингизга ҳам шу баланд нуқтаи назардан караймиз. Буни унутмагайсиз.

Илоҳа, сизнинг юрагингиз, ижодингизни ҳам ана

шу илохий руҳий кучлар кўтарсин. Сизга эҳтиром билан

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА**

Ўзбекистон халқ шоири

2005 йил

\* \* \*

**Гўшакдан андижонча лаҳжа янгради. “Янги китоб тайёрладим, опа, бир ўқиб чиқишингизни хоҳлардим-да!...”**

Рисолангни ўқияпман қайта-қайта,  
Нигоҳларим чақнаб тўхтар ҳар бир байтда.

Машрабона хонишингдан айланайин,  
Минг пардали торларингга бойланайин.

Эшитяпман юрагингнинг дупурларин,  
Юрагингмас, депсиняпти дулдулларинг.

Она сойим, она лойим таъми сенда,  
Нени кўргим келган бўлса – жаъми сенда.

Замираой, сен бошқача, сен бўлаксан,  
Милён дилга куя билган бир юраксан.

Ғайратингдан ҳайратдаман, сингилжоним,  
Бори, йўғи битта жонсан, тингин, жоним.

Бекор айтдим, бекор айтдим, тинмагайсан,  
Чунки, ойим, сен заминдан унмагансан.

Дебсан, “Учиб келдим арши аълолардан”,  
Демак, кучу сўз олурсан самолардан.

Бибихоним тушиб, боланг ухлотади,  
Моҳларойим бошинг силаб уйготади.

Тонглар Бобур келар миниб тулпорини,  
Дарвозанға илиб кетар туморини.

Иншооллоҳ, улар рози байтларингдан,  
Шеърга солиб табораклар айтганингдан.

Мұҳаббатни куйлаганда девонасан,  
Битта ўзинг мингта Зеби, Зебонасан.

“Хижрон жар”дан бутун чикқан малак ўзинг,  
“Хижронзада” умр ичра ҳалак ўзинг.

Ошиқона куйлашларинг бахшиёна,  
Орифона ўйлашларинг бахшиёна.

Бахшиёна исм қўйдим китобингга,  
Бахшида жон сачрамоқда рубобингдан.

Синглим, сенга Аллоҳ баланд акл берди,  
Бўйингни ҳам расо берди, адл берди.

Этагингни ўғил-қизга тўлдирди у,  
Бой ойимлар қаторига қўндириди у.

Эгам берди гулузору болазорни,  
Юрагингга қамаб қўйди булбулзорни.

Булбулларга дўниб юргин, Замиражон,  
Кўнгилларга қўниб юргин, Замиражон.

Сендай замондошларим бор, билки, бойман,  
Андижонлик опагинанг Турсун Ойман.

**Турсуной СОДИКОВА**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, шоира.*  
2007 иил.

# *Атиргулга айланган шоира*

*(Устознинг дил изҳори)*

Шеър нима ўзи? Қандай пайдо бўлади? У кимга керак?

Шеър кўнгил. Шеър юрак садоси. Кўнгилдан кўнгилларга, юракдан юракларга ўтади. Ҳаяжонга солади, йиғлатади ва кулдиради ҳам. Шеър айтган юрак тилга зарб беради, тилдан тилларга ўтиб, ҳаётга хизмат қила бошлайди.

Шоир кўпни кўрган, турмуш козонида “пишган”, тарихни ҳамда бугуннинг ва келажакнинг дардини қалбга жойлаган бўлиши керак. Юзакилик, сўзбозлик, қофиябозлик, зўрма-зўраки, ёлғон шуҳратпарастлик ва ғаразгўйлик каби иллатлардан холи бўлиши зарур. Покиза туйғулар, ўткир илҳом ҳамиша шоир қалбидаги ҳукмрон бўлсин. Бундай олий руҳий куч-кувват албатта Аллоҳ инъомидир. Унинг замирида тинимсиз ўқиш ва уқиш, ўрганиш ва яна ўрганиш, кенг кўламдаги оғир меҳнат заҳматлари бор. Шоир бўлиш – бу баҳт эмас, қисмат, башафқат тақдирнинг ишидир. Чидаганга чиқарган деган гапнинг ўзи.

Бир татар шоири ижод ҳақида шундай деб ёзган:

*Нолима, маккор ҳаётга  
Қарши жсанг қил ҳар куни.  
Бу курашда ёки жон бер,  
Ёки мағлуб эт уни!*

Ана, кўрдингизми, шоирлик меҳнат, меҳнат ва кураш экан, тўсиқларни мардона енгиб ўтиш экан.

Яқинда шоира Замира Рўзиеванинг “Атиргулга айланаман” номли бир кичкина шеърлар тўплами кўлимга тушиб қолди. Ўқиб чиқдим ва бир оғиз гап айтгим келди.

Хозир республикамизда истеъдодли шоиралар

анчагина. Замира улардан қолишмайдиган, балки ортиқ томонъяри ҳам бордир. Унинг ижодига катта адабиёт нұктай назари билан қарааш лозим экан.

Баъзан ёнимиздагини “Ўзимизники” деб унчалик эътибор бермаймиз. “Ёнингдан оққан ариқ” деб шунга айтадилар. Лоқайдлик ёмон нарса. Биз билан ёнма-ён яшаб ижод қилаётган яна бир Саида Зуннуновани пайқамай қолибмиз шекилли.

Замира Рўзиева шеърлари ҳароратли, эҳтиросга мўл. Сатрларига фикр ва ақл яширинган. Уларнинг ҳаммаси жўшқин меҳр билан битилган. Келинг, энди шоира кашф қилган сатрларга дикқатни қаратайлик:

*Хазонлар авраган ариқ шеър ўқир,  
Маҳзунлиги менинг каби... тингладим.  
Дунёга ишқ дея келганман ахир...*

Ёки шу шеърнинг мана бу бир байтига эътибор беринг:

*Бир хато тортиги бўлди минг азоб,  
Унга жон ишимни ўзим уладим.*

Шеър дегани шу-да. Инсон қалбининг нозик пардаларини тарант тортади.

*Эй дил, бунча қайсар бўлдинг,  
Жонима дардисар бўлдинг...  
Қаёқданам шу бедилни  
Севдинг-а, хокисор бўлдинг.*

Шоира “ишқ ранги”, “түлғоқли тунлар занги”ни қофияга солади-да, уларни истар киши бўлса, “кўнглимга боқ”син, дейди.

Замира шеъриятида халқ ижоди оҳанглари ва мумтоз шеъриятимиз усуллари ўзига хос йўсинда кўринади. У бир газалида ёрқин бир байт яратади:

*Рутубат ханжари ботгай,  
Вале мағлуб бўлар жон йўқ,  
Манга саркарда ҳам, ҳам зўр  
Синоҳим муҳаббатдур.*

Шеърнинг гўзаллигини намойиш қиласиган нарса бу самимилик. Ҳаётга ошиклик эса, юксак фуқаролик бурч. Халқ ва миллатни севиш, Ватан киёфасини ичдан ҳис этиш, буюк маслакдир. Шунингдек, ҳар шеър жонли, манзарали бўлиши лозим.

Замира кўпинча гўзал, тиник образ яратишга эришади:

*Ёраб, мени қучар йўқолган хаёл,  
Кўкламги қирларнинг сувратин ўтиб.*

Яна бир ибратли мисол:

*Мана, мен – томларни ёпган қизгалдоқ,  
Мана, мен, – қирларга шошилган ёмғир...*

Шоира кишиларни олийжанобликка, яхшилик ва бағрикенгликка чақиради;

*Қўлларинг толгандир тошлар отиб, дўст,  
Бир озгина чалғи, дил ўйнатиб, дўст,  
Кўяйлик кемтикка ялпиз чатиб, дўст,  
Баҳорга ярашиб тушин кўнглимиз.*

Замира Рўзиеванинг навбатдаги бу янги китоб-часига кирган шеърларни ўқиб хурсанд бўлдим. Андижонда яна катта бир ижодкор борлигидан бағрим тўлди. Ўзбек шеърияти боғида ҳамюрт бу шоира-ни хазон билмас атиргулга айланиб қолганига имон келтирдим.

**Тўлан НИЗОМ**  
*Ўзбекистон ҳалқ шоири  
“Андижоннома”, 2004 йил 3 апрель*

# МУНДАРИЖА

## Шеърлар

Ватан .....	5
Ўзбекистон .....	5
“Борликнинг эшигин қоқар субҳидам...” .....	5
Тонгги лавҳа .....	6
Қудрат .....	7
Зулфия опага .....	8
“Менинг сендан олган эҳсонларим...” .....	8
Мен ўшаман .....	9
“Ўн ети ёш, қўмсадим сени...” .....	9
“Пишириб боради поезд бетиним...” .....	10
Бодомзорим тўлиб кетди .....	11
Кузги боғларда .....	11
“Фасллар айланар тўхтамай бир зум...” .....	12
“Нега жимсиз, нега сокинсиз...” .....	12
Эҳтиром .....	13
Тунги соҳил .....	14
Ўсма .....	15
Онам хати .....	15
Куз япроқлари .....	16
Куз .....	16
Камолот .....	17
“Мен дунёга келдим...” .....	17
“Биласизми, сиз деганимда...” .....	18
“Қадамингиз бойчечакнинг устига тушди...” .....	19
Дугонам Пўлатойга .....	19
“Сиз ҳадя этдингиз, Сиз...” .....	20
Кишлоқдаги ўйлар .....	20
Юртим .....	21
“Суюк бойчечакнинг изидан...” .....	21
“Қўй энди, дардларни улоктири, синглим...” .....	22
“Энди тонгни куюқ-куюқ туманлармас...” .....	23
“Шунчалар оқими迪 олча гуллари...” .....	23
“Толиққан кўзимни очдим. Туман йўқ...” .....	23
Рахима холанинг кўзлари .....	24
Бу юрт .....	25
Ўғлим Беҳзодбекка .....	26
Изтироб .....	26
“Фасллар айланар...” .....	27
Янги йил олди ўйлари .....	29

“Раҳм қилгил минг бүлакли азиз жона...” .....	31
“Ота, бу юрт зарга тұла...” .....	31
“Құлларимни чўздим...” .....	32
Топишмоқ .....	33
“Сиз келсанғиз агар...” .....	33
Широқ ҳақида .....	34
“Қандай тушунтирай үзимни...” .....	35
“Бошқачароқ ўла...” .....	36
“Япроклар бандидан узилмай туриб...” .....	37
“Юрак, севасанми бу маъсум қизни...” .....	37
Ўткирбек оғриган тунда .....	38
“Кафансиз кўмилгандар”ни ўқиб .....	39
Ўзбек .....	39
1937 йил .....	40
Ойбек .....	40
Ўзини унуган яқинимга .....	41
“Бир дилча тўлдириб дунё камини...” .....	42
“Чор тарафға қараб кўрганим қувонч...” .....	42
Широқ .....	43
“Бугун дала-ховлида гул, этакда гул...” .....	43
“Боғларини ҳур шамоллар излайдиган...” .....	45
“Сим-сим ёмғир ёгар, эрир ғубор, кир...” .....	45
Хурлик туйғулари .....	46
“Ўзимни ўзимга танитар бу кун...” .....	47
Уйғонган миллат .....	47
“Дил кашғ этган, дил яратган...” .....	48
“Недир дегим келар сен ҳақда, Ватан...” .....	49
“Кеча тугаб борар...” .....	50
Онамсан сен .....	51
“Изтироблар кийнар куйган юрагимни...” .....	52
“Эрк келганды...” .....	52
“Бинафшажон...” .....	53
“Жонимни садога олсин сўроринг...” .....	54
Сароймулкхонимга .....	55
“Бибим десам кўздан тўлин бир ой ўтди...” .....	56
“Не сиру синоат бул...” .....	57
“Сен аршдаги фариштага, хурларга хеш...” .....	58
Шавкат Раҳмон хотирасига .....	59
“Хотираға сиғинмоқдан тўлмас кўнглим...” .....	59
“Дада, ёмғир эзгин ёғди...” .....	60
Онамга .....	62
“Онажоним энди йўклар...” .....	63
“Жон нисор айлаб...” .....	64

“Күнглингизда кўпdir ҳиммат...” .....	64
“Кўзингдаги ёлкин ишкми, сингилжон...” .....	65
“Баҳорларни бошлаб келган бойчечагим...” .....	66
Навоий дарсхонасида .....	67
“Саратон зар тожини кийди...” .....	71
Зайнабnidоси .....	72
Яссавий дарсхонасида .....	73
Ҳайратнинг суврати .....	74
Нашида .....	75
“Бағрим пора-порадур...” .....	76
“Кўз адашди, сўз адашди...” .....	76
“Куш каби учганда тулпор...” .....	77
“Кора сочим ўсиб қошга тушибди...” .....	78
“Эй кўнгил, баҳт деганга...” .....	78
“Бўлмадингиз Сиз менинг...” .....	79
“Товонимга тош ботиб...” .....	79
“Қакшаган жонларга исминг...” .....	80
“Ватан, топгай мукаррамлиғ санда жон...” .....	80
“Кўнглим маним Машраб бўлди...” .....	81
Наврӯз васфи .....	82
Мувашшаҳ .....	82
“Ниҳон ишқим азобидур юракнинг...” .....	83
“Кўнглим, дардинг мени овора қилди...” .....	83
“Дилимга ифор бўй бўстон керакдур...” .....	84
“Бетараҳхум бўлдингиз, ёр...” .....	84
“Кишининг қаҳрлари – кўнгилнинг зори...” .....	85
“Кўнглимни ишқ асир этган кезлардан..” .....	86
“Нигоҳимга санчилар тун...” .....	86
Бир сўз айт .....	88
“Бу дунёнинг кўчаси кўп...” .....	89
Ҳолат .....	89
“Мұҳаббат ҳайрондир...” .....	90
Раҳми йўқ ҳижрон .....	90
“Юлдузлардан ёғилди шеър...” .....	91
“Мен кетяпман қадр топмаган...” .....	92
“Сизни суйдим. Тонгу шомдан оғриқ топдим...” .....	92
“Сиз баланд севгилар кутасиз мендан...” .....	93
“Ёр, дилдаги ишқимни...” .....	93
“Баланд тоғнинг қори кетмас...” .....	94
“Содда кўнгил англомаган...” .....	95
“Куннинг-да, туннинг-да раҳми йўқ...” .....	96
“Келмадингиз, боғлар кутиб сарғайди...” .....	96
“Бир-бировни таниб бўлдик биз...” .....	97

Ёр бўлдингми, ёлғизлик .....	98
“Андижонда ўтлар ёнди...” .....	99
“Эй, Алломишкелбат, кўкси тоғ йигит...” .....	99
“Сизга айтарим йўқ...” .....	100
“Эй дил, бунча қайсар бўлдинг...” .....	101
“Кўнгилнинг дўсти йўқ, оғриқдан ўзга...” .....	101
“Янграб қолди офтобжамол алёрлари...” .....	102
Муҳаббат ҳақида ёзаверамиз .....	103
Кўнглимга бок .....	103
“Гулга сирдошдирсан, қушларга ҳамроҳ...” .....	104
“Тиниклашиб оқар ирмоклар...” .....	105
“Сизсиз кунлар соати йил...” .....	105
Эй муҳаббат .....	106
“Қўшмачи тун кўллари...” .....	107
“Кўзим ҳасратидан сарғаяр майса...” .....	107
“Гулларга ишонса бўлади...” .....	108
Пискарёв қабристонида .....	108
“Сиз келасиз...” .....	109
“Мехр кўрсатасиз менга...” .....	109
“Йигит минар тулпорга чаққон...” .....	109
“Кўкламларни кўксида авайлаган...” .....	110
“Бу ҳовлида...” .....	110
“Рўй бермади бирон мўъжиза...” .....	111
“Ёшим каби улғайиб борар...” .....	112
Ватанга севаман дейиш .....	112
“Минг йиллик савдодан аёндир...” .....	113
“Ўзбекистон, шодлик, маъюслигинг ҳам...” .....	113
“Юртим, сенинг шабнам кўнган...” .....	114
Севдим .....	114
Мен мардни кўргим келар .....	115
Файзиёб ватанга ярашикли бўл .....	116
“Мен муҳаббат истадим...” .....	117
Севгим сўрагин элим .....	117
Эй кўнгил, ўзни топ .....	118
“Ватан, сени севаман деб...” .....	119
“Мен хасис эмасман...” .....	120
“Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам...” .....	121
Ватан вафодорлар билан гўзаллир .....	122
Фарзандларимга .....	122
“Онажон, кўнглимдир – алла-байтингиз...” .....	123
“Кўнглим, сенга гул ярашар...” .....	124
“Осмон ҳою ҳавасдир...” .....	124
Муҳаббатдан яралгандир .....	125

“Ватан дедим – юрагимга боғлар ўрнашди...”	125
Ўзбекистон, бўгун янгисан	126
Она тилим	127
“Хуррият деб...”	128
Соҳибқирон Амир Темурга	128
Журъатингдан бер, бойчечак	130
Таскин	130
“Хабар кутиб толган нигоҳларимдан...”	131
Кўнглингизда бир не бормиди	132
Тилак	133
“Осмон яқин...”	133
“Хувиллаган боғлар чирой топарлар...”	134
“Учрашмадик, орзуимда бор бўлдингиз...”	135
“Васли шаъмдин зора биз тарафлар яракласа...”	135
“Кўнглим менинг муҳаббатга, ишқقا ташна...”	136
Юракларда муҳаббат бор	136
Қароғим ёшлари дарё яратди	137
“Минг тўсикдан қайтмаган...”	137
“Севаман деб айтманг...”	138
“Сиздан кетолмайман, изимни кутмас...”	139
“Топинганим сиз бўлдингиз...”	139
Йўлларида куйлаётирман	140
“Бир дийдор бор кўзларимнинг қорасида...”	141
“Ҳамал кулиб, қалдирғочлар пастлаб учса...”	141
“Бор эдим...”	142
“Ҳайрат менинг тилларимни куйдирди...”	143
“Эртаклар сўзлаган аждардин, девдин...”	144
“Тасодиф учрашдик...”	144
Ошиклигим	145
“Хуш сўзингиз йўқолиб қолди...”	145
“Сизга ёзган хатларим узун...”	146
“Қалдирғочлар пастлаб учди...”	146
Атиргулим	147
“Тизгинини тутқазмайди хаёлларим...”	148
“Бизга биргаликни ёzmади тақдир...”	148
“Муҳаббатдан сўз очсанг...”	149
Бир-бировни сева билсак бас	150
“Унинг кўзи маъюс, карашмаси йўқ...”	150
“Аразингиз бунча узоқ чўзилди, ёр...”	151
Жим-жим севган қиз бўлдик	152
“Хукмини ўтказар қаҳри қаттиқ қиш...”	152
“Сочимдаги окка салом бердим мен...”	153
“Дилқўрғоним ағёрларга бермасман...”	153

Дунё .....	154
“Фожиа деб айтма – кун ўша-ўша..” .....	155
Чүли Ирок .....	155
Қизлар севса агар .....	156
Жон риштаси (Достон) .....	157
“Шеърият – томиримда оқкан ҳаётим...” .....	181
“Ватанга қасамёд” ҳайкали пойидаги ўйлар .....	182
Күклам билан күришган юрт .....	182
Мусаввир кузак бу .....	183
“Сайёхликдан қайтган куним...” .....	184
Муқаддас ватан бұлдик .....	184
“Хикмат топдик ўткан күнлар сабоғидан..” .....	185
“Йиғлайвердинг, узоқ йиғладинг...” .....	186
“Ниҳон күз ёш ичға оқар...” .....	186
“Корни очганини тез сезади у...” .....	187
“Бу хос уйни эгаллаган меҳрсизлик...” .....	187
Бахор .....	188
Илхақлык .....	188
“Күнглингизни топгувчи йўл...” .....	190
Севги надир, севмоқ надир .....	191
“Ўзиники қилди сени ёлғонлар...” .....	192
Бинафша .....	192
Юрагимни улғайтирди андуҳларим .....	193
Юраксизлар юрагимни куйдирди .....	193
“Менинг излаганим сен эдинг...” .....	194
Дунёда ҳар кимнинг ўз изи бўлсин .....	195
Наъматак .....	195
Қизгонаман сизни қаришдан .....	196
“Бунча баланд осмон бўлдинг, севгилим...” .....	196
“Сехр бер – Буюк сўз, Буюк муҳаббат...” .....	197
“Мени тушунади кўклам...” .....	197
“Жим яшайсан ўзингни алдаб...” .....	198
Ишқ оғриқлари .....	198
Нега изладим .....	199
Қайдасиз .....	200
“Сиз энди узо-оқсиз...” .....	200
“Истак күшин сайри дедим...” .....	201
Элнинг назаридан қолмасанг .....	201
Изладим .....	202
Яшарсиз .....	203
“Осмон узра тортилди...” .....	203
Кўнглим-ай .....	204
Тупроқ .....	205

Ватанга севаман дейиш .....	206
Тинчликка нимә етсин .....	207
Дунёни ўрағим келди .....	208
“Омад тутса бошингга офтоб...” .....	208
“Дарёдил онамнинг меҳридан масрур...” .....	209
“Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...” .....	210
“Мен зерикдим руҳни ранжлар йўқларидан...” ....	210
“Нега? дейман, нима учун? Энди нетай?..” .....	211
Кўл юзидан тарқай қолсин туманлар .....	211
Меҳрибонлик уйида .....	212
Дўрмон боғида .....	213
Хаёлим сенда бўлди .....	213
Эй кўнгил .....	214
“Ишқ десам ёдимга хуммор кўз келар...” .....	215
“Тунларимни баҳш этмадим...” .....	215
“Ишқдур, мани маст айлаган ишқ...” .....	216
Илм олурким .....	216
“Боғу баҳор бағрида қолганда юрагингиз...” .....	217
“Жонни гулга ўраган гулзорим – сиз...” .....	218
“Кўнглингизни топгани йўл излаб...” .....	218
Билмам сени қачон топдим, муҳаббат .....	219
“Кўз солиб кўнгил сари байрам бўлинг...” .....	220
Шеърият .....	220
1991 йил 31 август .....	221
“Кўнгил булбул бўлиб куйламоғи шарт...” .....	221
Андижон бағридадур .....	222
“Ишқ аршидан ўқилган...” .....	222
“Нигоҳи маъсума диёр, Андижон...” .....	223
Кўклам қўшиғи .....	224
Аёлга қасида .....	225
“Кимнингдир ишқида қўшиқлар айтиб...” .....	226
“Ошиқ этди чехраси бир гул мани...” .....	226
“Юрса изи тушар деб...” .....	227
Жаннат йўли десалар .....	227
“Бу умрим шархи сенга...” .....	228
“Дунёнинг пасту баланд йўлагида...” .....	228
“Ҳақдан сендай дилдор сўраган...” .....	229
“Кизил гулга ярашиқ...” .....	230
“Куёшни интиқиб кутади...” .....	231
“Севги эрур...” .....	231
“Хабар етди. Бугун ёр боя келмиш...” .....	233
Бу ватан .....	233
“Сен панд бердинг...” .....	234

Кўшиқ қилгин .....	235
Бешик бошида .....	236
Ватан .....	237
“Бунча кўп йиғладинг...” .....	238
“Ёр келар гул-гул ёниб...” .....	238
“Васл чоғ...” .....	239
Дуо .....	239
“Ошиклик оламин кезгин, юрагим...” .....	240
“Элим деса, юрагини ёритади...” .....	241
Дилсўз .....	242
“Бу кун юрагимнинг шиддат, шаҳди бор...” .....	242
Тоғай Мурод ва Маъсумага .....	243
“Узун йулга соғинчимдан чироқ тутиб...” .....	244
Уйгониш .....	244
“Сулувлиги Зухрою Лайларига юққан...” .....	245
Фарёд .....	245
Тўртликлар .....	247
Учликлар .....	249
“Эллик бор хазонли куз кўрдим...” .....	250
Озодлигинг бўлсин омон .....	251
Ҳабибингман .....	252
Ватан .....	253
“Балки тушларимга киргандур Бобур...” .....	254
Ҳарбийлар ҳакида қўшиқ .....	255
Чегарада сергакларга ватан бу .....	256
Ҳимоячингман, ватан .....	257
Қўшиқ .....	258
Кўчангиздан ўтганим-ўтган .....	259
“Улуғ салтанат” китоби мутолаасидан сўнг .....	260
Таржималар .....	261

### Замира Рўзиева ҳакида устозлар фикрлари

Исмоил Тўлак. Юракда очилган гуллар .....	269
Мухаммад Али. Андижоннинг шоира кизи .....	272
Халима Худойбердиева.	
Андижон томонлардан .....	274
Турсуной Содикова.	
“Рисолангни ўқияпман қайта-қайта...” .....	276
Тўлан Низом. Атиргулга айланган шоира .....	278

Адабий-бадиий нашр

**ЗАМИРА РЎЗИЕВА (Ходжамбердиева)**

*Шеърлар*

“Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2016

Мухаррир *Носиржон Жўраев*  
Бадиий мухаррир *Феруза Башарова*  
Техник мухаррир *Райно Бобохонова*  
Саҳифаловчи *Мастура Атҳамова*  
Мусаххиҳ *Саида Аллаева*

**Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 йил.**

Теришга берилди 02.02.2016. Босишига рухсат этилди 04.05.2016.  
Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . “TimesNewRoman” гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоги 15,12. Нашриёт-хисоб табоги 11,52. Адади 1000  
нусха. Буюртма № 4260.

**“Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41**



ISBN 978-9943-26-496-0

A standard linear barcode representing the ISBN 9789943264960.

9 789943 264960